

МАНСУР ОМОНОВ

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЗАМОНАВИЙ ҲАМКОРЛИК



МАНСУР ОМОНОВ

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЗАМОНАВИЙ ҲАМКОРЛИК



Тошкент – 2022

УДК 32.019.5(575.1)

ББК 66.49

О-24

Омонов Мансур

Халқ дипломатияси ва Марказий Осиёда замонавий ҳамкорлик // монография // Мансур Омонов. Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2022 й. – 190 б.

Масъул муҳаррир:

Б. Каримов,

*фалсафа фанлари доктори, профессор
(илмий раҳбар)*

Тақризчилар:

С. Жўраев,

сиёсий фанлар доктори, профессор

Ғ. Бобоёров,

тарих фанлари доктори, профессор

Мазкур монография янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида энг устувор бўлган Марказий Осиё минтақасига бағишланган бўлиб, унда Марказий Осиё давлатларида халқ дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари ва замонавий ҳамкорликнинг назарий концептуал асослари илмий тадқиқ этилган.

Шу билан бирга, монографияда бугунги Ўзбекистон ташқи сиёсати ва халқ дипломатиясининг хусусиятлари, минтақамиз давлатлари ва халқлари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги муҳим ва зарурий жиҳатлар ҳам ўз аксини топган.

Ушбу монография жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчилар ва соҳага қизиққан барча учун мўлжалланган бўлиб, шу мавзуда ўзбек сиёсатшунослигининг халқаро муносабатлар йўналиши бўйича тайёрланган дастлабки қўлланма саналади.

ISBN 978-9943-8175-1-4

© Мансур Омонов, 2022

МУҚАДДИМА

Мазкур монография сиёсий фанлар доирасида халқаро дипломатия турларидан бири бўлган халқ дипломатияси ва Марказий Осиёда замонавий ҳамкорликка бағишланган бўлиб, халқлар ва давлатлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда халқ дипломатияси ва унинг хусусиятлари, Марказий Осиё минтақасининг бугунги ва келгусидаги стратегик аҳамияти илмий таҳлилий жиҳатдан ўрганилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур монография муаллифнинг сиёсий фанлар бўйича (PhD) фалсафа докторлик илмий тадқиқот иши доирасида тайёрланган бўлиб, халқаро муносабатлар йўналиши бўйича тайёрланган дастлабки ўқув қўлланма ҳам саналади.

Шунингдек, жаҳонда халқ дипломатияси соҳасида илғор давлатлар томонидан ишлаб чиқилган тузилмалар, механизмлар ва ёндашувларнинг Марказий Осиё шароитида ўрганиш, мавжуд хорижий илғор тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш, ташқи сиёсий фаолиятни зарур объектив ёндашув асосида ривожлантиришга, янги Ўзбекистон миллий ташқи сиёсатининг илмий ва эксперт салоҳиятини оширишга, ташкилий базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан, Марказий Осиё минтақасига берилаётган эътибор ва янги Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятини самарали амалга ошириш бўйича белгиланган устувор вазифалар, стратегик ислохотлар босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётган айни бир даврда, халқаро стратегик дипломатия турларидан бири бўлган халқ дипломатияси Марказий Осиё минтақаси давлатлари кесимида ўрганилиши муҳим аҳамиятга эга.

Р. Алимов,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий
инвестициялар ва туризм қўмитаси раиси

Р. Қурбонов,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан
дўстлик алоқалари қўмитаси раиси

Қ. Собиров,

Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази директори

Ушбу монография Марказий Осиёда замонавий ҳамкорлик, халқаро дипломатия турлари хусусан, халқ дипломатияси ва стратегияси, минтақа давлатлари ташқи сиёсати каби йўналишдаги талабалар, магистрантлар, тадқиқотчи ва қизиққан барча китобхонлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Аввало Аллоҳга шукур ҳамда мазкур монографияни тайёрлашда қўллаб-қувватлаган барча инсонларга жумладан, ота-онам, оила аъзоларимга, илмий раҳбарим профессор Б. Каримовга ҳамда маслаҳатларини аямаган барча устозларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Энг яхши тилаклар ила,
Мансур Омонов

ҚИСҚАРТМАЛАР

- ☐ **БМТ** – Бирлашган Миллатлар ташкилоти
- ☐ **ШХТ** – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти
- ☐ **ТДТ** – Туркий Давлатлар Ташкилоти
- ☐ **МО** – Марказий Осиё
- ☐ **АҚШ** – Америка Қўшма Штатлари
- ☐ **РФ** – Россия Федерацияси
- ☐ **ХХР** – Хитой Халқ Республикаси
- ☐ **ЕИ** – Европа Иттифоқи
- ☐ **ХД** – Халқ дипломатияси
- ☐ **ХС** – Ҳаракатлар Стратегияси
- ☐ **ТС** – Тараққиёт Стратегияси
- ☐ **ЮК** – Юмшоқ куч
- ☐ **ДЖ** – Дўстлик жамиятлари
- ☐ **МММ** – Миллий маданий марказлар
- ☐ **ШХТ ХДМ** – ШХТ Халқ дипломатияси маркази
- ☐ **ММХМДАҚ** – Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқали қўмитаси

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
 I БОБ. ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ	
1. Халқ дипломатияси тушунчаси, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари	11
2. Халқаро муносабатларда халқ дипломатияси ва хорижий илғор давлатлар тажрибалари.....	30
 II БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ	
1. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашда халқ дипломатияси.....	56
2. Марказий Осиё давлатлари ўртасида халқ дипломатиясини ривожлантиришнинг стратегик жиҳатлари.....	85
 III БОБ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ	
1. Ўзбекистонда халқ дипломатияси ва унинг ривожланиш босқичлари	109
2. Ўзбекистон халқ дипломатиясининг минтақада ҳамкорликни мустаҳкамлашда тутган ўрни.....	130
 ХУЛОСА	150
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	154
ИЛОВАЛАР	172

КИРИШ

Бугунги халқаро сиёсий жараёнлар, тезкор глобаллашув ва кескин ўзгаришлар, халқаро муносабатларнинг субъекти бўлган ҳар бир давлатга турли кўринишда ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида ҳар бир ривожланаётган давлат олдида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашни, янги стратегик дипломатиялардан оқилона фойдаланишни заруратга айлантирмоқда. Ана шундай дипломатия турларидан бири бўлган халқ дипломатиясини илмий тадқиқ этиш айни пайтда долзарб аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, бугунги жаҳон миқёсида авж олаётган кескин ўзгаришлар оқибатида турли кўринишдаги манфаатлар тўқнашуви, миллий этник низолар ва тартибсизликлар кўламини ортирмоқда. Бундай сиёсий жараёнлар асосан халқаро геосиёсий аҳамиятга эга, табиий ресурсларга бой, кўпмиллатли минтақаларда намоён бўлмоқда. Марказий Осиё давлатлари ҳам шу жиҳатларга мос келишини инобатга олиб, минтақада бугунги ва келгуси барқарорликни таъминлаш ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда бир қатор янги дипломатия турларини бугунги амалиётда қўллаш долзарб аҳамиятга эга. Кўпмиллатли Марказий Осиё халқлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг ролини минтақа доирасида илмий ўрганиш эса айни шу мақсадда долзарб аҳамият касб этади.

Халқ дипломатияси халқаро муносабатларда тинчликка, дўстона алоқаларга асосланиши сабабли ҳам уни юмшоқ кучга қийслаш мумкин. Юмшоқ кучга асосланган мазкур ташқи сиёсат стратегияси, халқаро муносабатларда куч билан таҳдид қилмаслик тамойилига асосланади ва стратегик вазифаларни кўзлаганлиги¹ билан сиёсий жараёнларда муҳим ўрин эгаллайди.

¹ Joseph Nye. Soft Power: The Means to Success in World Politics. New York: Public Affairs. 2004. P. 11.

«Халқ дипломатияси»² анъанавий дипломатияга таянган ҳолда халқ вакиллари ўртасида халқаро алоқаларни йўлга қўйиш воситаси саналади.

Ушбу китоб янги Ўзбекистоннинг қуйидаги стратегик вазифаларидан келиб чиқиб амалга оширилди:

□ *Биринчидан*, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг “V устувор йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Давлат дастурининг 320-бандида белгиланган “Халқ дипломатиясини фаоллаштириш...”³ ҳамда Миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсати концепциясининг 4-бобида Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш соҳасида «халқ дипломатияси» механизмларидан фойдаланиш, «халқ дипломатияси» асосида халқаро алоқаларни кенгайтириш⁴ бўйича устувор вазифалардан;

□ *Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё энг устувор минтақа сифатида эътироф этилиши, халқ дипломатиясини⁵ кенг тадбиқ этишга катта эътибор қаратилиши, давлатимиз раҳбари томонидан Марказий Осиё тараққиёти бўйича илгари сурган халқ дипломатиясини ривожлантириш, минтақамиз давлатлари ва халқлари ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш вазифаларидан;

² Термин 1965 йил АҚШнинг Тафтс университети Флетчер ҳуқуқ ва дипломатия мактаби декани, собиқ дипломат Э.Гуллион томонидан фанга киритилган ва шу йилдан бошлаб олимлар ва амалиётчилар орасида илмий атама сифатида ишлатилади. People's Diplomacy | Library of Congress. 2020. <https://www.loc.gov/item/>

³ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармон. <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

⁴ “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4562>

⁵ Мирзиёев Ш. Марказий Осиё тараққиёти бўйича олти та стратегик таклиф. – Т. 2017.

□ Учинчидан, янги давр талабларидан келиб чиқиб, “2022–2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналишли “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”⁶ нинг (6) миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш (7) мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш вазифаларидан келиб чиқилган.

Давлатнинг ташқи сиёсий вазифаларини амалга ошириш, хусусан ташқи сиёсий фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро ижобий имиджини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг ўрни ва ролини сиёсий жиҳатдан баҳолаш, давлат ташқи сиёсий вазифаларини самарали амалга оширишда юмшоқ куч сифатида халқ дипломатияси механизмини тадқиқ этиш геостратегик нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Монографияни тайёрлашдан мақсад: Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришда сиёсат-шунослик фанида илк бор халқ дипломатияси тушунчаси, унинг ички ва ташқи сиёсатда тутган ўрни, халқлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашдаги имкониятларини ўрганиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Шу билан бирга, янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган ташқи сиёсат бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда уни илмий ўрганиш, тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур монография Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар бўйича қўлланма яратиш бўйича Ташқи ишлар вазирлигига берган топшириқларини ҳам ўз ичига олган.

Қолаверса, ушбу монография қўлланма сифатида мазкур соҳани илмий жиҳатдан янада бойитишга хизмат қилади.

⁶ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/pdfs/5841063>

I БОБ

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

РЕЖА

- 1. Халқ дипломатияси тушунчаси, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари**
- 2. Халқаро муносабатларда халқ дипломатияси ва хорижий илғор давлатлар тажрибалари**

1. Халқ дипломатияси тушунчаси, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари

Бугунги тезкор глобаллашув ва тобора жадаллашган халқаро муносабатлар, дунёнинг ҳар бир давлати ва халқи учун тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, стратегик алоқаларни ривожлантириш, халқаро хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни муҳим ҳаётий вазифага айлантирмоқда.

Бугунги замонавий халқаро муносабатларда давлатлар ва халқлар ўртасида алоқаларни ривожлантиришда турли кўринишдаги расмий ва норасмий дипломатия турларининг аҳамияти тобора кучайиб бормоқда.

Дипломатия – бу тинчлик, ҳамкорлик, музокаралар, бардавом ҳамжиҳатлик ва давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстликдир. Шу билан бирга, дипломатия халқаро муносабатларнинг ихтисослашган соҳаси бўлиб, у миллий манфаатларни қарама-қарши бўлмаган ҳолда ривожланишига қаратилган муносабатларни ўрганишга ихтисослашган фандир. Дипломатия давлат ташқи сиёсатининг асосий бўғини сифатида мамлакатнинг дунё ҳамжамияти билан халқаро ҳамкорлигини бошқариш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, унинг стратегик мақсадларига самарали ва тўлақонли эришишида муҳим восита саналади. Халқаро алоқаларнинг илдизи қадим замонларга бориб тақалса-да, дипломатия тушунчаси илк бор 1645 йилда фанга киритилган бўлиб, бу атама ҳозирги маъносида биринчи марта француз элчиси, дипломат Франсуа Кальерон томонидан қўлланилган⁷.

Дипломатия орқали мамлакатлар дўстона алоқалар олиб боради, давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини яхши

⁷ “Дипломатия” грекча *dipl+oma* сўзидан келиб чиққан. Қадимги Грецияда ёзув туширилган қўшқаватли юпқа тахтачалар шундай аталган. У элчиларга уларнинг ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиқ ва хужжат сифатида берилган. Нечаева В. Происхождение дипломатии // Дипломатический вестник. – 2011. – № 6. – С.45.

тушуниш ва тинчлик мустаҳкамланади⁸. Самарали дипломатия орқали давлатларда кескинликлар, уруш ва турли тўқнашувларнинг олди олинади, халқлар фаровонлиги таъминланади.

Дипломатия ишончни мустаҳкамлаш усулидир. Дипломатик саммитлар ва учрашувлар сингари ишончни мустаҳкамлаш ишлари икки томон ва кўп томонлама даражада маълумот алмашиш, ҳамкорликни таклиф қилиш ва тушунмовчиликларни бартараф этиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, бошқа давлатлар ниятини олдиндан англаш орқали мамлакатда кераксиз тўқнашувларни олдини олишга хизмат қилади. Дипломатия воситасида вужудга келган ишонч ришталари кескинликлар ривожланишининг олдини олишга қодир, аммо дипломатик муносабатларда давлатлар бошқа давлат томонидан уларга бўлган ишончни сақлаш жуда муҳим аҳамиятга эга⁹.

Бугунги замонавий халқаро дипломатияни олиб борилган тадқиқотимиз натижасига кўра, икки катта турга анъанавий ва стратегик дипломатияларга бўлиш мумкин.

Анъанавий дипломатия турларига:

□ Расмий ёки анъанавий дипломатия (бу давлатлар ўртасидаги йиллар давомида шаклланиб, ҳозирга қадар давом этиб келаётган ҳукумат ва расмий вакиллар ўртасидаги алоқалар кўринишида)¹⁰;

□ Стандарт ёки элита дипломатияси (давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий, юқори даражадаги алоқалари);

□ Превентив дипломатия (хавфларни олдини олиш ва бартараф этиш)¹¹;

⁸ Попов В. Современная дипломатия: теория и практика: Дипломатия – наука и искусство. – М., 2000. С.13.

⁹ Халқ дипломатияси – сайёрада тинчлик сари йўл. (мақола) 2021. <https://yuz.uz/news/xalq-diplomatiyasi>

¹⁰ McClellan M. Public Diplomacy in the Context of Traditional Diplomacy. 2018. <http://www.publicdiplomacy.org/45.htm>

¹¹ Рахматуллаев Э. Превентивная дипломатия: теория, практика и её перспективы в Центральной Азии. – Москва, 2015. С.32.

❑ Саммит дипломатияси (дунё давлатларининг муаммоли масалаларни ҳал этишдаги ялпи музокаралари);

❑ Парламент дипломатияси (қонунчилик ҳокимияти органларининг фаол ташқи алоқалари ва халқаро муносабатлардаги фаолияти) кабилар кўринишида намоён бўлади.

Стратегик дипломатия турларига:

❑ Халқ дипломатияси (халқ вакилларининг халқаро муносабатларда тинчлик ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги фаолияти) ¹²;

❑ Оммавий дипломатия (давлат томонидан хорижий оммани ўзига жалб этиш ва тарғиб қилиш фаолият воситаси) ¹³;

❑ Фуқаро дипломатияси (бир давлат фуқаролари яъни олимлар, ўқитувчи, талаба, спортчи, тадбиркорлар ўртасида халқаро алоқаларга кўмаклашишга қаратилган фаолият воситаси);

❑ Жамоат дипломатияси (давлатнинг муайян жамоатчилик вакиллари манфаатини илгари суриш фаолияти);

❑ Диаспора дипломатияси (этник қатлам вакилларининг тарихий ва ҳозир яшаётган давлати ўртасида алоқаларни ривожлантиришда “кўприк бўлиб” иштирок этиш фаолияти);

❑ Маҳаллий дипломатия (давлатда истиқомат қилаётган турли халқлар ўртасидаги дўстона алоқалар);

❑ Маданий дипломатия (таълим ва маданий соҳалар орқали алоқаларни ривожлантириш воситаси);

❑ Парадипломатия (биродар шаҳарлар ва ҳудудлараро алоқалар) ¹⁴;

¹² Pamment, James. *New Public Diplomacy: A Comparative Study of Policy and Practice*. Abingdon: Routledge, 2013. P. 40.


¹³ Public Diplomacy Research Network. 2018. <http://uscpublicdiplomacy.org/tags/central-asia>

¹⁴ Парадипломатия 1990 йилда АҚШлик олим Жон Кинсейд томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, маҳаллий ва ҳудудий ҳокимликларнинг ташқи сиёсатни амалга оширишдаги фаолияти ва ролини ифодалайди. Z.Martin & A.Morató. *Understanding Transformations of Cultural Paradiplomacy.* International Journal of Cultural Policy 21, no. 5 (2015): P.154.

□ Электрон, рақамли, виртуал дипломатия (дипломатиянинг янги шакли бўлиб, ахборот-коммуникация технологиялар ва ижтимоий тармоқлар, глобал медиа платформалар (фейсбук/мета, твиттер, инстаграм, телеграм ва бошқ.)дан фойдаланиш ҳамда интернет тармоқлари орқали алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаолият воситаси).

□ Шунингдек, янги талқиндаги дипломатия турлари яъни Track I diplomacy (расмий давлат дипломатияси), Track II diplomacy (норасмий, нодавлат дипломатиялар), Track III diplomacy (ҳарбий ва сиёсатдан ташқари, иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга мўлжалланган алоқалар)¹⁵;

□ Юмшоқ куч (куч ишлатмасдан стратегик мақсад ва манфаатларга эришишга қаратилган сиёсий фаолият воситаси)¹⁶ шулар жумласидандир.



Мазкур доираларда стратегик дипломатиялар ўртасидаги алоқалар ва уларнинг ўзаро бир-бирига узвий чамбарчас боғлиқлиги ифодалаб кўрсатилган.

Илмий тадқиқот натижасида халқаро дипломатия турларидан бири бўлган халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва стратегик ҳамкорликка асосланган халқ дипломатияси, унинг назарий-концептуал асослари илмий тадқиқ этилди.

¹⁵ Nazeer Hussain. Types of Diplomacy. Political Science. 2018. P.12; Jolyon Welsh and Daniel Fearn Engagement Public Diplomacy in a Globalised World. Foreign and Commonwealth Office. 2008. P.7.

¹⁶ Joseph Nye. The Benefits of Soft Power. New York. 2004. P.30.

Халқ дипломатияси бўйича қуйидаги учта назарияга таяниш мумкин. Жумладан:

□ **Биринчи назария** – халқ дипломатияси юмшоқ кучга хос фаолият тури бўлиб, халқаро алоқаларни тинчлик воситасида амалга ошириш механизмидир. Халқ дипломатияси халқаро муносабатларда тинчликка, дўстона алоқаларга асосланиши сабабли ҳам уни юмшоқ кучга қийслаш мумкин. “Юмшоқ куч” (soft power) дипломатик фаолиятга асосланган ташқи стратегик сиёсат бўлиб, халқаро муносабатларда куч билан таҳдид қилмаслик тамойилига асосланади ва стратегик вазифаларни амалга ошириши¹⁷ билан ифодаланади.

□ **Иккинчи назария** – халқ дипломатияси инглиз тилидаги «public diplomacy»нинг эволюцион натижасидир. Масалан, “Халқ дипломатияси ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида” номли илмий мақолада халқ дипломатиясини инглиз тилидаги «People’s diplomacy» шаклда ифодалаб, уни инглиз тилидаги «public diplomacy»нинг эволюцион натижаси деб таърифланади¹⁸.

□ **Учинчи назария** – халқ дипломатияси ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда халқ вакилларининг расмий давлат сиёсати билан ўзаро уйғунликдаги фаолиятидир. У давлат дипломатиясидан ажралган ҳолда алоҳида кенг кўламли алоқаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди. Халқ дипломатияси анъаналарга таяниб, биринчи назария сингари кўпроқ юмшоқ куч сифатида намоён бўлади.

Халқ дипломатияси тушунчаси, келиб чиқиш жараёнлари, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, назарий ва амалий механизмлари бўйича халқаро муносабатларда бир қатор сиёсий мактаб вакиллари, жумладан Николас Кулл, Жозеф Най, Эдмунд Гуллион, Ненси Снов, Абдел Самей Марва, Ричард Фелтхем, Жан

¹⁷ Joseph Nye. Soft Power: The Means to Success in World Politics. New York: Public Affairs. 2004. P. 11.

¹⁸ Саидов С. «Народная дипломатия» как социально-политическое явление. International Journal of Humanities, vol. 11-1 (50). 2020.

Мелисен, Ричард Стенгел, Алан Хенриксон¹⁹ каби олимларнинг илмий ёндашувлари ҳамда маҳаллий олимлар А.Асқаров, А.Файзуллаев, Р.Жураев, Б.Талапов, С.Саидов кабиларнинг қарашлари қуйида таҳлилий кўриб чиқилди.

Николас Куллга кўра, аслида халқ дипломатиясининг илдизи амалиётда қадимги Яқин Шарқ ва Грецияда вужудга келган ва кейинчалик «халқ дипломатияси» илк бор 1856 йил Англиянинг “Лондон Таймс” газетасида нашр қилинган, уни АҚШ собиқ дипломати Эдмунд Гуллион замонавий илмий маънода 1965 йилда биринчи бўлиб ишлатган. Шундан сўнг халқ дипломатияси босқичма-босқич турли минтақаларда турли олимлар, амалиётчилар томонидан қатор ёндашувлар сабабли халқ, оммавий, жамоат, фуқаро, маҳаллий, диаспора, парадипломатия каби атамаларнинг шаклланишига замин яратган²⁰.

Халқ дипломатияси халқ вакиллари манфаатларини ифодалаб, халқ фаоллигида ҳукуматнинг мақсадларини амалга ошириши ёки кенгроқ айтганда, халқаро муносабатларни амалга оширишда халқ вакилларининг давлат дипломатияси билан биргаликда фаол иштирок этишини ифодалайди. Ўша давр халқ дипломатияси давлат ташқи сиёсатини хорижга етказиш, маданият, таълим, медиа, кўргазмалар, алмашув дастурлари орқали ҳамкорликни кенгайтириб, давлатнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилишни ифодалаган²¹. Дарҳақиқат, халқ дипломатияси фаолияти икки йўлли кўчага ўхшайди ва улар расмий (давлатлар, ҳукуматлар) ва хусусий (нодавлат ноҳукумат ташкилотлар) кўринишида кенг намоён бўлади. Бу таърифларда халқ, оммавий дипломатия ва юмшоқ куч хусусиятлари намоён бўлади.

¹⁹ Joseph Nye. The Benefits of Soft Power. New York. 2004. P.30. McClellan, M. Public Diplomacy in the Context of Traditional Diplomacy. 15, 2017

²⁰ Cull, Nicholas. Public Diplomacy Before Gullion: The Evolution of a Phrase. US Center on Public Diplomacy. University of Southern California. 2006. P.35, Cowan, Geoffrey, and Nicholas J. Cull, eds. Public Diplomacy in a Changing World. Annals of the American Academy of Political and Social Science 616. no. 1 (2008) P. 30.

²¹ Cull, Nicholas. Public Diplomacy. Foreign and Commonwealth Office. 2008. P.18.

Собиқ дипломат, Эдмунд Гуллионга кўра, халқ дипломатияси ҳукумат ҳомийлигидаги турли мақсадларда хорижий кенг жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил қилиш, ҳукуматнинг стратегик мақсадларини бағрикенглик ёки хорижий жамоатчилиكنи қўллаб-қувватлаш орқали фаолиятини амалга оширишидир²². Мазкур дастлабки ёндашувда халқ ва оммавий дипломатия ҳамда юмшоқ кучнинг ўзаро уйғунлашган жараёнини кўриш мумкин. Бу ривожланган давлатлар фаолиятига тўлиқ мос келиб, бошқа давлатлар ва халқларнинг миллий хусусияти ва стратегиясида фарқ қилади.

Жан Мелисенга кўра, халқ дипломатияси замонавий музокаралардан анча олдин дипломатик амалиётда қўлланилиб, у асосан таълим ва маданиятни тарғиб қилишда энг самарали восита саналган²³.

Гарвард университети профессори, Жозеф Найга кўра, “Юмшоқ куч (Soft power)” давлатлар ва халқлар ўртасида алоқаларни ривожлантиришда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципига таянади”²⁴. Ҳар бир давлатнинг “Қаттиқ куч (Hard power)” (ҳарбий қудрати ва иқтисодий таъсири) қаторига унинг маданияти, сиёсий принциплари ва юритаётган ташқи сиёсатини ҳам қўшиш мумкин. Ушбу омиллар давлатнинг дунё жамоатчилигида обрўсини янада оширишга хизмат қилса, бошқа томондан ҳарбий ёки иқтисодий босимларни ишга солмай ҳам юмшоқ куч воситасида ўз олдида қўйган мақсадларига эришишини²⁵ ифодалайди.

Шунингдек, юмшоқ куч концепцияси узоқ муддатли стратегик мақсадларга қаратилган ташқи сиёсатни маданий дипломатия воситасида амалга ошириш механизми бўлиб, дипломатик алоқалар

²² Gilboa, Eytan. “Searching for a Theory of Public Diplomacy.” American Academy of Political and Social Science. 616, no. 1 (2008): P.77.

²³ Jan Melissen. Soft Power in International Relations. Palgrave Macmillan. NY. 2005. P. 22.

²⁴ Joseph Nye. The Benefits of Soft Power. New York. 2004. P. 35.

²⁵ Joseph Nye. Soft Power concept is key of archives success in the world politics. New York. 2005. P. 34.

ёрдамида давлатлар ва халқлар ўртасида тинчлик, маданий ва ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, илм-фан ва таълимни ривожлантиришга кўмаклашиш, ижтимоий ва иқтисодий гуманитар ёрдам кўрсатиш кабилар орқали мазкур давлатда ёки халққа ўз таъсирини ошириб бориш ва ролини кучайтиришдан иборат.

Абдел Самей Марвага кўра, халқ дипломатияси халқаро дипломатик фаолиятга асосланган стратегик сиёсат бўлиб, у давлатлараро муносабатларда халқ вакилларининг устуворлигини англатади²⁶.

Браян Хокингга кўра, халқ дипломатияси бу халқаро сиёсатнинг янги парадигмаси эмас, балки стратегиясидир. Халқ дипломатияси стратегик кўринишга асосланган дўстона алоқалардир²⁷.

Евгений Андерсонга кўра, халқ дипломатияси бу дипломатлар фақат расмий вакиллар билан эмас, балки ўз мамлакатлари фуқаролари билан бевосита учрашишидир²⁸. Дипломатиянинг бу тури халқлар ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатади, фаровонликка олиб келадиган ҳамкорлик воситаси ҳам саналади.

Ненси Сновга кўра, халқ дипломатияси давлат сиёсатини амалга оширишда нодавлат иштирокчилар фаолиятидир²⁹. Бу таърифга қўшимча қилиб айтганда, халқ вакилларининг ташқи сиёсий фаолиятда мустақил иштирок этиши энг аввало ўша давлатдаги демократик тамойил ва расмий сиёсатига боғлиқ. Шу сабабли, минтақамизда халқ дипломатияси давлат дипломатияси чегарасида фаолият олиб боради.

Ричард Стенгелга кўра, халқ дипломатияси бу мулоқотдир. Бу ҳукуматнинг халқ билан эмас, халқнинг халқ билан мулоқоти,

²⁶ Abdel Samei, Marwa (2016) "Public Diplomacy and the Clash of Satellites". Media and Communication. 4 (2): P.15.

²⁷ Brian Hocking. The New Public Diplomacy: Soft Power in International Relations. Basingstoke: Palgrave Macmillan, 2005. P. 28.

²⁸ Eugenie Anderson. People's Diplomacy. 10. 2019. P.2. National Museum of American Diplomacy <https://diplomacy.state.gov>

²⁹ Nancy Snow. Routledge Handbook of Public Diplomacy. University Press. 2009. P. 55.

баъзан халқнинг ҳукумат билан мулоқотидир. Маданият ва таълим халқ дипломатиясида энг муҳим олтин стандартлар саналади³⁰.

Крокер Сноунга кўра, халқ дипломатияси ҳукуматнинг ташқи сиёсатда чет элдаги халқларга таъсир кўрсатадиган ҳаракатларини анъанавий тарзда намоёниш этадиган нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар, жамоа бирлашмалари, трансмиллий корпорациялар фаолиятидир³¹.

Алан Хенриксонга кўра, халқ дипломатияси ҳукумат томонидан сиёсий партиялар, корпорациялар, таълим муассасалари, диний ташкилотлар, этник гуруҳлар, машҳур шахслар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлар орқали халқаро алоқаларни амалга ошириш ва давлатнинг ҳаракатларига таъсир ўтказишдир³². Халқ дипломатияси расмий ҳукумат ташқи сиёсатини хорижий давлатларда тўғри тушуниш ва тушунмовчиликларни камайтириш жиҳатидан ҳам муҳим ўрин тутди.

Ричард Фелтхемга кўра, халқ дипломатияси асосан анъанавий дипломатияга таяниб, халқ вакилларининг фикр-мулоҳазаларини кенг намоён этади. Халқ дипломатияси конференция, илмий марказлар, таълим муассасалар, илмий нашрлар ва дипломатик тадбирлар кўринишида намоён бўлади. Бу хориждаги диаспора ва ватандошларни ўз тарихий ватанлари билан боғлаш, миллий тил ва маданиятни сақлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш каби мақсадларда кўприк вазифасини бажаришга ҳам хизмат қилади³³. Айнан мана шу ёндашув ўзбек тилидаги ва илмий тадқиқотда ўрганилаётган халқ дипломатиясини мазмун-моҳиятини кенгрок ифодаб беради. Шу сабабдан ҳам халқ дипломатияси халқаро алоқаларни шакллантириш ва маданиятлараро алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

³⁰ Richard Stengel. Public Diplomacy is a Conversation | ASP American Security Project. 2005. P.40.

³¹ Diplomacy. The Hague Journal of Diplomacy. 2007. P. 18.

³² Justin Hart. Empire of Ideas: The Origins of Public Diplomacy and the Transformation of US Foreign Policy. New York: Oxford University Press, 2013. P.45.

³³ Felltham R. Diplomatic Handbook – London, 2003. – P.143.

Е. Василенкога кўра, халқ дипломатияси аслида кўп қиррали дипломатия саналиши билан бошқа дипломатиялардан фарқ қилади. Халқ дипломатиясининг асосларидан бири бу маданий (таълим, илм-фан, санъат, спорт) алоқалардир, яъни “маданий дипломатия орқали халқ дипломатияси халқаро муносабатларда кенг намоён бўлади. Чунки маданият орқали миллат ўзлигини дунёга намойиш этади, ўз қадриятлари ва ғояларини кенг тараннум этиб, тарғиб қилади”³⁴.

Маҳаллий олимлардан Р. Жураевга кўра, халқ дипломатияси марказида оддий халқ вакиллари туради ва халқ дипломатияси халқлар ўртасидаги мулоқот, уларнинг манфаатларини халқаро эътироф этиш, дўстона алоқаларни кучайтиришда иштирок этиш воситаси саналади³⁵.

А. Асқаровга кўра, халқ дипломатияси давлат дипломатиясидан фарқли ўлароқ, кўплаб ижобий ва таъсирчан хусусиятларга эга. Дунё тажрибасида халқ дипломатияси халқаро муносабатларни яхшилашда муҳим омиллардан саналган. Бу жараёнга жамоат бирлашмалари, халқаро нодавлат ташкилотлар фаол жалб этилган, қардош шаҳарлар даражасида ҳамкорлик олиб борилган³⁶.

С. Сафоевга кўра, халқ дипломатияси давлат дипломатиясидан фарқли равишда кўплаб ижобий ва таъсирчан хусусиятларга эга. Халқ дипломатиясини “юракдан юракка интилувчи дипломатия” дейиш мумкин. У халқлар ва жамоатчиликнинг яқинлашишига ёрдам беради³⁷.

А. Файзуллаевга кўра, халқ дипломатияси келажак дипломатиясидир. Халқ дипломатияси давлат миллий стратегик манфаатларини ифодалаб, хорижий аудиторияга самарали таъсир

³⁴ Василенко Е. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» государства // Перспективы. Электронный журнал. – 2016. №1 (5). С. 68.

³⁵ Жураев Р. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях. 1998. С.10.

³⁶ Асқаров А. Халқ дипломатияси: тарих, бугун ва келажак. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 14 октябрь, 196-сон. 3-б.

³⁷ Сафоев С. Халқ дипломатияси барча соҳаларда муваффақият қозонишга ёрдам беради (мақола). – Т. 2019.

ўтказишга мўлжалланганлиги билан аҳамиятлидир³⁸. Ҳозирда халқ дипломатиясининг маданий, илмий, ёшлар дипломатияси, биродар шаҳарлар, қўшни ҳудудлар, машҳур шахслар дипломатияси кўринишлари ҳам жадал шаклланмоқда.

Б. Талаповга кўра, халқ дипломатияси халқ вакиллариининг халқаро алоқаларда фаол иштирок этиши ва давлат дипломатик фаолияти билан ўзаро уйғунлашувидир³⁹.

Б. Хонназаровга кўра, халқ дипломатияси халқ вакиллари, нодавлат ноҳукумат ташкилотлар, жамғармалар, дўстлик жамиятлари, миллий маданий марказларнинг фаолияти бўлиб, миллий манфаатларни тарғиб қилиш ва халқаро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди⁴⁰.

С. Саидов, халқ дипломатияси инглиз тилида «People's diplomacy» бўлиб, уни «public diplomacy»нинг эволюцион натижаси деб таърифлайди⁴¹. Шу билан бирга, илмий ва сиёсий луғатда «Public diplomacy» атамасининг ўзбек тилидаги «халқ дипломатияси» ёки «оммавий, ижтимоий дипломатия» деган талқинларини ҳам учратиш мумкин⁴². Олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра, халқ дипломатиясига айнан «People's diplomacy» термини мос келиши маълум бўлди.

Олимлар жамоаси таърифларига кўра, халқ дипломатияси ижобий воқеликдир. У анъанавий дипломатиядан кенгроқ фаолият олиб бориб, бошқа халқлар маданияти ва тарихига ҳурмат билан муносабатда бўлиш⁴³, ёшларни бағрикенглик ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга тарғиб этиш,

³⁸ Файзуллаев А. Ўзбекистон ташқи сиёсати: очиқлик, тинчликсеварлик ва ўзаро ҳамкорлик // Жамият ижтимоий-сиёсий газетаси. – Т. 2017. 3-б.

³⁹ Талапов Б. Халқ дипломатияси янги босқичда. НамДУ. 2018. 5-б.

⁴⁰ Хонназаров Ғ. Халқ дипломатияси – миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг қулай воситаси – Т. ЎзА. 2019. 4-б.

⁴¹ Саидов С. «Народная дипломатия» как социально-политическое явление. International Journal of Humanities, vol. 11-1 (50), 2020.

⁴² Зонова Т. В. Современная модель дипломатии: истоки становления и перспективы развития. – М., 2003. С.129.

⁴³ Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг ўрни. 2017.

халқларни яқинлаштириш воситасидир. Халқ дипломатиясини халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстлик элчиси дейиш мумкин.

Юқоридаги таърифларни таҳлил қилиш асносида, халқ дипломатиясига муаллиф томонидан қуйидагича таъриф берилди. Жумладан:

Халқ дипломатияси – халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамловчи ва ривожлантирувчи ҳар қандай алоқалардир. Кенгроқ қилиб айтганда, давлат дипломатиясига таянган ҳолда халқлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантирувчи, таҳдидларнинг олдини олувчи, халқлар ўртасида самимий мулоқотлар ва дўстона муносабатларни шакллантирувчи, хорижда тил, маданият, миллий қадриятларни ижобий ва кенг намоиш этишга кўмаклашиш воситасидир.

Шу билан бир қаторда, халқ дипломатияси миллий манфаатларни самарали тарғиб қилиш ва халқаро муносабатларни мустаҳкамлашда тинчликка асосланиши, миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда халқ дипломатияси халқаро муносабатларда тинчликка асосланган юмшоқ куч сиёсат воситасига айланиб улгурди. Халқ дипломатияси давлатнинг дипломатик функциясини амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган фаол инсонлар гуруҳи, биродарлашган шаҳарлар, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари, нодавлат ноҳукумат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, трансмиллий корпорациялар фаолиятларидир. “Миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг муҳим омили бу халқ дипломатиясини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир”⁴⁴.

Бундан ташқари, халқ дипломатиясининг муҳим йўналишларидан бири халқ вакилларининг юмшоқ куч фаолияти

⁴⁴ Халқ дипломатияси миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг муҳим омили. – Т. 2019.

сифатида намоён бўлувчи парламент дипломатияси бўлиб⁴⁵, унинг бугунги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Давлатлар ўртасида парламентлараро алоқаларининг фаоллашуви орқали халқлар ўртасида муҳим алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мумкин. Бу ўз навбатида, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга олиб келади. Шу сабабли юмшоқ кучга асосланган халқ дипломатиясини халқаро муносабатларни кенгайтирувчи муҳим стратегик воситаси дейиш ҳам мумкин.

Мазкур монографияда ҳозирги халқаро муносабатларда мавжуд дипломатия турлари, халқ дипломатиясининг бошқа дипломатия турларидан фарқли жиҳатлари, ушбу дипломатиянинг муҳим аҳамиятлари таҳлил қилинди.

Ўрганиш ва таҳлилларга кўра, минтақамизда халқ дипломатияси ўзига хос хусусиятларда қўлланилиб, тинчликка асосланган маданий алоқалар нуқтайи-назаридан аниқроқ намоён бўлади. Халқ дипломатияси кўп қирралилиги, фаолият йўналишларининг хилма-хиллиги, мақсад ва вазифаларининг таснифланишига кўра турли минтақаларда турли ракурсларда намоён бўлади. Маълумки, халқ дипломатияси расмий давлат дипломатиясидан фарқли ўлароқ, кўплаб ижобий ва таъсирчан хусусиятларга эга. У халқлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда самарали восита ҳам саналади.

Замонавий халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат ҳаттоки ички сиёсатда ҳам халқ дипломатияси тинчликка, юмшоқ кучга асосланганлиги билан стратегик муҳим ўрин тутди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқ дипломатиясини халқаро муносабатларда “юмшоқ куч”га ўхшатиш ва уни мазкур тушунча орқали аниқроқ ифодалаш мумкин. Жумладан, Жозеф Найга кўра, юмшоқ куч (soft power) халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойилига асосланади.

⁴⁵ Русакова О. Концепции “мякой” силы в современной политической философии. Екатеринбург. 2009. С.85. Усмонов С. Халқаро муносабатларда “қаттиқ” ва “юмшоқ” куч мутаносиблиги. – Т. 2011. 61-б

Хукуматлар ҳарбий кучдан бирор бир масалани ҳал этишда фойдаланадилар, ҳатто иқтисодий босим ҳам ўтказадилар, лекин юмшоқ куч (soft power) билан кўзланган натижага эришиш қисқа муддатда амалга ошмаса-да, у улкан мувофаққиятлар сари олиб борувчи калитдир⁴⁶. Бу асосан маданият, таълим, илм-фан, кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари, теле ва радио эшиттиришлар орқали стратегик мақсадларни амалга ошириши билан муҳимдир. Айнан мазкур тушунча халқ дипломатияси ва унинг фаолиятини аниқроқ тушуниш ва кенгрок очиб беришга ёрдам беради.

Халқ дипломатияси юмшоқ куч сифатида халқлараро ва давлатлараро алоқаларни ривожлантиришнинг асосий драйвери – саналиб, у ташқи сиёсатнинг муҳим элементларидан биридир. Чунки халқ дипломатияси давлат дипломатиясидан ажралган ҳолда алоҳида кенг қўламли алоқаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.


Халқ дипломатияси бўйича олим Ненси Сновга кўра, “халқ дипломатияси ҳамманинг фаолиятидир”⁴⁷.

Марказий Осиё давлатлари миқёсида халқ дипломатиясининг ўрганилиши эса янги Ўзбекистон сиёсатшунослик фанида янги илмий-тадқиқот саналиши билан муҳим аҳамиятга эга саналади. Муаллиф томонидан халқ дипломатияси ва унинг юмшоқ куч сифатида қўлланиш механизмлари қуйида келтирилган жадвалларда ҳам ифодалаб берилган.

⁴⁶ Joseph Nye. Soft Power concept is key of archives success in the world politics. New York, 2005. P. 46, Joseph Nye. Soft Power and Leadership. Compass: A journal of Leadership, Spring. 2005. P.61.


⁴⁷ Nancy Snow. Routledge Handbook of Public Diplomacy. NY. 2009. P.24.

1 – жадвал: халқ дипломатияси халқаро муносабатларда




1-жадвалда кўрсатилган механизмда халқ дипломатияси асосан халқаро муносабатлар акторлари бўлган давлатлар ва халқ вакиллари томонидан иккинчи давлатга ва параллел унинг халқига нисбатан кўп томонлама фаолиятни амалга ошириш кўринишида намоён бўлади. Унда давлатлар бошқа давлат фуқаролари билан тўғридан-тўғри алоқалар олиб боришини кўриш мумкин.

2 – жадвал: халқ дипломатияси Марказий Осиё давлатларида



2-жадвалда, Марказий Осиё давлатларининг халқ дипломатияси хусусиятлари кўрсатилиб, бунда бир давлатнинг бошқа давлат фуқаролари билан алоқалари энг аввало анъанавий расмий алоқаларга таяниб, шу асосда халқ вакилларининг халқаро алоқаларни амалга оширишини намоён этади.

3 – жадвал: халқ дипломатияси Ўзбекистонда



3-жадвалда эса Ўзбекистоннинг халқ дипломатияси хусусиятлари ифодаланган бўлиб, у асосан (расмий) анъанавий дипломатияга асосланиб, халқ дипломатиясини амалга оширишда халқ вакиллари энг аввало давлат сиёсати ва дипломатиясига таянган ва уйғунлашган ҳолда алоқаларни амалга оширишни ифодалайди.

Илмий изланишлар жараёнида адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги тезкор ўзгараётган халқаро сиёсий жараёнлар даврида давлат ва халқлар ўртасида тинчликни барқарор таъминлаш, хорижий давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш энг муҳим вазифалар қаторида долзарблашиб бормоқда. Буни юмшоқ куч сифатида халқ дипломатиясини кучайтириш орқали халқлар ўртасида маданият, таълим, илм-фан, ва бошқа соҳаларда алоқаларни кенгайтириш, мамлакатнинг халқаро имиджини ошириш, маданий, спорт, таълим ҳафталиклари, илмий тадбирлар, дўстлик кунлари, биродарлашган шаҳарлар, конференция, симпозиумлар, халқаро сиёсатда фаоллашув каби ҳаракатлар орқали янада кенг ва самарали амалга ошириш мумкин.

XXI аср жаҳонда кечаётган турли мураккаб ва зиддиятли жараёнлар халқларни ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, бағрикенглик каби умуминсоний қадриятларга катта эътибор беришга ундамоқда⁴⁸. Айни пайтда, тезкор халқаро сиёсатга мос дипломатияга эҳтиёж

⁴⁸ Joseph Nye. The Powers to lead. New York. Oxford University Press. 2008. P. 173.

мавжуд бўлиб, ички ва ташқи сиёсатда жамоатчилик билан тизимли мулоқотни амалга ошира оладиган кадрларни тайёрлаш зарурати юзага келмоқда. Шу мақсадда халқ дипломатиясининг аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда.

Халқ дипломатияси юмшоқ куч сингари мамлакатнинг халқаро таъсирини кенгайтиришга хизмат қилади. Ҳозирда халқаро муносабатлар ва халқ дипломатияси билан шуғулланадиган дипломатлардан замонавий, ноанъанавий билим ва кўникмалар талаб қилинаётганлиги ҳам мазкур соҳадаги эҳтиёжларни кўрсатади. Халқ дипломатияси самарадорлигини ошириш учун кадрлар ва янги турдаги мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш жуда зарур. Замонавий дипломатияда энг яхши дипломатлар ҳамма соҳани яхши биладиган кенг дунёқарашга эга, ихтисослашган (Generalist)лар бўлиб, уларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, таниқли жамоат ва маданият арбоблари, турли соҳадаги машҳур шахслар, этник гуруҳ вакиларини кенг жалб этиш халқ дипломатиясини кучайтиришда ижобий самара беради.

Олиб борилган илмий тадқиқот доирасида халқ дипломатияси таркибига фуқаро дипломатияси, маҳаллий дипломатия, жамоат дипломатияси, парадипломатия, диаспора дипломатияси ва парламент дипломатиясини ҳам кириши маълум бўлди. Мазкур дипломатияларни ҳам босқичма-босқич тадқиқ этиш ва амалиётга жорий этиб бориш келгусида муҳим ижобий натижалар беради.

Халқ дипломатияси тушунчаси бевосита ва билвосита қуйидаги тушунчалар билан узвий боғлиқдир. Жумладан, юртдошлар, ватандошлар, диаспоралар тушунчаларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Жумладан:

□ Юртдошлар – бир давлатда яшовчи турли миллатга мансуб халқлар, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар муайян бир давлатнинг фуқароларидир;

□ Ватандошлар – турли (хорижий) давлатларда яшовчи бир миллат ёки давлат вакиллари. Бу иккига бўлинади: доимий яшовчи (бошқа давлат фуқаролигига эга шахслар) ва вақтинчалик

яшовчи (маълум муддат иш, ўқиш, саёҳат) ўз давлати фуқаролигига эга шахслардир;

□ Дияспора – бир этник жамоа саналиши ва асосан тили, маданияти, ўзига хослиги билан ўз миллатини намоён этувчилар, аммо хорижий давлатлар фуқаролари, хорижда яшовчи ўз миллати ва тарихий ватанини акс эттирувчи жамоавий муҳим қатлам саналади. “Миллат, бу муайян миллий муҳитда шаклланган онг эгаларининг бирлигидир”⁴⁹.

Шу билан бирга, хориждаги фуқаролар ўртасида миллий маданий дастурлар, лойиҳалар ва тренингларни янада кенгайтириш, ватандошлар ва дияспоралар билан ишлаш, уларни мамлакат тараққиётига кенг жалб этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш ва тадрижий амалга ошириб боришда баъзи камчиликлар намоён бўлади. Бир қатор стратегик дипломатия турларини бирлаштириб, ягона “Стратегик дипломатиялар” марказини ташкил этиш айна мақсадга мувофиқдир. Халқ дипломатияси бўйича саммит ва халқаро тадбирлар кўламини ошириш, дияспорага мўлжалланган стратегик дастурларни амалга оширишни кўпайтириш ҳам айна пайтда янги Ўзбекистон халқ дипломатияси учун устувор вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда ривожланган давлатлар қатори бошқа барча давлатлар ҳам халқ дипломатиясини алоқаларни ривожлантириш, муаммоларни самарали ҳал этиш воситаси сифатида ўз ташқи сиёсатида кенг қўллашга киришган. Чунки халқ дипломатияси одамлар орасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш орқали, умумий муаммоларни ҳал этишнинг самарали воситаси эканлиги билан бугунги тезкор глобаллашув даврида аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Халқ дипломатияси эзгу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун энг самарали воситадир.

⁴⁹ Жўраев Н., Жўраева Ш. Сиёсий конфликтшунослик ва халқаро журналистика. – Т. 2013. 84-б.

Шунингдек, халқ дипломатияси миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг муҳим омили саналиб, у миллий манфаатларни тарғиб қилиш ва халқаро муносабатларни мустаҳкамлашнинг ижобий омили сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатлар ва халқаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган жамоат бирлашмаларнинг ташаббуслари миллий манфаатларни ҳисобга олиб, халқларни янада бирлаштиришга кўмаклашишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда, халқ вакилларида иборат жамоат бирлашмалар ва уюшмалар, ноҳукумат ташкилотларнинг халқаро алоқаларга фаол жалб этилиши халқлар ўртасида янгича ёндашувли алоқаларни ривожлантирмоқда. Халқ дипломатияси энг аввало, давлатнинг кўп томонлама алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган⁵⁰ лиги билан ҳам кенгайиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқ дипломатияси асосан ташқи сиёсатни амалга оширишда тинчлик, дўстлик ва дипломатик муносабатларга асосланган стратегик юмшоқ куч механизмлардан бири эканлиги билан намоён бўлади. Халқ дипломатиясининг шаклланиш жараёни узок даврларга бориб тақалади ва у кўп миллатли давлатларнинг нафақат ташқи, балки ички сиёсатида ҳам ҳаётий муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, халқ дипломатияси халқаро сиёсатнинг муҳим қисми ўлароқ, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни таъминлаш, стратегик мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ халқ дипломатияси асосий муаммоси шундаки унда юмшоқ куч сингари тезкорлик даражасининг пастлигидир. Яъни аниқроқ қилиб айтганда, стратегик мақсад ва вазифаларни амалга оширишда узок муддат ва саъй-ҳаракатлар талаб этилади ва натижаси эса улкан стратегик аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаш мумкин.

⁵⁰ Халқ дипломатияси – миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг муҳим омили (мақола). – Т. 2020.

2. Халқаро муносабатларда халқ дипломатияси ва хорижий илғор давлатлар тажрибалари

Бугунги замонавий халқаро муносабатларда тинчлик, барқарорликни таъминлашда нафақат давлатларнинг балки халқ вакиллари, уюшмалар, халқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорацияларнинг ҳам роли ортиб бормоқда. Бугунги кунда дунёда турли кўринишдаги миллий этник зиддиятлар ва низоларнинг кўпайиб бораётганлиги, миллий хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашда янгича йўлни топишни тақозо этмоқда. Шу сабабли ҳам, бугунги тезкор даврда стратегик аҳамиятга эга, кўпмиллатли ва табиий ресурсларга бой Марказий Осиё минтақаси ва халқ дипломатиясининг ўрганилиши муҳим қадамлардан саналади. “Халқаро муносабатларда давлатлараро келишмовчиликлар асосан носоғлом рақобатлардан келиб чиқади”⁵¹.

Халқаро сиёсий жараёнлар таҳлиliga кўра, бугунги кунга қадар халқ дипломатияси бўйича жаҳон давлатларида турли ёндашувлар ва турли қарашлар шаклланган. Халқаро сиёсатда дипломатия турларини илмий ва сиёсий муомалада қўлланишнинг асосий ташаббускори ривожланган ғарб давлатлари бўлганлиги ва уларнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққанлиги, битта термин бўйича бир нечта, хилма-хил ёндашувлар шаклланишига олиб келганлигини кўриш мумкин. Масалан, халқ дипломатияси АҚШда public diplomacy, people’s diplomacy, citizen diplomacy, soft power⁵², каби атамаларда ифодаланса, Буюк Британияда “стратегик коммуникация”, англо-саксон сиёсатчилари ва олимларининг илмий асарларида эса “маданий дипломатия” ёки “оммавий дипломатия” ёхуд улар биргаликда қўлланишида, Францияда эса

⁵¹ Zbignev Brzezinski. Strategic Vision: America and the Crisis of Global Power. N.Y., 2012. P.156.

⁵² People's Diplomacy | Library of Congress. 2020. Richard Armitage, Joseph Nye. A Smarter, More Secure America, CSIS Commission on Smart Power. 2009. P.32.

“глобал оммавий дипломатия”, “politique culturelle exterieure” (ташқи маданий сиёсат), “politique culturelle internationale” (халқаро маданий сиёсат), “diplomatie culturelle” (маданий дипломатия), кўринишида қўлланилади. Японияда “маданий дипломатия”, Хитойда “халқ дипломатияси, халққа-халқ дипломатияси”, “таълим тарғиботи”, Россияда “народная ва публичная дипломатия”⁵³ сифатида Ўзбекистонда эса “халқ дипломатияси” сифатида бир нечта хорижий атамалар (оммавий, жамоат, фуқаро, маҳаллий, диаспора дипломатиялари)ни уйғунлаштирган ҳолда қўлланилади.

Халқаро тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий илғор давлатларда халқ дипломатияси қуйидаги фаолиятларда кенг амалга оширилаётганлигини кўриш мумкин.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) халқ дипломатияси



Америкада халқ дипломатияси бир қатор дипломатия турлари оммавий, жамоатчилик, фуқаро дипломатияси, юмшоқ куч каби атамаларни ўз ичига қамраб олиб, америкача оммавий дипломатия кўринишида талқин этилади. Унга кўра, давлат ташқи сиёсатини хорижий кенг жамоатчиликка етказиш, миллий маданият, таълим

⁵³ Hayden, Craig. The Rhetoric of Soft Power: Public Diplomacy in Global Contexts. Lanham: Lexington Books, 2012.

медиа ва кўргазмалар, алмашув дастурлари орқали давлат нуфузи, таъсири ва аҳамиятини оширишда ҳамда давлатлар билан кенг алоқалар олиб боришда яққол намоён бўлади.

Айни пайтда, АҚШда давлат дипломатияси ва оммавий (халқ, жамоат) ишлари котибияти фаолият юритаётган бўлиб, мазкур котибият АҚШнинг хориждаги элчихоналари билан бевосита ёки билвосита таълим дастурлари, технологик лойиҳалар орқали ўз фаолиятини амалга ошириб келади. Ўтган асрнинг 70-йилларида Америкада жамоат билан бевосита ишловчи қатор тузилмалар яратилди. Мисол учун, бунга собиқ элчилар ва амалдорлардан иборат АҚШ Маслаҳат комиссиясини келтириш мумкин⁵⁴. Тузилма янги технологиялар орқали халқаро тарғибот ишларни, демократия, ташқи сиёсатни амалга ошириш вазифаларини бажариб келган. Мазкур комиссия оммавий халқ дипломатияси соҳасида давлат дипломатиясини ҳам белгилайди ва бу фаолиятлар давом этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айни пайтда халқаро сиёсатда бир давлат сиёсати билан бошқа бир давлат халқининг онгига таъсир этиш тобора кучаймоқда. Бугунги замонавий халқаро муносабатларда технологиялар ва миграция тобора ўсиб бораётган бир даврда давлатлар билан бирга нодавлат тузилмалар ҳам глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. АҚШ халқ дипломатиясида расмий ҳукумат нуктаи-назаридан ташқари, халқ вакиллари, фуқаролик жамияти институтларининг қарашлари ҳам катта таъсирга эга. Масалан, Илон Маск (Тесла компанияси), Билл Гейтс (Майкрософт компанияси) Марк Цукерберг (Фейсбук/Мета компанияси), Amazon, Apple, Google ва бошқаларни келтириш мумкин.

АҚШ ҳукумати оммавий халқ дипломатияси орқали юмшоқ кучга сифатида мазкур нодавлат ташкилотлар ва компаниялар билан бирга улкан фаолиятни интернет, кино, телевидение, мусиқа ва бошқа ижтимоий, маданий тадбирларни кенгайтирмоқда ҳамда

⁵⁴ Snow, N. & Taylor, Phillip M., Routledge Handbook of Public Diplomacy. 2009. P.50

ўзининг дунё бўйлаб дипломатик ваколатхоналари⁵⁵, халқаро теле ва радио хизматлари ҳамда илмий, профессионал алмашинув дастурларини ҳам кўламини кенгайтирмоқда.

Америка оммавий дипломатияси ҳукумат томонидан турли кўринишда амалга оширилади. Жумладан, Америка маданияти, санъат ходимлари, америка маданиятини халқаро тарғиб қилувчиларни шакллантираётганлигида ҳам намоён бўлади. Совуқ урушдан сўнг АҚШда халқаро алмашув дастурлариининг тўхтаб қолиши натижасида кўплаб мувафаққиятсизликлар бошланди. Хусусан, 2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг АҚШ ҳукумати Ташқи алоқалар кенгаши ҳомийлигида оммавий халқ дипломатиясини яна кучайтиришга киришди. АҚШнинг юмшоқ куч стратегияси унинг халқ дипломатияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу АҚШда ғарб цивилизациясининг узлуксиз бўлаги саналади⁵⁶.

Хориждаги инглиз тили дастурлари АҚШ халқ дипломатиясининг бир бўлаги бўлиб, улар Америка жамияти ва маданиятини кучайтиришга ёрдам беради. ХХI асрнинг илк йилларида АҚШ обрўсининг маълум маънода тушиб кетиши унинг юмшоқ кучга асосланган халқ дипломатиясига путур етишига қуйидагилар ҳам сабаб бўлди:

Биринчидан, ғарбий европада АҚШ оммавий маданиятини (Голливуд кинолари, эстрада кўшиқлари, рок-муסיқа ва бошқалар) савияси пастлиги сабабли қабул қилинмади;

Иккинчидан, Ислом дунёси ва Шарқ мамлакатлари диний ва миллий менталитетга ёт бўлганлиги учун АҚШ ҳаракатларини инкон этиши ёки муайян чекловлар жорий этилганлиги ва бу жараёни айрим Ғарбий Европа давлатлари, масалан, Франция ҳам голливуд фильмлари намоишини чеклаб қўйган эди.

⁵⁵ Kiehl, America's dialogue with the world, Public Diplomacy Council, New York. 2006. P.15. <http://www.crisisproject.org>

⁵⁶ Zaharna, R.S. Battles to Bridges: US Strategic Communication and Public Diplomacy after 9/11. 2nd ed. New York: Palgrave Macmillan. 2014. P.55.

Учинчидан, Буш маъмуриятининг на иттифоқчилар ва на БМТни огоҳлантирмай, Ироқда оммавий қирғин қуроли бор деган фаразда бостириб кирганлиги, ҳарбий асирларни халқаро ҳуқуқ меъёрларига ҳилоф Гуантанамодаги ва Европадаги қамоқхоналарда ушлаб турилгани, Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлари бошланганидан сўнг етакчи ОАВ учун маълум чекловлар жорий этганлиги, терроризмга қарши курашиш баҳонасида фуқароларнинг шахсий ҳаётига даҳл қилиши АҚШнинг нафақат халқ дипломатиясига, балки юмшоқ куч сиёсатини обрўсизланишига сабаб бўлди⁵⁷.

Айни пайтда, АҚШ халқ дипломатияси анъанавий ва рақамли дипломатияга бўлинади. Булар ахборот пропагандаси сифатида халқаро радио ва телевидениелар ҳамда виртуал дипломатия (твиттер, фейсбук/мета) орқали кенгайиб бормоқда. АҚШнинг бугунги ташқи сиёсий позицияси ўзининг таъсирини четга ёйиш, ғарб маданиятига муқобил бўлган бошқа маданиятлар қайта тикланаётган даврда унинг устунлигини сақлаб қолишдан иборат⁵⁸.

Европа Иттифоқи (ЕИ) халқ дипломатияси



⁵⁷ Rugh, 2014: Chapter 8-10, Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М. 2003. С.514.

⁵⁸ Бжезинский З. Выбор: Мировое господство или глобальное лидерство. – М. 2010. С. 224.

Европа давлатларида халқ дипломатияси асосан жамоатчилик, оммавий халқ дипломатияси кўринишида кенг намоён бўлади⁵⁹. Бугунги кунда 40 тилда сўзлашувчи Европа Иттифоқи давлатлари халқ дипломатияси юмшоқ куч сифатида барча соҳаларда кенг фаолият юритмоқда. ЕИ аъзолари асосан иқтисодий потенциали юқори давлатлар бўлишига қармай миграция (асосан Осиё ва Африка давлатларидан) энг долзарб масала бўлмоқда. ЕИ давлатларида маданий муассасалар бирлашмаси ташкил этилган бўлиб, у мустақил даражада хорижлик фуқаролар орасида маданий ва таълим дастурлари билан шуғулланувчи ташкилотлар миллий бирлашмаси саналади. Маълумки, Европа ташқи дунё билан доимий курашиши давлат ва нодавлат ташкилотларининг энг муҳим йўналишларидан саналади⁶⁰.

Шу билан бирга, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро (1990 йилда тузилган), «Миллий озчиликлар бўйича Олий комиссар» (1992 йилда тузилган) кабилар ЕИда тинчлик дипломатияси орқали можароларни олдини олишга қаратилган ва асосий иш услуби “юмшоқ куч дипломатияси”ни амалга ошириш⁶¹ дан иборат. Бу ЕИ халқлари ўртасида барқарор ривожланишни таъминлабгина қолмай, зиддиятларни ҳам ўз вақтида олдини олишда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, ЕИда йирик нодавлат ноҳукумат компаниялар, бирлашмалар ва институтиларнинг роли ортиб бормоқда. Минтақада таълим ва маданий марказлар Германиянинг Гёте институти, Франциянинг Гюго маркази, Франкофония, Б.Британиянинг Британия кенгаши, Испаниянинг Сервантес маркази каби халқаро муассасалар ўз лойиҳаларини мустақил ва хориждаги элчихоналар ёрдамида кенг амалга ошириб келади. Натижада, европанинг етакчи давлатлари Франция, Германия,

⁵⁹ Davis K., J.Melissa. European Public Diplomacy. 2018. P. 11.

⁶⁰ Современная мировая политика: Прикладной анализ / Под ред. А.Д. Богатурова. – М. 2010. С.37.

⁶¹ Cross, Maya, and Jan Melissen, eds. European Public Diplomacy: Soft Power at Work. New York: Palgrave Macmillan, 2013. P.35.

Испания ўзининг миллий тили, таълими, маданияти ва инновацион ривожланиши орқали хорижий давлатларни ҳам ўзига жалб этиб улгурди.

Буюк Британиянинг Британия кенгаши инглиз тилини жаҳон тили сифатида ёйишга мувофиқ бўлганлиги, ўз миллий маданиятини кенг тарғиб қилувчи ББС теле, радио ва бошқа юзлаб муассасалари дунё бўйлаб фаолият юритаётганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, Германиянинг бир қанча хорижий давлатлардаги немис тили ва маданиятини ёйиш бўйича тил муассасалари хусусан, Гёте институти, Немис академик алмашув дастури (DAAD), шунингдек, Федерал Ташқи сиёсат офиси, Ташқи маданий алоқалар институти, Немис академик алмашув дастури, Гумболд жамғармаси, Хориждаги мактаблар марказий агентлиги, халқаро немис радиоси (Deutsche Welle), Германия халқаро ҳамкорлик агентлиги ⁶², Конрад Аденаур, Фридрих Эберт жамғармаси билан бирга хориждаги элчихоналари орқали ҳам юмшоқ куч сифатида оммавий халқ дипломатиясини амалга ошириб келади ⁶³.

Францияда хориждаги француз фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган доимий Комиссия фаолият юритади. Шу билан бирга, нодавлат ташкилотлар сифатида «Хориждаги французлар иттифоқи ва фонди», «Хориждаги французлар ассамблеяси», Франкофония халқаро ташкилоти ва унинг 84 та давлатдаги 275 млн француз тилида ⁶⁴ сўзлашувчиларга мўлжалланган дастурларини кўриш мумкин. Шунингдек, хориждаги таълим миллий агентлиги, Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги французлар билан ишлаш бошқармаси, Хориждан

⁶² Auswärtiges Amt [Federal Foreign Office], Directorate-General for Culture and Communication (2020), <https://auswaertiges-amt.de/en/aamt>

⁶³ Magazin de Deutschland. Berlin. 2010. S.57.

⁶⁴ Assemblée nationale (2021). <https://www2.assemblee-nationale.fr/langues/welcome-to-the-english-website-of-the-french-national-assembly>, Corneliu Bjola and Ilan Manor. Public Diplomacy in the Digital Age. 2019. P.101

қайтган французларга кўмаклашиш қўмитаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

ЕИнинг бошқа давлатлари Испаниянинг Сервантес маркази, Италия, Швецария каби давлатлар ҳам юмшоқ куч асосида ўз фаолиятларини амалга ошириб келади. Европа тараққиёти бўйича иқтисодчи Падао-Шиоппага кўра, “Урушдан кейин бутун дунё каби Европа ҳам ўша давр қийинчиликларига дуч келди. Лекин ҳамкорликдаги ҳаракати уни бу қийинчиликлардан бошқаларга нисбатан тезроқ ва осонроқ қутулишига олиб келди”⁶⁵.

“Европа халқ дипломатияси ривожига муҳим қадамлардан бири бу бутун Европада ягона пул бирлиги, чегара, виза яратилиши, умумий кодекс, Европани ягона оилага айланганлиги Европани бирлаштиришга қаратилган Наполеон дастуридир”⁶⁶. “Агар минтақа давлатлари ўз миллий суверенитетларини устувор йўналиш сифатида қараб ривожланадиган бўлса, Европада ҳеч қачон тинчлик бўлмайди. Чунки бундай ривожланиш давлатларнинг устунлик қилиш сиёсатига ва иқтисодий қарам қилишга олиб келади. Европа давлатлари ёлғиз ҳолда ўз халқлари учун етарли даражадаги турмуш шароитини яратиб бера олмайдилар”⁶⁷. Айнан шу талқин ва тажрибани дунёнинг хоҳлаган минтақаси мисолида қўллаш мумкин. ЕИнинг айнан ана шу тажрибасини ёхуд АСЕАН давлатлари тажрибасини бугунги Марказий Осиёнинг кейинги ривожланишига намуна қилиб олиш мумкин.

⁶⁵ Padoa-Schioppa T. Europe a Civil Power. Lessons from EU Experience. London: Federal Trust for Education and Research. 2004. P.173

⁶⁶ Маргарет Тэтчер. Искусство управления государством: Стратегия для меняющего мира. М., 2003. С.357. www.globalaffairs.ru/european/soft/powerdipl.

⁶⁷ Kohl H. Die Europäische Gemeinschaft Bilans und Perspective // Herford. S.21

Россия Федерацияси (РФ) халқ дипломатияси



Россияда халқ дипломатия ва оммавий дипломатия баробар амалиётда қўлланилади. Собик иттифоқ даврида халқнинг роли ва нуфузи оширилганлиги⁶⁸, халқаролашиш тартиботи ва тарғиботи, ғарб капитализмига қарши мувофаққиятга эришиш сифатида рус тили, маданияти ва олий таълими жозибадор кўринишда тадбиқ этилганлигида ҳам бу яққол намоён бўлади.

Россиянинг юмшоқ куч сифатида халқ дипломатияси бўйича Россия ташқи ишлар вазири С. Лавров, Россия ташқи сиёсат фаолияти принциплар ҳақида билдирган фикрига кўра, Россия ташқи сиёсатида рус диаспораси ва рус менталитети, этник хусусияти муҳим ва катта ўрин эгаллайди. Рус маданиятининг идеологик концепцияси унинг дунёдаги ролини оширишга асосдир. Рус дунёси концепцияси (90 йилда ишлаб чиқилган) халқаро

⁶⁸ Mkhoyan A. Soft Power, Russia and the Former Soviet States. International Journal of Cultural Policy no.6 2017. P. 690

муносабатларда Россия юмшоқ куч сиёсати ва халқ дипломатиясини амалга оширишга асос саналади⁶⁹.

Ҳозирда Россияда 160 дан ортиқ халқ вакиллари бирлаштирган 1998 йилда ташкил этилган «Россия халқлари Ассамблеяси», ва 2000 йилда тузилган «Россия халқлари ёшлар Ассамблеяси», ҳамда 2008 йилдан бошлаб Хорижда яшовчи ватандошлар, халқаро гуманитар ҳамкорлик масаласида Мустақил давлатлар ҳамдўстлик ишлари Федерал агентлиги (Россотрудничество)⁷⁰ кабилар фаолият юритиб келади. Мазкур тузилмалар халқ дипломатияси воситасида хориждаги рус диаспоралари ҳамда элчихоналари орқали маданий марказлар, ватандошлар билан ишларни кенг амалга ошириб, давлат нуфузини ва аҳамиятини мустаҳкамламоқда.

Россияда 2015 йилда Миллатлар ишлари бўйича Федерал агентлик ташкил этилди ва у давлат миллий сиёсатини кучайтириш ва миллатлараро муносабатлар соҳасида федерал миқёсда мақсадли дастурларни амалга оширишни бошлади⁷¹. Халқ дипломатияси атамаси 2016 йилда Россия ташқи сиёсат концепциясининг янгиланган вариантыда халқаро маданий ҳамкорлик ва мулоқот кўринишида расман эълон қилинди⁷².

Россиянинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан тараққиёти халқаро майдонда ва кўшни минтақаларда ҳам унинг таъсирини янада кенгайтишига олиб келмоқда.

Сиёсий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий Россия ташқи сиёсати ва халқ дипломатиянинг юксалиши асосан

⁶⁹ Russian Public Relations Activities and Soft Power. No 8. – М. 2019. P.16. Будущего роль России в мировом политике. – М. 2007. С.7. Арбатов А. Россия хочет изменить мировой порядок. – М. 2018. С. 34

⁷⁰ Pallin Vendil. Russian Think Tanks and Soft Power. Stockholm, 2017. P.23. Федеральное агентство по делам национальностей <https://fadn.gov.ru/agency>, Россотрудничество www.rs.gov.ru

⁷¹ Мухаев Р.Т. Политология. – М.: Издательство ПРИОР. 2002. С.386. Постановление Президента РФ от 18 апреля 2015г. №368 «О Федеральном агентстве по делам национальностей» www.fadn.gov.ru

⁷² Примаков Е. Мир после 11 сентября. М., 2002. С.184. Народная дипломатия в современной мировой политике. <http://cheloveknauka.com/narodnaya-diplomatiya>

2000 йилда янги босқичга кўтарилди. Бу Россия ташқи сиёсий йўналишини қайта ташкил этишга ва замонавий дунёда янги дипломатия турларини амалиётга кенг жорий этишни тақозо этди. Россия халқ дипломатияси ҳозирда биринчи навбатда ўзининг геостратегик яқин ҳудудларига тили, маданий дипломатия, илм-фан ва таълим соҳаларида ролини кенгайиб бормоқда. Халқ дипломатияси воситасида тадбирлар кўлами кенгайтирилмоқда жумладан, 2007 йил Техронда «Россияда ислом» кўргазмаси, 2008 йил Эронда “Россия кунлари” ҳамда Россияда “Эрон маданият кунлари” Араб мамлакатлари ва Марказий Осиё давлатлари билан шу каби маданий ҳафталиклар, ойлар ўтказилаётганлиги шулар жумласидан. Россияда халқ вакиллари йирик тадбиркор А.Усманов (UMS компанияси), П.Дуров (ВКонтакте, Телеграм компанияси), ва қатор машҳур намоёндаларнинг роли салмоқли аҳамиятга эга.

Россия ташқи сиёсатида 1990 йил бошларида ишлаб чиқилган рус диаспораси ва минталитети концепцияси унинг халқ дипломатиясини кенг намоён этишда муҳим ўрин эгаллайди⁷³.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) халқ дипломатияси



⁷³ Kulagin V. International Relations in the eve of the 21st century. – Moskow. 2000, Russian Public Relations Activities and Soft Power. No 8. – M. 2019.

Хитой дипломатияси асосини халқ дипломатияси ташкил этади. Халқ Хитой сиёсати хусусан дипломатияси учун донишмандлик манбаи саналади. Хитой халқ дипломатиясини ва давлатдаги 55 та турли халқлар ва миллатлар ишларини асосан Давлат кенгаши ҳузуридаги Хитой миллатлари ишлари бўйича давлат қўмитаси мувофиқлаштиради. Мазкур қўмита таълим дастурлар, институтлар ва хориждаги элчихоналар билан ҳамкорликда фаолият юритиш орқали халқ дипломатиясини амалга оширади. Коммунистик партия тасарруфидаги Хорижий давлатлар билан дўстона алоқалар уюшмаси эса хориждаги диаспоралар, биродарлашган шаҳарлар билан турли соҳада ҳамкорликни кенгайтириб келади⁷⁴.

Таҳлилларга кўра, бугунги Хитойнинг маданий ва мафкуравий жиҳатдан ўз халқаро нуфузини ошириб боришга қаратилган юмшоқ куч стратегияси АҚШ мавқеининг йўқотишига сабаб бўлмоқда. Расмий Пекиннинг юмшоқ куч сиёсати таҳлили шуни кўрсатадики, дунёда мамлакат имиджини шакллантиришда миллий механизмдан фойдаланиш муҳим асос ҳисобланади. Хитойнинг хориждаги 45 фоиз дипломатик миссиялари айнан юмшоқ кучга асосланади ва халқ дипломатияси асосида фаолиятларини ташкил этади.

2007 йилда юмшоқ куч сиёсатига расман киришган Хитойнинг мазкур сиёсат моделидан кўзлаган мақсади қуйидагиларда намоён бўлади:

(1) яқин йилларда Хитой иқтисодиётини кенгайтириш орқали унинг маданиятини ёйиш, турли маданий фаолиятларни ўтказиб бориш;

(2) гуманитар ёрдам кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳалар ва иқтисодий ёрдамни таъминлашда ҳамкорлик;

⁷⁴ Hartig, Falk. Chinese Public Diplomacy: The Rise of the Confucius Institute. Abingdon: 2016. P. 19.

(3) глобал сиёсий ва иқтисодий барқарорликни кенгайтириш орқали дунё мувозанатига таъсир этишдир⁷⁵.

Бундан ташқари, Хитой томонидан БМТга тақдим этилган “Баркамол дунё” ташаббуси турли халқлар қадриятлари ва турли конфецияларни ўзаро тушунишни намоён этувчи юмшоқ кучга асосланган халқ дипломатияси сифатида ҳам намоён бўлади. Шу билан бирга, Хитой хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда «Тинч тотув яшашнинг 5 тамойили» (Five Principles of Peaceful Coexistence) концепциясини амалга ошириб келади.

Бугунги замонавий Хитой ўзининг геосиёсий жойлашувидан келиб чиқиб, турли цивилизациялар билан низо ва зиддиятларсиз алоқаларни яратишда, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро бир-бирини тушунишда воситачи ролини ўйнашга интилмоқда. Осиёда Хитой қудратининг ортиши Ҳиндистон, Япония ва бошқа давлатларнинг сиёсий қаршилигига дуч келмоқда, бу эса АҚШ учун катта устунлик яратмоқда⁷⁶.

Бугунги кунда Хитой ташқи сиёсатида халқ дипломатияси фаол фойдаланилмоқда. Хусусан, ШХТ ташкилоти доирасида, хориждаги диаспоралар ҳамда халқаро гуманитар ва маданий алмашинувлар кўринишида халқ дипломатияси амалга оширилмоқда. Хитой халқ дипломатиясининг яна бир анъанавий усули бу маданий алмашинув дастурларидир. Бунга 2003 йил октябрда Парижда Хитой диаспораси маданий маркази томонидан “тарихий Хитой”, “кўпқиррали Хитой,” ва “бугунги Хитой” мавзусидаги йирик Хитой маданияти йилларини ташкил этилганлиги⁷⁷, унда юздан ортиқ филмлар намойиши, китобхонлик форуми, хитой янги йили ва бошқаларни келтириш мумкин.

⁷⁵ Application of Soft Power Strategy on Asian civilizations. 2009. P.20. Joel Wuthnow. The Concept of Soft power in China’s strategic Discourse, Issues and Studies. No.2, vol. 2018. P. 44.

⁷⁶ Joseph Nye. The Future of Power. N.Y., 2011. P. 186.

⁷⁷ Christina Maags. Enhancing China’s National Image through Culture Festivals: A Case Study of China Culture Years in Europe. SOAS, University of London. 2014. P.30.

Хитой юмшоқ куч сифатида халқ дипломатиясининг мақсадларидан бири тили ва маданиятини кенгайтириш орқали ўз таъсирини кучайтириш, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам саналади.

Хитой халқ дипломатиясининг стратегик инструментларидан яна бири бу тили ва таълим йўналиши, яъни Конфуций институтидир. Бу тузилма 1987 йилда хорижий тил сифатида хитой тилини ўқитиш мақсадида ташкил этилган ва 2004 йил март ойидан бошлаб эса, Хитой таълим вазирлиги тасаруфидаги Конфуций институтига айлантирилди. Хитойнинг хориждаги биринчи Конфуций институти 2004 йилда Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида очилган ва 2008 йилга келиб бу дунё бўйлаб 530 та Конфуций институти фаолияти йўлга қўйилди⁷⁸.

Бугунги замонавий Хитой халқ дипломатияси орқали хориждаги диаспоралар орқали тарихий ватани Хитойга сармоя киритишни рағбатлантириб, амалий натижаларга ҳам эришмоқда. Хориждаги Хитой миллий маданий марказлари ва Конфуций институтлари воситасида у ердаги фуқаролик жамияти институтлари билан индивидуал учрашувлар, маданий тадбирлар, ҳамкорликлар ўрнатилиб, мулоқотлар олиб борилмоқда ва бу эса Хитойнинг халқаро аҳамияти ва таъсирини ҳам оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Хитой ўзининг «Панда дипломатияси»⁷⁹, ҳамда 1989 йилдаги Хитойнинг «Халққа-халқ дипломатияси» (People-to-people diplomacy) кўринишида ҳам намоён бўлади. Бу жаҳонда Хитойнинг ўзига хос дипломатияси ва позициясини ҳам намоён этади. Шунингдек, 2023 йилда эълон қилинган Хитойнинг янги улкан «Бир камар, бир йўл» (One Belt, One Road) стратегик лойиҳаси унинг улкан иқтисодиётини янада юксалтириш билан

⁷⁸ Wheeler, Anita. Confucius Institute Cultural Diplomacy. Journal of Asian and African Studies 49, no. 1. 2015. P.63, People-to-People Diplomacy | The Diplomat <https://thediplomat.com/people-to-people-diplomacy>

⁷⁹ 1971 йилда Хитой пандаларни чет мамлакатларга хусусан, АҚШга “дипломатик совғалар” сифатида берилишига номланган.

бирга, хорижий давлатлар билан янги дўстона алоқаларни янада кенгайтириш ва турли долзарб муаммоларни самарали ҳал қилишга қаратилганлиги билан ҳам унинг мувофақиятини таъминлади. Мазкур ташаббус Осиё, Европа ва Африка минтақаларида жойлашган 60 дан ортиқ давлатни ўзаро боғлаб⁸⁰, халқлар ўртасида кенг янги алоқаларни ривожлантиришда хизмат қилди. Ушбу улкан стратегик лойиҳани асосий бир йўналиши ҳам айнан халқ дипломатияси ҳисобланади.

Халқ дипломатияси нафақат давлатлар фаолиятида намоён бўлади, балки халқаро ташкилотлар жумладан, БМТ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти кабилар фаолиятида ҳам намоён бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) фаолиятида халқ дипломатияси



БМТ дунёдаги энг катта глобал ташкилот сифатида халқаро муносабатда марказий ўрин эгаллайди. БМТ ва унинг тизимидаги ташкилотлар дунёнинг ҳар бир минтақаси ва давлатида тинчлик ва барқарорликка асосланган кўп қиррали дипломатиядан фойдаланади. Шу сабабли мазкур глобал ташкилотни халқ дипломатияси ташкилоти ҳам дейиш мумкин. БМТ таркибига

⁸⁰ National Development and Reform Commission. “Vision and Actions on Jointly Building Silk Road Economic Belt and 21st-Century Maritime Silk Road”. 2015. P. 5.

кирувчи йирик ташкилотлар ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНФАО ва бошқалар ҳам ўзига хос фаолиятида бевосита ёки билвосита халқ дипломатиясини амалга оширади. Бунга бутун дунё ёшлар форумлари, UN Model саммитлари, халқаро таълим, маданият дастурлар, анжуманлар каби қатор лойиҳаларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, БМТ 193 та аъзо давлатларида халқаро тинчлик дипломатияси фаолиятларни амалга ошириб келади. Масалан, 2011 йил 3 май куни БМТ БА томонидан «Халқлар дўстлиги куни» резолюцияси эълон қилиниб, буён дунё бўйлаб барча халқлар ўртасида ўзаро бағрикенгликни, тинчликни таъминлаш, давлатлар ўртасида маданий-маърифий ва дўстлик алоқаларини янада кенгайтириш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш ва маданий хилма-хилликни ҳурмат қилишда кўприк бўлиш мақсадида 30 июль «Халқлар дўстлиги куни» сифатида кенг нишонланиб келинади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ҳар йили 30 июль “Халқлар дўстлиги” куни сифатида кенг нишонланиб, миллатлар ва халқлар ўртасида тотувликни таъминлаш, хорижий давлатлар билан маданий-маърифий ва дўстлик алоқаларини кенгайтириш, чет элдаги ватандошларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш мақсадида «дўстлик ҳафталиги», конференция ва қатор маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Бугунги замонавий дунёда барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим омили бу халқлар ўртасидаги тинчликни таъминлаш ва дўстона алоқаларни кучайтиришдир.

БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 7 мингдан ортиқ тиллар муомалада бўлиб, 70 та тилда дунё аҳолисининг 90 фоизи сўзлашади. 200 та тил давлат ёки расмий тил мақомига эга. Шулардан бири бўлган ўзбек тили сўзлашувчилар сони 50 млнга яқин бўлиб, дунёда 27-ўринда туради⁸¹. Бугунги кунда дунёнинг 100 тага яқин мактабларида ва 60 тага яқин олий ўқув юртларида

⁸¹ Johanson, Lars. Uzbek // Concise Encyclopedia of Languages of the World / Keith Brown, Sarah Ogilvie. Elsevier, 2009. С. 1145. ISBN 978-0-08-087774-7.

ўқитилади. Ўзбек тили 6 та барқарор туркий тиллардан бири ҳамдир. Ўзбек диаспора вакиллари дунёнинг асосан 20 га яқин давлатида яшайди. Энг кўп қисми асосан қўшни давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Афғонистонда (2.7 млн), Тожикистонда (1.2 млн), Қирғизистонда (800 минг), Қозоғистонда (500 минг), Туркманистонда (500 минг)ни ташкил этади. Бундан ташқари, Россияда (300 минг), Покистонда (70 минг), АҚШда (60 минг), Туркия (60 минг), Саудия Арабистонида (60 минг), Жанубий Кореяда (65 минг), Украинада (12 минг), Хитойда (12 минг), Швеция, Эронда (3.5 минг), Беларусда (1.6 млн), Монголияда (560.0), Латвияда (340.0) ва бошқаларни ташкил этади⁸².

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ шофейлигида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги⁸³ БМТ резолюциясининг қабул қилиниши ҳамда «Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳаларида» мавзусида халқаро форум ташкил этилиши, «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция, «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик, таҳдидлар ва имкониятлар мавзусидаги Тошкент конференциясида илгари сурилган таклифлар асосида БМТ БАнинг «Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги махсус резолюцияси қабул қилиниши ҳамда 2022 йилни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида «Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг халқаро аҳамиятини намоён этади⁸⁴. Шунингдек, БМТ ҳузурида афғон халқининг муаммоси бўйича доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш каби

⁸² Gavin R.G. Hambly Uzbekistan. NY. 2020. P.16.

⁸³ Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши. – Т. 2017. <http://uza.uz/oz/politics>

⁸⁴ Мирзиёев Ш. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи (Нью-Йорк) // Халқ сўзи, 2017.

устувор масалалар минтақада халқ дипломатиясини ривожлантиришга хизмат қилади⁸⁵. Дарҳақиқат, Марказий Осиё бўйича БМТ томонидан қабул қилинган резолюциялар нафақат минтақадаги умумий муаммоларни тинчлик йўли орқали ҳал қилишда, минтақа тараққиёти ва халқлар фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу эса бошқа томондан, дунё ҳамжамияти давлатлари учун ҳам муҳим ва манфаатлидир.



(БМТнинг саккизинчи Бош котиби Пан Ги Мун билан халқаро анжуманда)



(БМТнинг 8-Бош котиби (Пан Г.М), Австрия собиқ президенти (Ҳанс Фишер), БМТнинг қуролланишни қисқартириш комиссияси раҳбари, Пан Г. Муннинг маслаҳатчиси)

⁸⁵ Мирзиёев Ш. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк). 2020. <https://president.uz>

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) фаолиятида халқ дипломатияси



Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бугунги жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ҳамда аҳолиси сони жиҳатидан улкан салоҳиятга эга бўлган минтақавий йирик ташкилотга айланиб улгурди. 2001 йилда Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш ҳақида Декларация имзолашди. 2017 йилда Ҳиндистон ва Покистон, 2021 йилда Эрон ҳам аъзо бўлиши 4.5 млрдга яқин аҳолига эга бўлган ташкилотнинг халқаро нуфузини янада оширди ва халқлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга замин яратди⁸⁶. Ташкилотнинг асосий мақсади мамлакатлар ва халқларнинг тинчлик ва барқарорлигини таъминлаш, таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, манфаатли минтақавий ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиёдаги вазиятни барқарорлаштириш, давлатлар ўртасидаги дўстлик ва қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек сиёсий, иқтисодий, илмий,

⁸⁶ Бекмуродов И. ШХТнинг фаолияти ва институциялашиш жараёни. – Т. 2006. Абдуллаев М. Ўзбекистон в ШОС: время народной дипломатии / Международные отношения: политика, экономика, право. 2018. № 2. С.31.

гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш кабилардан иборат⁸⁷.

Бугунги кунда, Хитой ва Россия каби БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланган ҳамда Ҳиндистон ва Покистон каби ядро қуролига эга давлатларни ўз ичига олган мазкур йирик тузилма бутун Евроосиёдаги геосиёсий жараёнларда муҳим ўрин тутмоқда.



Замонавий халқаро муносабатларда ҳамкорликка эришишда энг аввало, тинчлик ва ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ. Халқ дипломатиясини яхшилаш нафақат Марказий Осиё давлатлари ўртасида, балки жаҳонда халқлар ва давлатлар ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. ШХТнинг халқ дипломатияси органи халқаро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, аъзо давлатлар халқлари ўртасида ҳамкорликни янада кучайтиришга ихтисослашганлиги билан ҳам муҳимдир⁸⁸. Ташкилот доирасида Хитой юмшоқ кучга асосланган халқ дипломатияси воситасида ҳар йили 100 дан ортиқ ёшларни хусусан, Марказий Осиё талабалари

⁸⁷ Халқ дипломатияси – умуминсоний муаммоларни ҳал қилишга қодир (мақола) – Т. 2022.

⁸⁸ Zhang Zhexin. China's Public Diplomacy Institution: Its Development, Challenges and Prospects of its practices. IO Journal 1 (3): 2009. P.12.

учун Хитойга ўқиш грантлари берилиши, хитой тили ва маданиятини кенгайиб бораётганлиги, шунингдек, илмий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, кўргазмалар, концерт, фестивал ва бошқа тадбирларни кўпайтириб борилаётганлигини кузатиш мумкин.

Ташкилот ташаббускори бўлган Хитой сиёсати таҳлили шуни кўрсатадики, Хитойнинг геостратегик минтақа сифатида Марказий Осиёга қаратаётган сиёсати ва киритаётган сармояларида ҳам унинг юмшоқ куч сифатида халқ дипломатиясида намоён бўлади. Хитой Марказий Осиё ва Россия билан ўзаро алоқаларнинг энг қулай шакли сифатида ШХТни стратегик механизм сифатида қарайди. Масалан, “Хитой ташкилот орқали Россия ва Марказий Осиё давлатлари билан чегаралар борасида алоҳида-алоҳида музокаралар олиб бориш йўли билан ечилмаган ҳудуд, чегара баҳсларини усталик билан ечишга ҳам муваффақ бўлди”⁸⁹. ШХТ доирасида халқ дипломатияси кўринишида ёшлар саммити, халқаро таълим ва маданий тадбирлар, тижорий форумлар, кўргазмаларнинг доимий ўтказилаётганлигини келтириш мумкин.


Туркий Давлатлар Ташкилоти (ТДТ) фаолиятида халқ дипломатияси



⁸⁹ Алимов Р. Шанхайская организация сотрудничества: глобальный профиль в международных отношениях. – М.: Весь Мир, 2018. С.46. <http://sectsco.org/>

Туркий давлатлар ташкилотида халқ дипломатиясининг муҳимлиги ташкилотнинг геотарихий, геосиёсий, геоиқтисодий ва геомаданий аҳамиятга эгаллигидадир. Хусусан, Марказий Осиё минтақаси тарихдан асосан туркий, форсий ва араб халқлари билан аралаш ҳолда яшаган ва тарихий, диний, маданий жиҳатдан бир бирига яқин катта ҳудуд саналади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда туркий халқлар Осиё ва Европанинг 30 та давлатида яшаб, 200 млнни ташкил этади⁹⁰ форсий халқлар эса Марказий Осиё, Яқин Шарқнинг 10 та давлатида 110 млнни ташкил этади⁹¹. Минтақага геосиёсий яқин араб халқлари эса Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги 24 та давлатда жами 500 млн⁹²ни ташкил этади. Мазкур туркий, форсий ва араб халқларининг дини, маданияти, тарихининг яқинлиги ва ўхшашлиги янги халқаро ҳамкорликни интеграцион маконни шакллантириш имконини беради. Халқаро сиёсатда ва минтақада мазкур халқлар ўз цивилизациясига асос солган.



⁹⁰ Turkic peoples <https://www.britannica.com/Turkic-peoples> турклар, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, озарбайжонлар, уйғурлар, қорақалпоқлар, бошқирдлар, чувашлар, қарачойлар, татарлар, тувалар, сахалар, олтойлар, кабардин болқорлар, хакаслар, кумиклар, гагаузлар ва бошқалар.

⁹¹ Persian peoples <https://iranparadise.com/persian-peoples/> Эрон, Тожикистон, Курдистон (лурийлар), Афғонистон (дарий, тожик, ҳазорий ва аймақлар), Кавказ этник халқлари (азар, арман), Доғистон (татлар). Bakhtiar, Baloch, Gilan, Kurds, Lak, Lur, Mazanderan, (Taberians), Ossetians, Pashtuns, Persians (Tajiks, Farsiwans, Tats, Irani, Parsis) Talyshi, Wakhi, Zazas

⁹² Benjamin Hätinger. The League of Arab States, 2019. P.2.

Ҳозирги кунда, туркий халқлар Эрон, Афғонистон, Тожикистон ва қисман Покистонда, форсий халқлар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия каби давлатларда ҳам истиқомат қилиб келади. Эрон аҳолисининг 26 фоизга яқини туркий озарлар, Афғонистонда 12 фоизга яқин аҳоли туркий халқлардир. Туркий халқларнинг катта гуруҳи Хитой ва Россияда яшайди⁹³.

Туркий давлатлар ташкилоти даставвал ташкил этилган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бўлиб, бу минтақаларо ташкилот сифатида жаҳонда туркий халқлар этнолингвистик бирлигини намоён этади. У дастлаб, 1993 йилда жаҳондаги туркий тилда сўзлашувчи халқларни бирлаштириш мақсадида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Халқаро Туркий давлатлар маданиятлари ташкилоти сифатида ташкил этилди. Кенгаш ҳудуди 4 млн.кв.км, аҳоли 145 млнни, ЯИМнинг умумий қиймати 1.13 трлн долларни ташкил этади⁹⁴.



Кенгашга Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон аъзо бўлиб, кузатувчи сифатида Туркменистон,

⁹³ Икромов Ш. Туркий Кенгаш – туркий халқларни бирлаштирувчи платформа. 2020. <https://uzanalytics.com/siyosat>

⁹⁴ Senem Cevik. Turkey Soft Power. Macmillan. Ankara. 2015. P.10; Turkic Speaking States. 2021. <https://www.turkkon.org/en>

Бошқирдистон, Гагаузия, Шимолий Кипр ва Татаристон киради. Марказий Осиё минтақасига кўшни бўлган етакчи давлатлар Россия ва Хитой кенгаш фаолиятини жиддий кузатиб келади. Чунки уларнинг таркибида энг катта ва кўпгина туркий халқлар ва давлатлар истиқомат қилишади. Мазкур ташкилот 2021 йил ноябрда Туркияда бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар Кенгаши саммитида “Туркий давлатлар ташкилоти” сифатида қайта номланди⁹⁵. Бундай номланиш ташкилотнинг халқаро роли ва аҳамиятини ошириш билан бир қаторда юмшоқ куч сифатида халқ дипломатияси, маданий дипломатия, парламент дипломатияси кабиларни ҳам амалга оширишга замин яратди. Збигнев Бжезинскийга кўра, Россия ва Хитойдан ташқари, Туркия ва Эрон Марказий Осиёда “Евросиё Болқонлари”га таъсир кўрсатиш учун фаол кураш олиб бориб, минтақадаги муҳим геостратегик ўйинчилардан ҳисобланади⁹⁶.

Туркий давлатлар ташкилоти таркибидаги қатор тузилмалар хусусан, парламент ассамблеяси, минтақавий диаспора маркази, туркий академияси, маданий ва маънавий пойтахт мақоми кабилар халқ дипломатиясини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Хорижий илғор тажрибалар асосида қуйидаги тажрибаларни Ўзбекистон халқ дипломатияси ва юмшоқ куч сиёсатида қўллаш мақсадга мувофиқ. Халқ дипломатиясини кучайтириш учун қуйидаги янги тузилмаларни ташкил этиш ёки мавжуд ташкилотларга стратегик вазифалар белгилаш жуда зарур. Жумладан, Олий Мажлис Сенати ҳузурида “Стратегик таъсир кўрсатиш (пропаганда) офиси”, Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида “Дипломатик тадқиқотлар ақл маркази”, Олий таълим вазирлиги ва Маданият вазирлиги ҳузурида “Таълим ва маданий тарғибот бюроси”ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Булар бугун ва келгусида нафақат маданиятлараро мулоқотни балки халқаро

⁹⁵ Тюркский совет переименован в Организацию тюркских государств. 2021. www.turkonn.org/eng

⁹⁶ Бжезинский З. Этник зиддиятлар қозони. «Буюк шахмат тахтаси». 2010. 50-6.

алоқаларни ҳам кучайтиришда, давлат имиджини оширишга, тинчлик ва конфликтни олдини олишда стратегик муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда, юмшоқ куч сифатида халқ дипломатиясини кенг илмий тадқиқ этишга эътибор қаратиш ва уни ривожлантириш халқаро сиёсатда давлатнинг нуфузини оширишда муҳим ўрин тутди.

Хулосалар: Халқ дипломатияси юмшоқ куч сифатида халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тамойилига асосланади. Уни юмшоқ куч ҳам дейиш мумкин. Аввало, халқ дипломатияси тинчликка асосланиши, халқлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш воситаси саналиши билан ҳам хорижий илғор давлатлар тажрибаси ва амалиётида кенг намоён бўлади.

Иккинчидан, халқаро муносабатларда халқ дипломатиясининг асосий хусусияти халқлар ўртасида алоқаларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш воситаси саналади ва у кўпмиллатли халқлар ўртасида алоқаларда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, етакчи давлатларнинг юмшоқ куч сиёсати халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, табиий ресурсларга бой, кўпмиллатли минтақалар хусусан, минтақамиз Марказий Осиёдаги барқарорлик асосан минтақамиз давлатлари ва халқлари ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстона алоқаларга боғлиқдир. Шунингдек, бу миллий манфаатлар жиҳатидан Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Учинчидан, келгусида халқ дипломатиясини юмшоқ куч сингари маданий ва замонавий ахборот технологиялар билан интеграциялаштирган ҳолда “рақамли” ёки “смарт” халқ дипломатияси сифатида талқин этиш тавсия этилади.

II БОБ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

РЕЖА

**1. Марказий Осиё давлатлари ўртасида
ҳамкорликни мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг
ўрни**

**2. Минтақа давлатлари ўртасида халқ
дипломатиясини ривожлантиришнинг муҳим
жиҳатлари**

1. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг ўрни

Бугунги халқаро сиёсий жараёнлар шундай босқичга кўтарилдики, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, билим ва илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. XXI аср жаҳон харитасида янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши халқаро муносабатларда янги тартиботларни ҳам олиб келмоқда⁹⁷.

Халқаро муносабатларда Марказий Осиё минтақасининг стратегик аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Минтақасизни дунёнинг бошқа минтақалари билан таққослаб бўлмайди. Чунки минтақамиздан фарқли ўлароқ Европа, Жанубий Осиё, Осиё Тинч океани минтақалари давлатларининг деярли барчаси бевосита денгиз коммуникациясига чиқиш имкониятига эга, яъни улар денгиз давлатларидир. Марказий Осиё минтақаси эса қуруқлик марказида жойлашган, яъни минтақа икки марта “қулфланган” ҳудуд ҳисобланади. Аммо минтақанинг географик имконияти стратегик аҳамиятга эга бўлиб, у жойлашуви бўйича бошқа минтақаларни боғловчи геостратегик кўприк вазифасини бажаради, табиий ресурсларга бойлиги эса келгусида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ички ва ташқи сиёсатида энг долзарб масалалар сирасига хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, миллий этник муносабатларга раҳна солувчи хавфларни биргаликда олдини олиш кабилар саналади. Олим Эдуард Баталовга кўра, ҳар бир давлатнинг ички ўзгаришларига ташқи омиллар сабаб бўлади⁹⁸. Худди шунга ўхшаб

⁹⁷ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 6-б.

⁹⁸ Баталов Э. Современные глобальные тренды и новое сознание // Международные процессы. №1. 2012. С.12.

ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсатида ҳам ички жараёнлар муҳим рол ўйнашлигини кўриш мумкин.

Марказий Осиёда халқ дипломатияси илдизи қадимий Буюк Ипак йўлига бориб тақалади. Чунки айнан мана шу йўллар орқали минтақамизда маданий, савдо алоқалари шаклланган ва ривожланиб келган.

Дарҳақиқат, бугунги халқаро муносабатларда, ҳар бир мустақил давлатнинг сиёсий ва иқтисодий эркин тараққиёти билан бирга, унинг суверенитетини мустаҳкамлашда дипломатик алоқаларнинг роли жуда муҳим. Жаҳонда катта ютуқларга эришаётган давлатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, давлатнинг ривожланиши ва катта ютуқларга эришиши энг аввало давлатдаги тинчлик ва барқарор тараққиёт омили бўлган халқлар ва миллатлараро тотувликни таъминлашга боғлиқ. Аксинча, давлатлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви кўпмиллатли минтақалар хусусан, Марказий Осиё хавфсизлиги ва тараққиётига ҳам жиддий дахл қилади. Шу боис, минтақа давлатлари ўртасида юмшоқ куч бўлган халқ дипломатияси воситасида алоқаларни мустаҳкамлаш, бугун ва келгусида умумминтақа хавфсизлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади. Шу боис, минтақавий масалаларни сиёсий ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда иқтисодий ҳисоб-китоблар орқали ҳал этиш замонавий халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё учун муҳимдир⁹⁹.

Бугунги кунда турли минтақаларда кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларда Марказий Осиё давлатларининг аҳамияти ва иштироки бўйича халқаро экспертларнинг баҳолари минтақамизнинг сиёсий жараёнларни ҳал этишдаги ролини ўрганиш тобора кучайиб бормоқда. Баъзи таҳлилчилар, Марказий Осиё давлатлари демократиянинг ғарбча андозасини эмас, Осиёча йўлини танлагани маъқул. Бунда демократиянинг асосий принципларини инкор этмаган ҳолда Шарқ халқлари анъаналарига

⁹⁹ Комилов А. Марказий Осиёда ҳамкорлик ва интеграция // «Брукингс» сиёсий-таҳлилий институти. – Вашингтон. 2003.

мувофиқ баъзи ўзига хосликларни ҳам ҳисобга олиш зарур¹⁰⁰ деган қарашларни билдиришган.

Марказий Осиё минтақаси



Марказий Осиё ҳудуди 6 млн кв.км, аҳолиси 75 миллионни ташкил этувчи стратегик минтақа бўлиб, Евроосиёнинг марказида жойлашган замонавий халқаро муносабатларда стратегик жиҳатдан муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, муҳим аҳамиятларидан яна бири Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиё ҳамда Африкани боғловчи геостратегик кўприк ҳисобланади¹⁰¹.

Тарихий ва геосиёсий нуқтаи-назардан минтақани юнон ва римликлар «Трансоксиана», яъни Оксус (Амударё) ортидаги ер деб, хитойликлар «ғарбий ўлка», араблар «Мовароуннахр», форслар «Турон», «Туркистон», айрим тадқиқотчилар эса «Ички Осиё» деб

¹⁰⁰ Joseph Nye. Soft Power and Leadership. Compass: A journal of Leadership, spring. 2005. P. 40.

¹⁰¹ Glenn E. Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan: Country studies. Library of Congress, Federal Research Division. 2020.

аташган¹⁰². Ғарб олимлари эса Марказий Осиё деганда Муғулистон, Жанубий Сибир, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Шимолий Афғонистон, Шимоли-Шарқий Эрон, Шарқий Туркистон, Тибет ҳудуди киришини қайд этади¹⁰³.

Бундан 30 йил аввал, Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигини қўлга киритиб, сиёсий жараёнларнинг янги ривожланиш босқичига қадам қўйди. Мустақилликни қўлга киритиш ҳар бир давлат учун улкан сиёсий ютуқ бўлса, уни сақлаш ва ўз халқининг фаровонлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш долзарб ва стратегик масала саналади. Минтақага 1991 йилда Ўрта Осиё тушунчаси сифатида ёндашилиб, 1993 йил Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида Марказий Осиё тушунчаси ва умумий номи қабул қилинди¹⁰⁴.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айти пайтда тобора аҳамияти ошиб бораётган Марказий Осиёда қудратли давлатларнинг манфаатлари кесишаётганлиги, бошқа томондан эса, халқаро беқарорлик ва қарама-қаршиликлар, яқин ва узоқда минтақаларда рўй бераётган сиёсий жараёнларнинг минтақамиз давлатларига ҳам у ёки бу жиҳатдан таъсири сезилмоқда.

Минтақада маҳаллий халқлар: ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва уйғурлар, қорақалпоқлардан ташқари 150дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилиб, бу кўпмиллатли Марказий Осиёнинг келажаги учун стратегик аҳамият касб этади. Марказий Осиё давлатларини айнан халқ дипломатияси асосида яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари умумминтақа барқарорлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлашнинг


¹⁰² Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т. 2005. 10.

¹⁰³ Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ. 2005. С.17.

¹⁰⁴ Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Тошкент. 2018., Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. – Т., «Шарқ» 2002. С.9

кафолати дейиш мумкин. К.Дойч таърифига кўра, минтақавий интеграция бу давлатлараро тинчликни таъминлаши мумкин бўлган реал имкониятдир¹⁰⁵.

Марказий Осиё минтақасида халқ дипломатияси илдизи асосан қадимий Буюк Ипак йўлига бориб тақалади. Мазкур 12 минг кмлик қадимий йўл III-II мингйилликда вужудга келган бўлиб, у нафақат савдо йўли, балки шарқ ва ғарб ўртасида турли халқларнинг савдо, маданий алоқаларни ривожланишига, тинчликни барқарор сақлаб туришда ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилган. Ипак йўли турли халқлар ўртасида маънавий, маданий ва халқаро алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан чекланиб қолмасдан, асрлар давомида турли халқларнинг ўзаро яқинлашувида, ғоя ва билимлар алмашинуви, турли тиллар ва маданиятларнинг бир-бирини бойитишига ҳам хизмат қилган. Ипак йўлининг яна бир аҳамияти шундаки, у жаҳон халқларини, хусусан, Узоқ, Ўрта, Яқин Шарқ ва Европада яшаган халқларни ўзаро бир-бирини боғлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилган¹⁰⁶.



¹⁰⁵ Jacob P., Toscano J. Integration of Political Communities. NY, 2005. P. 45

¹⁰⁶ Ртвеладзе Э. Великий шелковый пут, – Т., 1998. С. 40., Кобзева П, Закирова М. Развитие шелкового пути в XXI веке и его роль в народной дипломатии. – Т.: “ЎЗМУ”, 2017.

Шу жиҳатлардан Буюк Ипак йўлининг жаҳон цивилизациялар тарихидаги ўзига хос стратегик аҳамияти бўлиб, БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан «Буюк Ипак йўли – мулоқат йўли» халқаро дастури қабул қилинди¹⁰⁷.

Марказий Осиё давлатларининг халқ дипломатияси хусусиятлари асосан минтақанинг туб халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларга кўпроқ боғлиқ ва бу ҳаётий муҳим аҳамиятга ҳам эга. Замонавий Марказий Осиё аҳолиси тез ўсиб бораётган минтақа бўлиб, табиий ўсиш МДХга аъзо давлатлар ичида жуда юқори, айниқса бу ҳолат Ўзбекистон ва Тожикистонда яққол кузатилади¹⁰⁸.

Бугунги Марказий Осиё давлатлари тараққиётини кафолатловчи асосий омиллардан бири бу минтақавий интеграция ва барқарор ривожланиш бўлиб, минтақа халқларининг тарихий бирлиги, маданий ва этник яқинлиги, миллатлараро бағрикенглик умумминтақа интеграцияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тарихга назар солсак, Марказий Осиёда бир қатор муаммоларнинг келиб чиқиш илдизи тарихий ва сиёсий жараёнларга бориб тақалади. Бунга минтақадаги халқларни этниклаштириш, яъни минтақанинг баъзи давлатларида тили ва маданияти алоҳида бўлган камсонли халқларни тарқоқлаштиришга қаратилган ёндашув¹⁰⁹ ни кўриш мумкин. 1924 йилда Кремл хариташунослари режаси бўйича Марказий Осиё давлатларида миллий чегаралаш бўйича маълум стратегик мақсадлардан келиб чиқиб, амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1929 йилда Тожикистон Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқарилиши, 1930 йилда Қорақалпоғистон Қozoғистондан ажратиб олиниб, Ўзбекистон таркибига ўтказилганлиги¹¹⁰ ва қатор ҳудудлар ўзаро анклав, эсклав кўринишида бўлиниши, доимий

¹⁰⁷ Сейтимбетов М. Буюк ипак йўли ва жаҳон цивилизацияси. – Нукус. 2008. 46-б.

¹⁰⁸ Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси. – Тошкент. 2018. 6-б.

¹⁰⁹ Назаров Р. Этническая политика постсоветского Узбекистана: основные параметры и этапы. – Т. 2006. 4-б. <http://www.ia-centr.ru/expert/535/>

¹¹⁰ Все страны мира. – М.: 2015. С.234.

муаммоларга замин яратади ва бу миллий этник номувофиқ тақсимланиш мустақилликдан сўнг минтақа давлатлари ўртасида қатор низолар келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу эса ўз-ўзидан йирик давлатларга хусусан йирик давлатларга боғлиқликни келтириб чиқаради. Минтақа давлатлари ўртасида халқ дипломатияси воситасида алоқаларни қуйидаги таҳлилларда илмий нуқтаи-назардан кўриб чиқиш мумкин.



ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Марказий

Осиёнинг шимолий ғарбида жойлашган, майдони 2,7 млн.кв.км, аҳолиси 18.8 млн киши (2020й.) бўлган давлат бўлиб, минтақа давлатлари орасида майдони бўйича 1-ўринда

ва аҳолисининг умумий сони бўйича 2-ўринда туради. Қозоғистон кўпмиллатли давлат бўлиб, 120 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатда қозоқлар – 70 фоиз, руслар – 18 фоиз, ўзбеклар – 4.2 фоиз, уйғурлар – 1.5 фоиз, ва бошқалар 5.8 фоизни ташкил этади¹¹¹.

¹¹¹ Национальный состав населения Республики Казахстан (Том 1) 2020. Абжапарова Л., Сарсембаева А. Народная дипломатия как фактор международных отношений: исторический опыт Казахстана. – Астана. 2013. №11. С.15.

Қозоғистон халқ дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, мамлакатда 2007 йилдан Қозоғистон Халқ Ассамблеяси Кенгаши (дастлаб 1995 йил 1 мартда қайта ташкил этилган Қозоғистон халқлари Ассамблеяси) томонидан амалга оширилади¹¹². Мазкур Кенгаш Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Маслаҳат органи бўлиб, унинг вазифаси давлат миллий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ёрдам беришдан иборат. Қозоғистон Президенти Қозоғистон халқ Ассамблеясини доимий бошқариш ҳуқуқига эга.

Мамлакатда хориждаги ватандошлар билан алоқаларни эса 1992 йил сентябрда Олмаота шаҳрида ташкил этилган Бутунжаҳон қозоқлар ассоциацияси амалга оширади. У халқаро нодавлат ташкилот сифатида маданий-маънавий ривожланиш, таълим ва бизнес масалалар бўйича хорижий ватандошлар билан мулоқотни мустаҳкамлаб ривожлантириб келади. Қозоғистон Президенти мазкур ассоциация президиуми раиси ҳам ҳисобланади. Хорижий давлатларда қозоқ диаспора вакиллари 10 млндан зиёдни ташкил этиб¹¹³, улар асосан Россия, Ўзбекистон, Хитой, Монголия, АҚШ каби давлатларда истиқомат қилади.

Қозоғистон халқ дипломатияси муаммолари сифатида баъзи ҳудудларда миллатчилик кайфиятининг юқорилиги, радикализм, чегара, сув муаммоларини санаш мумкин. Бунга 2011 йилда мамлакатда қозоқ ва тожик миллатлари ўртасида содир бўлган миллатлараро низо ва тўқнашувларни кўриш мумкин.

Шунингдек, Қозоғистонда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик омили кучли. Масалан, Қизил-ўрдада қозоқлар кўпчилиқни ташкил этиб, уруғ-аймоқчилик энг юқори даражада, Жанубий Қозоғистонда ўзбеклар сезиларли миқдорни ташкил қилиб, ўзбеклар ва қозоқлар ўртасида айрим низолар ҳам кўзга ташланади, Шимолий Қозоғистонда славянлар кўпчилиқни ташкил қилиб,

¹¹² Народная дипломатия как фактор международных отношений: исторический опыт Казахстана. – Астана. 2018.

¹¹³ Қозоғистон ташқи ишлар вазирлиги. <http://mfa.kz/ru>

русларнинг мавқеи баланд. Бу каби омиллар минтақанинг бошқа давлатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ташқи кучларнинг аралашувига замин яратади.

Истиқболлари сифатида халқ дипломатиясини амалга оширувчи ташкилотлар, дўстлик жамиятлари очилиши ва улар фаолиятларининг кенгаяётганлиги ҳамда геостратегик улкан имкониятларга эгалигини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, Қозоғистон халқ дипломатияси хусусияти миллий ўзликни англаш ва миллий масалаларда давлат, нодавлат уюшмалар ва ташкилотларда давлат назорати ўрнатилганлиги, тузилмаларнинг юқори бошқаруви давлат томонидан раҳбарлик қилиш орқали мувофиқлаштириб борилишида намоён бўлади. Халқ дипломатияси бўйича минтақанинг қардош халқлари ўртасида ҳамкорликнинг кенгаяётганлиги айни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, пандемия даврида Қозоғистон томонидан Тожикистонга ёрдам сифатида 100 минг тиббиёт аппарати етказиб берилиши, Туркманистон билан аэрокосмик ва ҳарбий техник саноатни ривожлантиришда ҳамкорлик ¹¹⁴, Ўзбекистон томонидан Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида улкан масжид куриб берилиши, ҳамда Қирғизистон билан ўсиб бораётган алоқаларда ҳам намоён бўлади.

Халқ дипломатиясининг энг ёрқин намунаси бу халқларни яқинлаштирувчи, уларни бир маконга айланишига бирдек хизмат қилувчи илм-фан, маданият, санъат намоёндалари хусусан, алломалар Фаробий, Абай каби тарихий шахслар мероси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Халқаро Болашак дастури, ва қатор ташкилотлар ҳам халқ дипломатияси фаолиятини амалга ошириб келади.

Ҳозирда Қозоғистон ташқи сиёсатида қуйидаги икки катта йўналиш асосий устуворлик касб этади: Россия, АҚШ, Хитой, Европа давлатлари билан ҳар томонлама алоқаларни

¹¹⁴ Қазақстан и Туркменистан: как развиваются отношения соседе. <https://tengrinews.kz/sng>

ривожлантириш ҳамда минтақа давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашдир¹¹⁵.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Марказий Осиёнинг марказида жойлашган, майдони 448,9 минг кв.км, аҳолиси 35.3 млн киши (2021 й.), минтақада майдони бўйича 3-ўринда ва аҳоли сони бўйича 1-ўринда туради¹¹⁶. Ўзбекистон кўпмиллатли давлат бўлиб, 136 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатда ўзбеклар – 85 фоиз, тожиклар – 5 фоиз, қozoқлар – 2.5 фоиз, қорақалпоқлар – 2.2 фоиз, руслар – 2.0 фоиз ва бошқалар 4.1 фоизни ташкил этади¹¹⁷.

А. Асқаровга кўра, юртимизда халқ дипломатиясининг тараққиёт босқичлари азалдан мавжуд бўлган ва ушбу фаолият

¹¹⁵ Сирожов О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. – Т: 2018. 101-б.

¹¹⁶ Министерство иностранных дел Республики Узбекистан. (Онлайн-библиотека) 2020.

¹¹⁷ Uzbekistan – the world factbook. www.cia.gov. Retrieved 8 May. 2021.

халқлар ўртасида алоқаларни ривожлантиришда муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаат келтириб келган¹¹⁸.

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистонда халқ дипломатиясини асосан 1992 йил январда ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази ҳамда 1997 йил май ойида ташкил этилган Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши амалга ошириб келган. Мазкур нодавлат ташкилотлар 2017 йилдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси сифатида миллий масалада ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатни амалга оширишга ихтисослашган ягона бир тузилма ўлароқ ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ дипломатияси муаммоларига радикализм, этник, чегара, анклав ҳудудлар, сув, экологик масалаларни киритиш мумкин. Мисол учун, мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғона водийси ва Боткентда ўзбек, қирғиз, тожик халқлари ўртасида миллатлараро низолар шулар жумласидан. Истиқболлари сифатида очиқ дўстона алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги, нодавлат ташкилотлар, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг очилиши, уларга давлат томонидан миллий маданиятларни ривожлантириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш тизими яратилганлигини келтириш жоиз. Бу ҳам ўзбек халқ дипломатиясининг ўзига хос хусусиятларидан саналади.

Дарҳақиқат, хорижий давлатларда ўзбек диаспора вакиллари 20 млндан ортиқни ташкил этиб, улар асосан қўшни давлатлар билан бирга, Россия, Туркия, Саудия Арабистони, АҚШ, Хитой, Монголия, Ж.Корея, Европа Иттифоқи давлатларида истиқомат қилишади.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида халқ дипломатиясига эътиборнинг ошиши Ўзбекистон халқ дипломатиясини ривожлантиришда ҳаётий муҳим ўрин тутди.

¹¹⁸ Асқаров А. Халқ дипломатияси: тарих, бугун ва келажак. “Янги ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 14 октябрь, 196-сон.

Чунки минтақанинг барча давлатларида ўзбек диаспора вакиллари маҳаллий аҳолидан кейин иккинчи катта миллат саналади. Яъни кўшни давлатларда Тожикистон аҳолисининг 24 фоизини, Қирғизистонда 14 фоизни, Туркменистонда 9.0 фоизни, Қозоғистонда 2.5 фоизни ўзбек диаспора вакиллари ташкил этади ҳамда минтақа аҳолисининг 45 фоизи Ўзбекистонда истиқомат қилади¹¹⁹.

Ўзбекистон халқ дипломатиясида ҳам миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва уруғ-аймоғчилик билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланади. Аммо бу соҳада амалга оширилган янги ислохотлар содир бўлиши мумкин бўлган миллатлараро беқарорликларни олдини олди¹²⁰. Ўзбекистоннинг мазкур тажрибаси минтақанинг бошқа давлатлари учун амалий намуна бўлиши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, юртимизда халқ дипломатия асосан жамоат, оммавий, фуқаро, маданий дипломатияси кўринишида расман давлат раҳбарлигида амалга оширилади ва халқ дипломатиясини бевосита амалга оширувчи нодавлат ташкилотлар миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари, касаба уюшмалари, ёшлар иттифоқи ўз раислари орқали фаолиятини давлат сиёсати билан бирга ҳамоҳанг олиб боради.

Халқ дипломатиясининг энг ёрқин намунаси бу халқларни яқинлаштирувчи, уларни бир мақсад ва маконга айланишига бирдек хизмат қилувчи илм-фан, маданият, санъат намоёндалари хусусан, Бухорий, Ибн Сино, Хоразмий, Замаҳшарий, Фарғоний, Амир Темур, Бобур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби тарихий арбоблар мерослари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, ва қатор ташкилотлар ҳам халқ дипломатияси фаолиятини амалга ошириб келади.

¹¹⁹ Gulina O. Diaspora engagement mapping UZBEKISTAN. 2020. P. 14.

¹²⁰ Сирожов О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. – Т: 2018. 75-б.

Шу билан бирга, халқ дипломатияси кўринишида халқлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати ва тадбиркорлари томонидан қўшни давлатлар хусусан, Қирғизистон жанубида умумтаълим мактаби ҳамда Баткен вилоятида шифохона қуриб берилиши, Тожикистоннинг Суғд вилоятида 630 ўринли мактаб¹²¹ ва Хатлон вилоятининг Кубодиён шаҳрида замонавий Тиббиёт комплекси қуриб топшириши, афғонистонликларни Сурхондарё вилоятида касбга ўқитиш мақсадида олий таълим олишлари учун грант ажратилаётганлиги, пандемия даврида қўшни республикаларга 3 минг тонна гуманитар ёрдам сифатида дон, тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуналар юборилиши, Қирғизистондаги қирғиз халқига ўзбек шифокорлари кўмак кўрсатиши ҳам ўзбек халқ дипломатияси фаолиятини намоён этади.

Марказий Осиё минтақаси янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида энг устувор минтақа саналади.

Ўзбекистоннинг географик ҳолати ва жойлашув ўрни энг яқин денгиз портларига чиқиш учун ноқулайлик туғдирса-да, аммо минтақа ва минтақага яқин давлатларни ҳар томондан боғлаб турувчи асосий коридор, марказий давлат ҳисобланиши билан муҳим аҳамиятга эга бўлиб етакчи давлатлар диққат марказида турибди.

¹²¹ Таджикистан подарил Узбекистану школу и получил в ответ больницу (статья). 2020. <https://tass.ru/mezhdunarodnaya>



ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

минтақанинг жануби-шарқида жойлашган, шимол ва ғарбда Ўзбекистон, шимол ва шимоли-шарқда Қирғизистон, шарқда Хитой, жанубда Афғонистон билан чегарадош бўлиб, майдони 143,1 минг кв.км, аҳолиси 10 млн киши (2022й.)ни ташкил этади. Минтақа давлатлари орасида майдони бўйича 5-ўрин, аҳолиси бўйича 3-ўринда туради. Тожикистон кўпмиллатли давлат бўлиб, мамлакатда 55 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Давлатда тожиклар – 84,3 фоиз, ўзбеклар – 13,0 фоиз, қирғизлар – 0,8 фоиз, руслар – 0,5 фоиз ва бошқалар – 2,2 фоиз ташкил этади¹²².

Тожикистон халқ дипломатияси асосан Ўзбекистондаги сингари давлат тасарруфидаги тузилма, яъни Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Диний ишлар, миллий анъаналар, тантаналар ва маросимларни тартибга солиш қўмитаси томонидан амалга оширилади. Хорижий давлатларда тожик диаспора вакиллари 15 млнни ташкил этиб, улар Ўзбекистон,

¹²² Министерство иностранных дел Республики Таджикистан. <https://www.mfa.tj/ru/>. Central Asia: TAJIKISTAN. The World factbook. 2022.

Афғонистон, Россия, Хитой каби давлатларда истиқомат қилишади¹²³.

Мамлакатда халқ дипломатияси муаммолари сифатида радикализм, миллий этник низолар, чегара ҳудудлар, ташқи қарз, трансчегаравий дарёлардаги муаммолар, айрим олимларнинг қўшни давлат ҳудуди ва халқини Тожикистон мулки деган чиқишлари кабилар халқлар ўртасида беқарорликни келтириб чиқаради.

Шунингдек, Тожикистонда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари ҳозир ҳам кучли бўлиб, буни бир қанча қисмларга ажратиш мумкин. Жумладан, Шимолий Тожикистон, янги Хўжанд атрофдаги аҳоли учун идеал марказий ҳокимият ҳисобланади. Помир ҳудуди ва помирликларда Қўрғонтепа, Дарвоз ва Кўлобликларнинг мавқеи баланд. Бу ерда ҳокимият структурасидаги кишилар маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликка кўпроқ эътибор берадилар. Ҳисор Тожикистоннинг қадимий маркази ҳисобланади, Вахш водийсидаги аҳолининг катта қисми собиқ Иттифоқ даврида мажбуран кўчириб келтирилган. Қўрғонтепа ҳудуди мураккаб можароли ҳудуд ҳисобланади. Республиканинг ана шундай маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик ҳудудларига бўлиниши 1992-1997 йиллардаги биродаркушлик фуқаролар урушининг содир бўлишига олиб келди¹²⁴.

Истиқболлари сифатида эса миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятларининг кенгаяётганлиги, ўзаро дўстона алоқаларда келишувга келиш, сўнгги йиллардаги барқарор бошқарув кабиларни кўриш мумкин. Шу билан бирга, Тожикистон ҳукумати ва тадбиркорлари томонидан Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти Ургут туманида 640 ўринли умумтаълим мактаби куриб берилиши, Фарғона вилоятининг Риштон туманида 200 ўринли мактабгача таълим муассасаси куриб берилиши, сувдан тенг

¹²³ Тожикистон ташқи ишлар вазирлиги. 2020. www.mfa.tj/main/view/5437

¹²⁴ Сирожов О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. – Т: 2018. 75-б. Газиева М. С. Роль дружбы народов в Таджикистане // Фундаментальные исследования. 2015. № 2. С. 87

фойдаланиш, чегара масалаларида келишувга эришилаётганликни ижобий ўзгаришлар сифатида кўриш мумкин¹²⁵.

Халқ дипломатиясининг энг ёрқин намунаси бу халқларни яқинлаштирувчи, уларни бир мақсад ва маконга бирлаштиришга хизмат қилувчи илм-фан, маданият, санъат намоёндалари хусусан, олим алломалар Рўдакий, Садриддин Айний каби тарихий арбоблар мерослари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тожикистон ташқи сиёсатда Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда Россия, Хитой, Эрон, АҚШ, Европа Иттифоқи билан алоқаларни мустаҳкамлаш устуворлик касб этади.

Бу борада агар Тожикистон умумминтақа манфаатларини инобатга олмаслиги, минтақанинг бошқа давлатлари ривожлантиришга таъсир қилади.

Тожикистон ички ва ташқи таҳдидларлардан ҳимояланишда, иқтисодий, гуманитар ва ҳарбий соҳаларда Россияга суянади. Бу минтақа манфаатларига бирмунча таъсир ҳам кўрсатади. Чунки бу минтақада Россия мавқеини оширади ва у билан тенг ҳамкорлик қилишга ўз таъсирини кўрсатади. Бу ўз навбатида минтақа учун ҳам келгусидаги эҳтимолий таҳдидлардан саналади¹²⁶.

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти <https://president.uz/ru/lists/view/4414>

¹²⁶ Саидов З. Основные тенденции внешней политики Республики Таджикистан на рубеже столетий. Авесто, 2009. С. 83.



ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИ минтақанинг шарқида жойлашган бўлиб, у шимол ва шимоли-ғарбдан Қозоғистон, ғарб ва жанубий-ғарбдан Ўзбекистон, жанубдан Тожикистон, шарқдан Хитой билан чегарадош. Майдони 199.9 минг кв.км, аҳолиси 6.7 млн киши (2021й). Марказий Осиёда майдони жиҳатдан 4-ўринда, аҳоли сони бўйича 5-ўринда туради. Қирғизистон минтақадаги кўпмиллатли давлатлардан бири бўлиб, мамлакатда 100 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Давлатнинг этник таркибини қирғизлар – 74 фоиз, ўзбеклар – 15 фоиз, руслар – 5 фоиз, дунганлар – 1.1 фоиз, тожиклар – 1.0, уйғурлар 1.0 фоиз, бошқа миллатлар – 3 фоизни ташкил этади ¹²⁷.

Қирғизистон халқ дипломатияси кўшни Қозоғистон сингари шакллантирилган бўлиб, 1994 йилда ташкил этилган Қирғизистон Халқ Ассамблеяси кенгаши томонидан амалга оширилади. Ассамблея давлатдаги турли этник қатламнинг этник-маданий уюшмаларни бирлаштирган тузилма саналиб, асосий мақсади миллатлараро тинчлик, бирдамлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан иборат. Мазкур ассамблея Қирғизистон

¹²⁷ Lom, Story of Kyrgyzstan. Frontline. Educational Foundation. 2021. Bureau of Statistics of Kyrgystan. 2021. www.stat.kg.

Президенти ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва миллий сиёсат масалалари бўйича маслаҳат кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиб борилади. Хорижий давлатларда қирғиз диаспора вакиллари 1 млнга яқинни ташкил этиб, улар Россия, Ўзбекистон, Афғонистон, Хитой, Қозоғистон, Монголия каби давлатларда истиқомат қилади¹²⁸.

Қирғизистон халқ дипломатияси муаммолари сифатида миллий радикализмнинг мавжудлиги, давлатнинг баъзи ҳудудларида миллатчилик кайфиятининг юқори даражада эканлиги, миллатлараро этник низоларнинг кескинлиги, хусусан, 2010 йил Ўш ва Жалолободда қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги зиддиятлар халқ дипломатияси ривожига салбий таъсир кўрсатади. Бошқа томондан эса чегара, ташқи қарз, тартибсиз демократия, анклав, эксклав ҳудудлар масалалари ҳам шулар жумласидан бўлиб, бу муаммолар ташқи акторларнинг давлат орқали минтақа ички ишларига аралашуви учун замин ҳам яратади.

Шунингдек, Қирғизистонда маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик кучли бўлиб, республика икки катта қисмга Шимолий ва Жанубийга бўлинади¹²⁹. Бу мамлакатдаги ўзбек ва қирғизлар, славян ва ўзбеклар, қирғиз ва славян миллатлари ўртасида муносабатларда ҳам яққол сезилади. Масалан, 1990 йил июнда Ўш шаҳрида ер масаласида ўзбек ва қирғизлар ўртасида бўлиб ўтган қонли тўқнашувларнинг юз бериши, келгусида қардош халқлар ўртасида муаммолар деворини тиклаши, минтақада халқ дипломатиясини ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу айтилган пайтда қирғиз-тожик халқлари ўртасида сув, ҳудуд муаммолари кўринишида ҳам намоён бўлмоқда.

Халқ дипломатиясининг энг ёрқин намунаси бу халқларни яқинлаштирувчи, уларни бир мақсадга бирлаштирувчи илм-фан,

¹²⁸ United Nations special rapporteur on minority issues <https://www.ohchr.org/SP>

¹²⁹ Сирожов О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. – Т: 2018. 104-б.

маданият, санъат намоёндалари хусусан, Манас, Чингиз Айтматов каби тарихий арбоблар муҳим аҳамият касб этади.

Қирғизистон халқ дипломатияси хусусияти асосан Қозоғистондаги халқ дипломатияси сингари амалга оширилади, аммо фарқли жиҳати нодавлат, ноҳукумат ташкилотларнинг мамлакат сиёсий жараёнларда тўсиқларсиз, жуда эркин ва фаол иштирок этишида намоён бўлади. Қирғизистон ва Тожикистоннинг энг муаммоли чегара масаласи, ўзаро халқ дипломатияни кенгайтиришга тўсиқ бўлмоқда.

Шу билан бирга, Қирғизистон ўз ташқи сиёсатида минтақа манфаатларини инобатга олмай сиёсат юритиши, ўз ҳудудида ҳарбий базаларни жойлаштириши умумминтақавий манфаатларга зид келади. Чунки ҳарбий базалар минтақа хавфсизлигига таҳдид солиб, ҳудуднинг ҳарбий полигонга айланишига олиб келади. Яна бир асосий муаммо, давлат ўзини “демократия ороли” деб эътироф этиши, турли ноҳукумат ташкилотларини эркин фаолияти, Қирғизистон халқ дипломатиясининг ўзига хос жиҳатларидан саналади.

2020 йилда янги ҳукумат томонидан қўшни давлатлар билан қатор масалалар ечилиб бошланганлиги, халқлар ўртасида алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим қадамлардан бўлди. Ўзбекистон билан чегара масаласининг 85 фоизи, Тожикистон билан сувдан фойдаланиш ва ер масаласининг ҳал этилиши халқлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ва минтақавий интеграцияни кучайтиришда муҳим қадамлардан ҳисобланади.



ТУРКМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

минтақанинг жануби, жануби-ғарбида жойлашган. Давлат шимоли шарқдан Ўзбекистон, шимолдан Қозоғистон, жанубдан Эрон ва Афғонистон, ғарбдан Каспий денгизи билан чегарадошдир. Туркманистон худуди 490,2 минг кв. км, аҳолиси 5.7 млн киши (2022й.)ни ташкил этади. Минтақада майдони бўйича 2-ўринда, аҳолиси бўйича 4-ўринда туради. Туркманистон ҳам кўпмиллатли давлат бўлиб, 100 дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Давлатда туркманлар – 86 фоизни, ўзбеклар – 6 фоизни, руслар – 5 фоизни, бошқа миллатлар – 3 фоизни ташкил этади ¹³⁰.

Туркманистон халқ дипломатиясини 1991 йил 24 октябрда ташкил этилган Дунё Туркманлар гуманитар ассоциацияси амалга оширади. Ассоциация ўз навбатида халқаро гуманитар жамоат ташкилоти саналиб, Туркманистон Президенти томонидан бошқарилади. Хорижийда туркман диаспора вакиллари 2 млндан (2020й.) ортиқни ташкил этиб, улар Ўзбекистон, Қозоғистон,

¹³⁰ Central Asia: TURKMENISTAN. The World factbook. 2021, Национальные меньшинства в Туркменистане: образование, культура, социальная сфера, Вена. 2018. С.24.

Туркия, Ироқ ва Россия, АҚШ каби давлатларда истиқомат қилади¹³¹.

Туркманистонда уруғ-аймоғчилик билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Туркманистонда халқ дипломатияси муаммолари сирасига баъзи ҳудудларида миллатчилик даражасининг юқорилиги, чегара ҳамда миллий этник низолар, халқ дипломатиясини амалга оширувчи ташкилотлар, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятларининг сустлигини кўриш мумкин. Республика вилоятларида фаолият юритган барча хорижий тилдаги мактаб ва нашриётлар ёпилган. Ёки турли расмий тадқиқотлар, масалан, Тарих институтининг изланишларида қадимда туркманлар томонидан Осиё ва Европанинг катта қисми босиб олинганлиги ва 60 дан ортиқ давлат туркманлар томонидан ташкил этилиб, бошқарилганлиги каби ёндашувлар кўзга ташланади. Бунга ўхшаш ҳолат Тожикистонда ҳам намоён бўлади. Бундай муносабат минтақадаги қардош халқлар ўртасида дўстона алоқаларга ва халқ дипломатияси ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Туркманистонда туркманлар бошқа миллатларга нисбатан устун қўйилганлик ўзига хос салбий хусусиятлардан саналади¹³². Қолаверса, бу умумминтақа манфаатларига ҳам мос келмайди. Шунингдек, Туркманистон 1995 йилдан бошлаб ўзини расман бетараф давлат деб эълон қилиши, минтақадаги қўшнилар билан муносабатларда ёпиқ сиёсати туркман ва минтақа халқлари ўртасида халқ дипломатияси ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Минтақадан кўра кўпроқ Эрон, Афғонистон билан муносабатларни яхшилашга интилиши, қардош халқлар ўртасидаги алоқаларга ва халқ дипломатияси ривожига жиддий таъсир қилди.

Истиқболлари сифатида эса геостратегик қулай имкониятлари, ҳамкорлик учун очилиб бораётганлигида кўриш мумкин. Минтақада алоқаларнинг яхшиланиши ортидан, халқ дипломатияси

¹³¹ Центральной Азии вырастет более чем на миллион в 2020 году. www.cis.info/news/567

¹³² Сеидов С. В северном Туркменистане набирает обороты дискриминация узбеков. 2016. С.15.

воситасида 2018 йилда Тошкент шаҳрида “Ашхобод” парки, Махтумқули ҳиёбони кўчаси бунёд этилганлиги, 2019 йилда Ашхобод шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилиши, ўзбек-туркман халқлари ўртасида дўстлик рамзи сифатида “Тошкент” парки қурилиши¹³³, шу каби минтақанинг бошқа давлатлари Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон билан ҳам яқин дўстона алоқалари кенгаяётганлигини муҳим сиёсий воқеълик сифатида катта аҳамиятга эга. Бу қардош халқлар ўртасида ўзаро халқ дипломатиясини кенг соҳаларда жадал ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Халқ дипломатиясининг ёрқин намунаси бу халқларни яқинлаштирувчи, илм-фан, маданият, санъат намоёндалари хусусан, Махтумқули, Амангелди Гўнибек каби тарихий шахслар мероси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Туркменистонда қардош халқлар маданияти кунлари, кўргазмалар, концертлар, ижодий тадбирлар, фестиваллар ташкил этилмоқда. Ашхободда Захриддин Муҳаммад Бобурнинг шеърлари ва ҳаёт фаолиятига бағишланган юбилейи ўтказилиши, Амударё орқали Туркменистон – Фароб автомобил ва темир йўли очилиши ҳам кенг маънода халқлар ўртасида қардошликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий Осиёда халқ дипломатияси жараёнлари таҳлилидан кўриш мумкинки, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда халқ дипломатияси билан асосан давлат ташкилоти ва давлат тасарруфидаги ноҳукумат ташкилотлар (миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари) шуғулланса, Қирғизистонда эса давлат ва ННТлар тенг мавқега эга бўлиб¹³⁴, тартибсиз демократияни намоён этади. Туркменистоннинг мутлоқ бетарафлик сиёсати ва титул миллатни баланд қўйиш ёндашуви минтақада халқ дипломатияни

¹³³ Ўзбекистан–Туркменистан: добрососедские и братские отношения укрепляются. 2021. www.president.uz/ru

¹³⁴ Каленев С. Современное социально-политическое положение Туркменистана. Центральная Азия и Кавказ. 2012 №7 С.48.

ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи асосий омиллардан биридир дейиш мумкин.

Марказий Осиёдаги бугунги вазият шиддат билан ўзгараётган айни бир даврда, минтақанинг кўшни давлатлари, хусусан, Афғонистондаги вазият янги сиёсий жараёнларни кун тартибга олиб чиқмоқда. Марказий Осиёдаги барча давлатлар полиэтник давлатлар бўлиб, минтақада 150 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Бундан ташқари, бу миллатлар ва диаспоралар асосан чегара ҳудудларида истиқомат қилади. Жумладан, этник ўзбеклар асосан Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубида, Тожикистоннинг шимолида истиқомат қилишса, Ўзбекистондаги туркманларнинг 49 фоизи Қорақалпоғистонда, 17 фоизи Қашқадарёда, 15 фоизи Сурхондарёда, 6 фоизи Бухорода, 5 фоизи Хоразмда истиқомат қилади. Қозоқларнинг 38,6 фоизи Тошкент воҳасида, 38 фоизи Қорақалпоғистонда яшайди. Қирғизларнинг 73,5 фоизи Фарғона водийсида яшайди. Ўзбекистондаги тожикларнинг 56,2 фоизи Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош ҳудудларда яшайди¹³⁵. Бундай шароитда тинчликка асосланган халқ дипломатияси минтақавий интеграция учун муҳим аҳамият касб этади. Бошқа томондан эса йирик давлатларнинг минтақадаги сиёсий жараёнларга таъсирини олдини олишда халқ дипломатиясидан оқилона фойдаланиш зарур саналади.

Бугунги замонавий Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва табиий ҳомашё ресурсларининг улкан захирасига эгалиги туфайли жаҳон миқёсида кучли эътибор марказида ҳамда йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашаётган ҳудудга айланиб бормоқда. Айни пайтда, йирик давлатларнинг Марказий Осиё давлатларини ўз модели ва сиёсий йўлини белгилашига таъсир ўтказиши сабабли қатор муаммолар кўринишида халқ дипломатиясини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

¹³⁵ Glenn E. Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan: country studies. 2020.

Марказий Осиёда халқ дипломатияси таҳлили шуни кўрсатадики, минтақа ўзининг келиб чиқиши, дини, тили, маданияти бир эканлиги билан ЕИ ёки АСЕАН каби ягона интеграцион тузилма яратиш салоҳиятига эга. Бошқа томондан эса, минтақанинг муҳим геостратегик жойлашуви ва йирик акторлар Россия, Хитой, АҚШ, ЕИ ва бошқаларнинг манфаати ва интилиши ҳам баъзи қарама қаршиликларга сабаб бўлиши, ва минтақа давлатлари ўртасида алоқалар ривожига ўз таъсирини ўтказишини кўриш мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг турли манфаатлардан келиб чиққан кўп векторли сиёсат юритиши ҳам умумминтақа келажаги учун турли таҳдидларни келтириб чиқаради. Масалан, минтақада миллий этник масалаларни ортиши, сув, чегара, анклав, эксклав ҳудудлар масаласи каби мураккаб муаммолар кучайишини, давлатлар ўртасидаги ҳудудий даъволар, чегара масалалари ва миллатлараро зиддиятларни кескинлаштиради ва бу табиийки халқ дипломатияси ривожига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Масалан, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги Исфара, Боткен, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги айрим вилоятлар, Қозоғистон билан Россия ўртасидаги Семипалатинск кабилар бунга яққол мисолдир¹³⁶.

Академик Э.Ртвеладзе ва А.Сагдуллаевга кўра, ўтган асрнинг 90-йиллари ва ХХІ аср бошларида узок ўтмишни сунъий бойитиш, идеаллаштириш айрим халқларнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини афсоналаштириш анъаналари пайдо бўлди¹³⁷. Марказий Осиё давлатлари халқ дипломатиясининг ривожланишига салбий таъсир этадиган омиллардан яна бири бу тарихга сиёсий мафкуравий нуқтаи-назардан ёндашиш оқибатида бир халқни бошқасидан устун қўйиш ёки “энг қадимий”, “биринчи давлатчилик шаклланган” кабилар минтақамиз халқлари ўртасида

¹³⁶ Сирожов О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. – Т: 2018. 111-б.

¹³⁷ Ртвеладзе Э., Сагдуллаев А. Современные мифы о прошлом народов Центральной Азии – Т.: Ўзбекистон, 2006. С. 43.

низо солиш билан бирга, халқ дипломатияси ривожланишига жиддий тўсиқлардан саналади.

Марказий Осиё интеграцияга салбий таъсир ўтказадиган жиддий факторларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда юмшоқ куч сифатида халқ дипломатияси воситасида умумминтақа манфаатини ҳам инобатга олган ҳолда йирик давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш ҳам минтақа ҳам минтақа халқлари учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолият концепциясида «Марказий Осиё муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур»лиги¹³⁸ белгиланган бўлиб, бу айтилган пайтда жуда долзарб саналади.

Ҳиндистонлик олим Сенгуптага кўра, Марказий Осиё интеграцияси учун ушбу омил муҳим аҳамият касб этади. “Марказий Осиёда истиқомат қилаётган турли-туман этногеографик гуруҳлар, халқлар онгида муҳрланиб қолган тарихий хотира ва тақдир синовларининг муштараклиги;

Иккинчидан, асрлар давомида минтақага хос географик “ёпиқлик” минтақамиз халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликка салбий таъсир кўрсатади;

Учинчидан, замон ва маконда рўй берган айрим жараёнлар оқибатида вақтинча йироқлашишдан сўнг минтақа давлатлари орасида ўзаро ҳамкорликка бўлган интилиш кучайган”лигини¹³⁹ кўриш мумкин.

Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантиришда ва халқлар ўртасида алоқаларни кучайтириш бўйича қатор юмшоқ кучга асосланган ташаббуслар амалга оширилган ва бу айтилган пайтда давом этмоқда. Жумладан, 90 йилларда минтақа халқларини бирлаштириш учун илгари сурилган «Туркистон – умумий уйимиз»

¹³⁸ Жўраев Қ. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг мамлакатимиз теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишдаги аҳамияти. – Т. 2012. 23-б.

¹³⁹ Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: Akademiya, 2007. 216-б.

ғояси (аммо бу ғоя Россия ва Хитой каби йирик давлатларнинг стратегик мақсадларига мос келмаслиги сабабли тўхтаб қолди), «Оролни қутқариш халқаро фонди», БМТ Бош Ассамблеясининг 48–50-сессияларида Марказий Осиёдаги вазият ва Афғонистонда барқарорликни таъминлаш бўйича «6+2», «6+3» диалог гуруҳлари, «Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд» деб эътироф этилиши (2006 й.), шу билан бирга, 2017 йилдан минтақада янги давр бошланиши БМТнинг «Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси, Афғонистон бўйича тинчлик анжуманлари, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси, БМТнинг «Маърифат ва диний бағрикенглик» тўғрисидаги резолюцияси, Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари ва шу асосда чегара олди ҳокимлар ва тадбиркорлар мулоқоти кабилар муҳим ҳаётий долзарб бўлиб, булар минтақа ва халқаро аҳамиятга эгаллиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади¹⁴⁰.

Шу сабабли ҳам бугунги замонавий Марказий Осиё давлатлари ўртасида халқ дипломатиясини тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир. Чунки дунёда тобора кучаяётган миллий этник низолар, кўпмиллатли минтақамизга ҳам таъсир этмоқда. Минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги учун муаммо ва истикболларни олдиндан илмий ўрганиш, минтақамизда бугунги ва келгусидаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Сиёсатшунос З.Бжезинскийга кўра, Марказий Осиё миллий тузилиш жараёнида, уларда уруғдошлик ва этник тегишлилик билан боғлиқ кучли кайфият мавжуд, бош муаммо ички қарама-қаршиликдир¹⁴¹ деб таъкидлаган.

Шу ўринда минтақадаги сиёсий жараёнларни тадқиқ этган сиёсатшунос олимлардан бири Ф. Талипов Марказий Осиё

¹⁴⁰ Саидов С. Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик: Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўналиши сифатида. “Ишонч”. 2021. № 106

¹⁴¹ Бжезинский З. Великая Шахматная доска. – М. «Международное отношение» 2002. С.158

давлатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган қуйидаги ғояларни илгари суради. Жумладан, Марказий Осиё тикланиш ва тараққиёт банкини тузиш, БМТ раҳнамолигида Марказий Осиё тинчлик баталионини шакллантириш, беш давлат мудофаа вазирлари кенгашини, Марказий Осиё парламентини тузиш кабилар минтақанинг келгуси интеграцияси, халқлари ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун муҳим қадам ҳисобланади¹⁴² деб таъкидлайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги Марказий Осиё давлатлари ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги барча муносабатлари янги босқичга чиқди. Биргина 2020 йилда 23 та олий даражада ва 12 та юқори даражадаги ташрифлар ва турли тадбирлар ҳам буни кўрсатади. Бу жараёнда халқ дипломатияси амалда жуда фаол бўлиб, халқ вакиллари, олимлар маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар ва ёшлар, туризм ва спорт ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар иштирокида учрашув, анжуман ва тадбирлар ўтказилганлигини кўриш мумкин.

Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон муҳим ва стратегик мавқега эга давлат ҳисобланади. Хусусан, мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маънавий салоҳияти ҳамда демографик имкониятлари жиҳатидан минтақадаги бошқа давлатлардан ажралиб туради. Ўзбекистон минтақада миллатлараро муносабатларда барқарорликни таъминлашга қодир давлатдир.

Биринчидан, Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг 45 фоизи Ўзбекистонда истиқомат қилади.

Иккинчидан, қўшни давлатлардаги титул миллатдан кейин энг катта миллат ҳам ўзбеклар ва ўзбек диаспора вакиллари ташкил этади.

Учинчидан, Марказий Осиё марказида жойлашган Ўзбекистон стратегик коридорлик сифатида кўприк вазифасини бажариб,

¹⁴² Толипов Ф. Теория и практика региональной интеграции в центральной Азии. 2019. www.analitica.php.story

нафақат геосиёсий нуқтаи-назардан, балки маданий, геоиқтисодий ва геотарихий жиҳатдан ҳам минтақада марказий рол ўйнайди.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистон ташаббусларини қўшни давлатлар раҳбарлари қўллаб-қувватлаши, Марказий Осиёда сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустаҳкамланиб, давлат раҳбарларининг Маслаҳатлашув учрашувлари йўлга қўйилганлиги ҳам минтақада янги мулоқот ва интеграцияга кенг йўл очмоқда.



(Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви, 2019 й., Тошкент)

Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлик даражаси янги босқичга кўтарилганлигини 2020 йилдаги глобал пандемия шароитига қарамай, минтақа давлатлари коронавирус инфекцияси тарқалишининг дастлабки кунлариданоқ бир-бирларига ижтимоий ёрдам кўрсатиши, минтақавий ҳамкорликни кучайтиришда стратегик муҳим ўрин тутди¹⁴³. Жорий 2022 йилги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви июл ойида Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтиб, умумминтақа даражасида қатор вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги халқаро сиёсатда Марказий Осиё минтақасининг аҳамиятининг ошиб бораётгани йирик давлатлар томонидан

¹⁴³ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/pdfs/5841063>

минтақа билан кўп томонлама ҳамкорлик форматлари ташкил қилинаётганлигида ҳам намоён бўлади. Буларга жумладан, “Марказий Осиё – АҚШ «C5+1» формати, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё – Корея Республикаси”, “Марказий Осиё – Япония”, “Марказий Осиё – Франция”, “Марказий Осиё – Италия” каби мулоқот форматлари қаторига сўнгги йилларда “Марказий Осиё – Ҳиндистон”, “Марказий Осиё – Хитой” ва “Марказий Осиё – Россия Федерацияси”, Марказий Осиё ва Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши мулоқот платформаларини кўриш мумкин. Мазкур форматлар биринчидан, Марказий Осиёдаги ижобий ўзгаришлар ва янги муҳит етакчи давлатларнинг минтақага нисбатан эътиборини ошираётган бўлса, бошқа томондан эса, минтақа мамлакатлари билан нафақат икки томонлама ҳамкорлик, балки минтақа халқаро муносабатларда ягона субъект сифатида қаралаётганлигини ҳам кўрсатади.

Замонавий Марказий Осиё давлатларидаги шаклланган ягона сиёсий-дипломатик бирдамлик, ўзаро яхши қўшничилик ва умумминтақавий ҳамкорлик 2020 йил октябрда Қирғизистонда, 2022 йил январда Қозоғистонда, июлда Қорақалпоғистондаги воқеаларда бирдамлик яққол кузатилди¹⁴⁴.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё минтақасининг аҳамияти тобора ортиб бораётганлиги ва келгусида стратегик аҳамити янада кучайишини таъкидлаш мумкин. Чунки бу жараёнлар минтақага йирик давлатлар бу ҳудудда ўз таъсирини кучайтириш учун қатор стратегик лойиҳаларни амалга ошириб келаётганлигида ҳам намоён бўлади.

Марказий Осиё давлатларининг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, минтақанинг хорижий ҳамкор давлатлар билан ишларини йўлга қўйишга ҳамда улар билан алоқаларга боғлиқдир.

¹⁴⁴ Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 2020. <https://strategy.uz>

2. Марказий Осиё давлатлари ўртасида халқ дипломатиясини ривожлантиришнинг стратегик жиҳатлари

Бугунги Марказий Осиёдаги геосиёсий жараёнлар шу қадар шиддат билан ўзгармоқдаки, бу тезкор ўзгаришлар минтақа давлатлари хавфсизлиги, барқарорлигини таъминлаш, давлатлар ва халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш, тарихий дўстлик ва қардошлик алоқаларини ҳар томонлама кенг ривожлантиришга таъсир этмоқда. Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақаси бўлиб қолиши, инсоният тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин¹⁴⁵.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришда халқ дипломатиясини мустаҳкамлаб бориш стратегик муҳим вазифалардан саналади. Чунки минтақамиз кўпмиллатли бўлиб, минтақанинг ҳар бир давлатида бир миллат вакили бошқа давлат фуқароси, яъни ўзбекистонлик туркман, қозоғистонлик тожик, қирғизистонлик қozoқ, тожикистонлик ўзбек кабилар бўлса шунингдек, дунёда кечаётган миллий этник низоларнинг стратегик минтақалардаги таъсири тобора ортиб бораётганлиги ҳам минтақамиз давлатлари ва халқлари барқарорлиги ва хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда.

Марказий Осиё минтақасида халқ дипломатияни ривожлантириш, минтақамиз давлатлари ва қардош халқлар ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда долзарб аҳамият касб этади. Буни Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан бири ҳам дейиш мумкин. Профессор С.Жўраевга кўра, интеграция – давлатлараро даражада яқинлашиш, бирлашиш ёки уюшиш жараёнидир¹⁴⁶.

¹⁴⁵ Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т. Ўзбекистон, 1996. 7-б.

¹⁴⁶ Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик) – Т. «Akademiya» 2007. 45-б.

Бугунги кунда минтақамизнинг ҳар бир давлати учун халқлар ўртасида дўстона алоқаларни кучайтириш, миллий барқарорликни мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан саналади. Чунки З.Бжезинский таъкидлаганидек, Марказий Осиё минтақаси буюк давлатларнинг рақобатчилик марказига айланиб қолиш хавфи остида бўлиб, бунда бош геосиёсий мақсад Евросиёнинг марказий майдони устидан назорат ўрнатиш, геоиктисодий мақсад эса минтақанинг ресурс салоҳияти ҳамда транспорт алоқалари устидан назоратни амалга оширилишидан иборат¹⁴⁷. Албатта бу кўп жиҳатлардан Марказий Осиё давлатларининг ўз сиёсатини қайси йўналишда олиб боришига боғлиқ.

Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнлар таҳлили шунини кўрсатадики, минтақа халқларининг умумий ўтмиши, тили, маданияти ва дини халқларимизни яқинлаштишига имкон беради. 1997 йилда минтақавий интеграцияга асос бўлувчи сиёсий воқеалардан бири Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари ўртасида «Абадий дўстлик тўғрисида»ги шартномасининг имзоланиши ҳам минтақада халқ дипломатияни ривожлантиришга хизмат қилади.

Марказий Осиё бўйича АҚШлик сиёсатшунос олим Фредерик Старр «Катта Марказий Осиё ҳамкорлиги ва тараққиёти бўйича минтақавий форум» лойиҳасини илгари сурган бўлиб, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон баробарида Афғонистонни ҳам қамраб олувчи лойиҳасида Марказий Осиёда иқтисодий, сиёсий, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликка асосланган минтақавий структура яратиш ва унинг ёрдамида бу ерда жойлашган давлатларни Россия ва Хитой сингари катта давлатлар таъсиридан холос этиш, демократик сиёсий тизим ўрнатилишини қўллаб-қувватлаш¹⁴⁸ зарурлигини таъкидлаган.

¹⁴⁷ Бжезинский З. Великая Шахматная доска. – М. «Международное отношение» 2017. С.158

¹⁴⁸ Старр Ф. Марказий Осиё Республикалари ҳамкорлиги. Ташқи ишлар журналі. 2005. (электрон) <http://www.globalsecurity.org/news>

Дарҳақиқат, Марказий Осиё кучли иқтисодий потенциалга эга минтақа сифатида катта арзон ишчи кучи, табиий бойликларга ҳамда геостратегик жиҳатдан катта қулайликка эга, Шарқ билан Ғарбни боғловчи қадамий ва замонавий «Буюк Ипак йўли»да¹⁴⁹ жойлашганлиги, дунё заҳиралари чекланиб бораётган айти бир пайтда йирик давлатларнинг эътиборини тортмоқда. Шу каби катта имкониятларга эга Марказий Осиёда манфаатлар тўқнашуви, халқаро терроризм хавфи кучаяётганлиги, ташқи кучларнинг кириб келиши қатор янги таҳдидларни ҳам пайдо бўлишига сабаб бўлади. Айти бугунги кунда минтақа давлатлари келажак учун ҳамкорликни мустаҳкамлаши ҳаётий зарурат касб этади. Марказий Осиё давлатларининг миллий этник, демографик, минтақанинг ҳар бир давлати билан чегарадошлик, интеллектуал салоҳияти ҳамда минтақа хавфсизлигини таъминлаш жиҳатидан Ўзбекистон муҳим ўрин тутати.

Фредерик Старрга кўра, «Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон минтақада барқарорлашувчи куч ролига давогарлик қилиши мумкин». Чунки минтақанинг бошқа давлатлари кўшни етакчи давлатлар билан маълум жиҳатларда муаммолари мавжуд. Минтақа давлатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, Қозоғистоннинг Хитой билан этник, ҳудудий муаммолари мавжуд, Қирғизистонда айирмачилик кайфияти кучли ва давлат жанубида миллатлараро зиддиятлар сақланиб қолмоқда, Туркманистоннинг хавфсизлиги заиф, Тожикистон эса турли элат ва уруғ аймақларнинг кескин низо ва афғонлараро низоларга ҳам аралашиб қолганлиги намоён бўлади¹⁵⁰.

Минтақавий можаролар кўшни давлатлар ва халқларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши 2010 йилда Қирғизистон жанубидаги миллий этник фожида ҳам намоён бўлди. Уни тинч йўл билан ҳал

¹⁴⁹ Абдуллаев О., Нуруллаева Н. Ўзбекистон–Марказий Осиёда тинчлик таянчи. – Т. 2012. 5-сон. 28-б.

¹⁵⁰ Starr F.S. Making Euroasia Stability // Foreign Affairs 2015. Jan/N09/Vol.106.

этишдаги Ўзбекистон сиёсати нафақат минтақа учун балки дунё давлатлари учун ҳам намуна бўлди¹⁵¹.

Шунингдек, З.Бжезинский минтақалар ва давлатларни геосиёсий нуқтаи-назардан таҳлил қилиб икки гуруҳга бўлган. Улар геосиёсий марказлар ҳамда геостратегик ҳаракатланувчи кучлардир. Унга кўра Марказий Осиё минтақаси геосиёсий марказлар қаторига киради¹⁵².

Бундан ташқари, минтақамиз геосиёсий, геоиқтисодий ва геомаданий нуқтаи-назардан Хитой ва Россияга қўшни давлат сифатида уларнинг таркибидаги туркий халқлар билан қардошлиги ҳам мазкур йирик давлатларнинг таъсирини орттиради. Шу сабабли минтақага мазкур йирик давлатлар хусусан, Хитой ШХТ, “Бир камар, бир йўл”, Конфуций институтлари, дўстлик жамиятлари ва бизнес уйлари ва бошқа тузилмалар орқали йирик молиявий кўмак кўрсатиб, ҳар йил минтақадан 100 дан ортиқ талабаларга ўқишга квоталар ажратади¹⁵³. Россия эса минтақада ҳарбий-дипломатик ҳамкорлик, таълим, маданий алоқалар соҳасида Россотрудничество, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи орқали таъсирини сақлаб туришга интилади.

Узоқ хориж давлатларидан бири АҚШда бугунги Марказий Осиё масаласи Конгрессида доимий кўриб чиқиладиганлиги ва ғарб оламида минтақанинг аҳамияти тобора ортиб бораётганлигини ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Энтони Блинкенга кўра, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларда АҚШ учта мақсадни кўзлаб келади¹⁵⁴. Буларга, ўзаро хавфсизликни таъминлаш учун шериклик

¹⁵¹ Каримов И. БМТ БА Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2010. №184. 1-б.

¹⁵² Бжезинский З. Великая шахматная доска. – М. «Международное отношение». 2002, С.63.

¹⁵³ Zhang Hongzhou, Building the Silk Road economic Belt: problems and priorities in Central Asia. Nanyan Technological University. 2015. P.10.

¹⁵⁴ Арипов Э. Внешнеполитические аспекты деятельности конгресса. США в контексте глобального развития. (на примере центральной Азии и Кавказа). – Т. 2019. С.3. Бойдадаев М. Марказий Осиё барқарорлиги ва этномиллий омил. – Т. Жамият ва бошқарув. 2017. №6. 52-б.

муносабатларини мустаҳкамлаш, иқтисодий соҳада ҳамкорлик, самарали давлат бошқаруви ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш шулар жумласидандир. Марказий Осиё давлатлари салоҳиятидан келиб чиқиб келгусида ҳам минтақа жадал ривожланаётган Жанубий-Шарқий Осиё давлатларига энергия ва товарлар етказиб бериш ҳамда Истамбул ва Шанхайни боғлайдиган иқтисодий кўприк сифатида аҳамияти ортади.

Шу билан бирга, АҚШнинг собиқ давлат котиби Майк Помпео АҚШнинг Марказий Осиё бўйича 2019–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини эълон қилиб, минтақа давлатларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, Афғонистоннинг Марказий Осиёга интеграцияси ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш асосий тамойиллардан эканлигини эътироф этган.

АҚШнинг минтақадаги янги стратегияси қуйидаги 6 та тамойилни ўз ичига олади:

1. Марказий Осиё давлатларининг ҳам алоҳида ҳам минтақа сифатида суверенитети ва мустақиллигини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш;
2. Марказий Осиёда террорчилик таҳдидларини камайтириш;
3. Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш учун ёрдам кўрсатиш ва уларни кенгайтириш;
4. Марказий Осиё ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;
5. Қонун устуворлигини ислоҳ қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишни қўллаб-қувватлаш;
6. АҚШнинг Марказий Осиёга сармоя киритиши ва ривожланишига кўмаклашиш¹⁵⁵.

Марказий Осиёда юмшоқ куч сифатида фаолиятини олиб бораётган йирик давлатларнинг муассасалари¹⁵⁶ қуйидаги

¹⁵⁵ United States Strategy for Central Asia 2019-2025: Advancing Sovereignty and Economic Prosperity state.gov/united-states-strategy-for-central-asia

¹⁵⁶ Alexey Fominyak. Projecting Soft power: American and Russian Public Diplomacy in Post-Soviet Central Asia. 2020. 15.

жадвалда баён этилиб, мазкур тузилмалар минтақада бевосита ёки билвосита халқ дипломатиясини ҳам амалга ошириб келади.

Марказий Осиё давлатлари (2021 й.)	Россия (Таълим ва маданий марказлари)	АҚШ (Таълим ва маданий марказлари)	Хитой (Конфуций институтлар)
	Жами 55 та	Жами 47 та	Жами 14 та
Қозоғистонда	36 та	22 та	5 та
Қирғизистонда	7 та	15 та	4 та
Тожикистонда	7 та	9 та	2 та
Туркманистонда	3 та	5 та	1 та
Ўзбекистонда	2 та	1 та	2 та

Дарҳақиқат, бугунги кунда халқлараро муносабатлар ўта нозик масалалардан бўлиб, бунга ўз вақтида эътибор берилмаслик оғир оқибатларга олиб келади. Марказий Осиё давлатларида юмшоқ куч сифатида халқ дипломатияси механизми бундай кескин сиёсий жараёнларни олдини олишда янги самарали механизм бўлиб хизмат қилади. Марказий Осиёнинг кўпмиллатли давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда халқ дипломатияси воситасида жамоат ташкилотлари ва нодавлат, ноҳукумат ташкилотлардан самарали фойдаланган ҳолда долзарб масалаларни ҳал этиш, қардош халқлар хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Марказий Осиё давлатларидаги халқ дипломатияси таҳлили шуни кўрсатадики, минтақа халқлари ўртасида турли маданий, иқтисодий, сиёсий муносабатлар қадимдан пайдо бўлганлиги, бунинг тадрижий ривожланиш жараёнлари натижасида Марказий Осиё минтақасида қатор интеграцион ва дезинтеграцион жараёнлар вужудга келганлигини кўриш мумкин¹⁵⁷.

¹⁵⁷ Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик. Халқ сўзи газетаси. 2010. №116. 3-б.

Айни пайтда минтақада ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан саналади. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик яратиш, ўзаро ишончли тизимни барпо этиш орқали ўзаро ички ва ташқи низолар, турли тўқнашувлардан сақланиш, минтақавий ихтилофларни олдини олишнинг энг муҳим қадами саналади.

Минтақада хавфсизлик борасидаги таҳдидларни бартараф қилишнинг яна бир оқилона йўли минтақавий интеграциялашувни мустаҳкамлашдир. Бунинг кафолати Ўзбекистон бўлган минтақа барқарорлигини таъминловчи минтақавий кенгашни яратиш лозим. Марказий Осиёда бошқа давлатларнинг аралашуви ортиши, бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ҳамда халқ дипломатиясининг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолият концепциясида Марказий Осиё муаммоларининг ташқи кучлар аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилиши¹⁵⁸ ҳам муҳим ўрин тутди. Бу умумминтақа ҳамкорлиги ва барқарорлигини таъминлашда янада аҳамиятлидир.

Сўнгги беш йилни Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихида янги даврнинг бошланиши сифатида баҳолаш мумкин. Қисқа даврда, қўшни давлатлар ўртасида нафақат дўстлик чегаралари, балки янги минтақавий бозорлар ҳам очилди. Минтақада янги мустақил давлатлар ташкил топган даврдан бошлаб, биринчи марта қўшнилари ўзаро минтақавий интеграцияга эришиш мақсадида қатор масалаларда савдо, инвестициялар, хавфсизлик соҳаларида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишга киришилди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида тил, илм-фан, маданият ва қадриятларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани, халқларимиз

¹⁵⁸ Жўраев Қ. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг мамлакатимиз теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишдаги аҳамияти. – Т. 2012. 23-б.

ўртасидаги қадимий дўстлик ва маънавий бирликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси халқаро жамоатчилик ҳаракати тузилганлиги, халқларимизнинг бой анъанавий мероси, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини дунёга танитишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Аммо мазкур Ассамблея йирик давлатларнинг стратегик манфаатларига мос келмаганлиги сабабли ҳам фаолияти тўхтаб қолди.

Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатнинг муҳим жиҳатларидан яна бири халқлар ўртасида алоқаларни барқарор сақлаш, муносабатларни яхшилаш, хориждаги ватандошлар ва диаспораларни қўллаб-қувватлаш, халқаро майдонда давлатнинг ижобий имиджини яратиш ва уни тарғиб қилиш каби стратегик мақсадларда юмшоқ куч сифатида халқ дипломатиядан оқилона фойдаланиш муҳим механизм саналади.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш мақсадида «Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар» мавзусида ташкил этилган халқаро анжуман минтақамизда тарихан шаклланган маданий бирлик минтақавий ҳамкорликнинг ривожланиши учун янги импульс эканлигини таъкидлаш зарур. Маълумки, Марказий Осиё аҳолиси ёши бўйича “энг ёш” минтақа бўлиб, аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Мазкур ёшларни илм-маърифатга кенг жалб этиш мақсадида қатор янги тузилмалар Халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказлари кабиларнинг ташкил этилганлиги ҳам минтақа истиқболли учун ҳам муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари, келгусида ёшлар дипломатияси, илмий-тадқиқотлар дипломатияси каби тузилмаларни ташкил этиш ҳам истиқболли қадамлардан саналади. Халқ дипломатияси воситасида минтақа давлатлари олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва профессорлари иштирокида доимий илмий алмашиш дастурлари ташкил этиш ва тил адабиёт, илм-фан, маданият, санъат соҳаларини

кучайтириш, минтақа давлатлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқаларни ривожлантириш минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди¹⁵⁹.

Халқ дипломатияси айти бугунги кунда жуда муҳим механизмлардан саналади. 2018 йил март ойида илк бор Қозоғистонда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви натижасида 2018-2019 йилларда давлатлараро алоқаларнинг яхшиланиши ортидан халқ дипломатияси кенгайди ва қўшни давлатлардан 4 млнга яқин фуқаро турли даражадаги ташрифлар билан Ўзбекистонга келганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, халқ дипломатияси доирасида 2018 йилда Қозоғистонда «Ўзбекистон кунлари» ва 2019 йилда Ўзбекистонда «Қозоғистон кунлари», ўтказилди¹⁶⁰. Бунда маданий, спорт тадбирлари, кино кунлари, турли фестиваллар ташкил этилди. Шу каби тадбирлар қўшни Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан ҳам амалга оширилди.

Ўзбекистон фаол халқ дипломатияси асосида қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантираётгани, мамлакатда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаб, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, хориждаги ватандошлар ва уларнинг давлатлари билан маданий алоқаларни кенгайтириш бўйича ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё энг асосий устувор минтақа саналади¹⁶¹.

Дарҳақиқат, бугунги халқаро сиёсатда турли кўринишда ва соҳаларда рақобат муҳити тобора кучайиб бормоқда. Шу сабабли минтақа давлатлари ўртасида халқ дипломатияни мустаҳкамлаш

¹⁵⁹ Талапов Б. Халқ дипломатияси янги босқичда. 2018. 3-б.

¹⁶⁰ Саидов С. Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик: Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўналиши сифатида. Ишонч. 2021. №106-109

¹⁶¹ «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йилдаги ПФ-5400-сонли Фармони <https://lex.uz/ru/docs/3611072>

келгуси тараққиёт ва барқарорликка ҳам хизмат қилади. Тарихга назар солсак, собиқ иттифоқнинг инқирозига ҳам миллий этник зиддиятлар сабаб бўлган, бундан хулоса чиқариб, минтақа давлатлари мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, алоқаларда ўзаро кўпроқ имтиёзли савдо сиёсатни қўллаши, минтақа халқлари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ва халқ дипломатиясини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, минтақа давлатлари ташқи сиёсатида яхши қўшничилик устуворлигини таъминлаш, хорижий йирик давлатлар билан ҳамкорлик қилишда умумминтақа манфаатларини ҳам жиддий инобатга олиш минтақа интеграциясига хизмат қилади акс ҳолда қардош давлатлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви дўстона алоқалар ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Сўнгги йилларда, халқ дипломатияси халқаро муносабатларни яхшилашда муҳим омиллардан бирига айланди. Бу жараён давлат раҳнамолигида нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат бирлашмалари фаолиятида кенг намоён бўлмоқда. “Халқлар ўртасида изчил ривожланишда ижобий мулоқотлар жуда муҳим саналади¹⁶²”. Бундай мулоқотлар халқлар ва миллатлараро хатто конфессиялараро қарама-қаршиликларни бартараф этишга ёрдам беради ва халқлар ўртасидаги барқарорликка ижобий таъсир кўрсатиб, муҳим аҳамият касб этади. Бу эса халқлар ўртасида турли даражадаги истиқболли мулоқотларни мувофиқлаштирган ҳолда тинчлик, халқаро хавфсизлик, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Марказий Осиёда стратегик ҳамкорликни ривожлантиришда ташаббуслар Ўзбекистон томонидан бошлангани, қўшни давлатлар халқлари ўртасида кенгаяётган дўстона алоқаларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, халқ дипломатияси воситасида қўшни давлатлар ўртасида халқларга қулайлик яратиш, тадбиркорлар учун

¹⁶² Перепелкин Л. Государственная национальная политика и проблемы безопасности в этнической сфере // Конфликт Диалог Сотрудничество. 2000. С. 49.

қатор муаммоли масалалар ўз ечимини топиб, визали тизим бекор қилиниши, бошқа томондан эса, минтақада Ўзбекистон томонидан янгича ишонч муҳити яратилгани билан баҳолаш мумкин. Қадимий бирдамлик, ягона тарих, ягона дин, маданиятлар яқинлиги эса бу ўринда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Ерик Утембаевга кўра, “Одамлар келиб, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг бирдамлигини кўриши жуда муҳим”¹⁶³. 2017 йил Марказий Осиё давлатлари учун тарихий аҳамиятга эга бўлди. Марказий Осиё давлатларининг нафақат тарихи, маданияти, урф одат ва анъаналари, турмуш тарзи бир-бирига билан чарбарчас боғлиқ балки айни пайтдаги сиёсий, иқтисодий, маданий, хавфсизлик, экологик муаммолари ҳам ўзаро бир-бирига боғлиқдир. “Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиши, давлатлар ва халқ вакиллари билан алоқаларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришда долзарб аҳамият касб этади”¹⁶⁴.

Бугунги Марказий Осиё минтақасида стратегик барқарор тараққиётни таъминлашда қуйидаги омиллардан келиб чиқилганда жуда зарур:

Биринчидан, республикалар ўртасидаги чегаралаш ишларини охирига етказиш, минтақадаги коммуникацион тизимни такомиллаштириш, сув тақсимооти масаласидаги ҳукуматлараро комиссия ишини қайта кўриб чиқиш минтақада истиқболли интеграцияга замин яратади.

Иккинчидан, халқ дипломатияси воситасида минтақанинг бешта мустақил давлатида фаолият юритаётган хорижий ташкилотлар фаолияти ҳамда улар томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг мавзусига эътибор қаратиш ва уларнинг минтақа

¹⁶³ Абжапарова Л., Сарсембаева А. Народная Дипломатия как фактор Международных Отношений: исторический опыт Казахстана // Фундаментальные исследования. – 2013. С.11.

¹⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Янги Ўзбекистон” электрон нашри. 2021. 5 б.

ижтимоий сиёсий ҳамда маданий ҳаётига таъсирига диққат қилиш ҳамда улар тўғрисида амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, минтақа давлатлари ривожланган давлатлар билан ўзаро алоқаларида умумминтақа манфаатини ҳам ҳисобга олиш ва дунё иқтисодиёти тизимига тадрижий интеграциялашувни таъминлаш¹⁶⁵ шулар жумласидан.

С. Саидовга кўра, Марказий Осиё интеграцияси учун минтақа давлатларининг умумий позицияси ва ҳаракатлар тактикасини шакллантириш, минтақа давлатларининг бошқа ташкилотлардаги аъзолиги минтақанинг умумий манфаатига таъсир қилмаслиги¹⁶⁶, минтақавий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларига халқ дипломатиясини кенг қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиёлик экспертлар минтақа давлатларининг ривожланиши ва уларнинг ўзаро ҳамкорлик муаммолари ҳамда ҳал қилишнинг самарали йўллари бўйича ўзларининг таҳлилларини қуйидагича билдириб ўтади. Бу ўз навбатида минтақа халқлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, халқ дипломатиясини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Осман Досов (*Қозоғистон*), минтақада етарлича ҳамкорликнинг йўқлиги Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва тараққиёт даражасининг турлилиги, давлатлар ўртасида сақланиб қолган рақобат ҳамда ташқи акторларнинг ўз манфаати йўлида минтақа мамлакати билан алоҳида келишиб олиши минтақада ҳамкорликка таъсир кўрсатмоқда.

Фарҳод Толипов (*Ўзбекистон*) минтақанинг асосий муаммоларини уч қисмга бўлади: 1) минтақанинг эволюциясида геосиёсий омилнинг доимий мавжудлиги. 2) минтақавий ҳамкорликнинг, айниқса, интеграцияга оид масалаларнинг элита хусусиятига эга эканлиги яъни халқлар, фуқаролик жамиятининг

¹⁶⁵ Жалолов А. Марказий Осиёнинг геосиёсий мавқеи. Жамият ва бошқарув. – Т. 2006. 56-б.

¹⁶⁶ Саидов С. Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик: Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўналиши сифатида. Ишонч. 2021. №106.

интеграция масалаларидан узоқлиги, 3) институционал ва ғоявий этишмовчилик муаммоси яъни минтақа қурилиши ҳамда ғоявий қурилишда тегишли институтларнинг мавжуд эмаслиги ёки заифлигидир.

Қосимшо Искандаров (Тожикистон), минтақада миллий истиқлол, миллий-тарихий ўзлик ғояларини тасдиқлаш жараёни ҳали якунланмаган. Минтақада 1924 йил ва ундан кейинги йилларда бошланган миллий-ҳудудий чегаралаш билан боғлиқ муаммолар борлиги, бундай шароитда минтақа мамлакатларининг миллий элиталари янада яқин ҳамкорлик қилиш ва халқаро даражадаги минтақавий тузилмалар ташкил этиш, уларнинг миллий мустақиллиги ва ўзига хослигини чеклаб қўймоқда.

Рафаэль Сатторов (Ўзбекистон), Марказий Осиё мамлакатларининг мустақил интеграцияси ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг сифат жиҳатдан ўсишига тўсқинлик қиладиган бешта асосий муаммо мавжуд.

1) минтақа муаммоларини мустақил ҳал этишда прагматизмнинг этишмаслиги ва бунга тайёр эмаслик;

2) тарихга нисбатан, асосан тарихий меросни афсоналаштирган ҳолдаги турлича қарашнинг мавжудлиги;

3) кўплаб лойиҳаларнинг ўз ечимини топмаган бошқа муаммолар билан боғланиши, яъни пировардида бир муаммонинг ҳал этилмаслиги, бошқасини ҳал этишга таъсир кўрсатмоқда;

4) минтақа мамлакатлари уруғ-аймоқлар бўйича бўлинган маҳалда мавжуд бўлган ички дезинтеграция;

5) инсон капиталининг чиқиб кетиши кабилар шулар жумласидан.

Аида Султаналиева (Қирғизистон), минтақада чегара-ҳудудий масалалар, божхона тўсиқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда чекловларнинг мавжудлиги, илмий-тадқиқот соҳасида алоқаларнинг тобора узилиб бораётгани, илмий ва таълимга оид ахборот алмашинуви тезлиги ва сифатининг муттасил

сусайиб боришини аниқ муаммолар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Раҳматшо Маҳмадшоев (Тоҷикистон), чегара-ҳудудий муаммолар Тоҷикистон ва Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Хитой ўртасида ҳамда Хитой ва унга чегарадош бўлган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар кескинлигича қолмоқда. Бундан ташқари, минтақанинг барча давлатларига тааллуқли бўлган сув-энергетика муаммолари ҳам мавжуд.

Айгерим Тургунбаева (Қирғизистон), сув ва энергетика ресурслари тақсимоли, ноқонуний миграция ҳамда чегараларни демаркация қилиш ва ҳудудий баҳслар билан боғлиқ қатор муаммолар кўп жиҳатдан минтақа мамлакатларининг муаммоларини ҳал этишда бир-бирига боғлиқлиги туфайли яхлит маконга айланмоқда.

Минтақавий ҳамкорлик борасида экспертларнинг қуйидаги ёндашувларига эътибор қаратиш жоиз.

Энебай Какабаева (Туркменистон), Туркменистон аввал бошидан прагматик ёндашувга икки томонлама муносабатларнинг устуворлигига қатъий амал қилиб келди, бироқ ҳозирги ташқи сиёсий қарашларда ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Туркменистон яқин қўшнилар билан ҳамкорлик қилишни, минтақа мамлакатлари билан энг кенг даражада ҳамкорлик қилишга қаратганлиги, барча йўналишлар бўйича ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама форматда тенг ҳуқуқли, ишончли мулоқот мамлакат ташқи сиёсий стратегиясининг устувор жиҳатларидан биридир.

Қосимшо Искандаров (Тоҷикистон), Тоҷикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар давлат раҳбарларининг сиёсий иродасига боғлиқ. Шавкат Мирзиёевнинг ҳукуматга келиши билан икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тез ўзгарди. Тоҷик-ўзбек муносабатларининг кескин ривожланиши нафақат мазкур икки давлат, балки митақадаги барча мамлакатлар ўртасидаги

кўплаб муаммоларни ҳал этди. Минтақавий ҳамкорликнинг ривожланиши учун сиёсий муҳит яхшиланди.

Галим Агелеуов (Қозоғистон), минтақада демократия, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тарғиб этиш ва бунга амал қилиш, ҳокимият ва халқ ўртасида ҳамма учун очиқ ва тушунарли бўлган алоқаларни ўрнатиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим. Ўзбекистон бу борада бутун минтақа учун керакли намуна бўла олади. Президент Ш.Мирзиёев мана шу сиёсий иродасини демократлаштиришга давом этиб, фуқаролик жамиятини шакллантирса, минтақа янада яхши келажакдан умид қилса бўлади.

Айгерим Тургунбаева (Қирғизистон), 1990-йилларда юзага келган мураккаб вазият минтақа давлатларининг барча эътиборини ички муаммоларига қаратишга ҳамда миллий манфаатларни қисқа муддатли минтақавий ва узоқ муддатли манфаатлардан устун қўйишга мажбур қилди. Бироқ 2018 йилда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви фақат яқин ҳамкорликгина минтақа муаммоларини самарали ҳал қилиш имконини беришини яна бир бор тасдиқлади.

Рафаэль Сатторов (Ўзбекистон), “интеграция” ва “халқлар биродарлиги” бўйича ортиқча жўшқинлик мавжуд. Минтақадаги ҳар бир давлат ташқи сиёсат бўйича ўз концепциясида Марказий Осиёнинг устувор эканини кўрсатсада, амалда бундай сиёсатни юритмаяпти ва минтақа сиёсатчилари чегарадаги “майда” ва “ўртача” муаммоларни ҳал этишда ЕИ типигади конструкцияни илгари суришмоқда.

Комрони Ҳидоятзода (Тожикистон), Ўзбекистондаги ҳокимият алмашинуви Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги даврнинг бошланишига умид уйғотади. Бироқ, айтилган даврада халқаро ҳарбий-сиёсий муҳитнинг ёмонлашуви минтақа мамлакатларига бўлган босимни кучайтиради. Хусусан, минтақанинг жойлашуви АҚШга ўзининг геосиёсий рақибларини назорат қилиши, Россия ва Хитойга чегаралар хавфсизлигини

таъминлаб, йирик иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Айнан бир-бирларидан узилганлик Марказий Осиё давлатлари тараққиёти йўлидаги асосий муаммолардан биридир. Бу минтақа келажагини хавф остига қўяди. Ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларгина эмас, иқтисодий ҳамкорлик бўйича минтақавий стратегиянинг мавжуд эмаслиги террорчилик ташкилотларининг кўпайиши ҳамда ёшларнинг ушбу ташкилотлар сафларига қўшилишига имкон яратмоқда. Марказий Осиё давлатларида эса ёшлар сони юқори даражани ташкил этади.

Шерали Ризоён (Тожикистон), Марказий Осиёни минтақа сифатида ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилмоқда, бироқ конструкция учун илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш, Марказий Осиё давлатларининг миллий манфаатларига зид келмайдиган умумминтақавий манфаатларни ишлаб чиқиш ва тарғиб этиш зарур. Минтақавий манфаатнинг умумий ўзига хос жиҳатлари ва умумий тузилмаларини аниқлаш юзасидан қўшма, янада чуқур тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Арсланбек Омурзаков (Қирғизистон), Марказий Осиё давлатлари бир-биридан жуда узоқлашиб кетди ва уларни ажратувчи омиллар ҳам кўпайди, бироқ сўнгги йилларда қайта мулоқот қилиш имкони пайдо бўлди. 2018 йилда “Наврўз” байрами шарафига Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари узоқ йиллар мобайнида илк маротаба “воситачиларсиз”, “бир даврада” учрашди. Бу бир-бирига бўлган ишонч туйғусини мустаҳкамлайдиган жуда яхши тенденциядир.

Бугунги кунда Қозоғистон ва Қирғизистон Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи аъзоси, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари ўзларининг ички муаммолари билан банд: бу элиталарнинг юзма-юз туриши, ҳокимиятнинг алмашинуви, айниқса, Қозоғистон билан бўлган ҳолатдир. Қирғизистонда ички муҳокамалар, ҳокимият сиёсий режимининг демократияга ўтиш масаласи Тожикистон учун ҳам муҳимдир. Марказий Осиё давлатлари бир-бирларини ҳали тўла тушуниб олганларича йўқ.

Ушбу ҳамжиҳатликка мулоқот ва доимий кўп учрашувлар орқали эришиш лозим. Кўплаб масалалар юзасидан қарашларни яқинлаштиришга, ягона позицияни эгаллашга ҳаракат қилиш зарур. Мамлакатларнинг бир-бирини боғлайдиган умумий жиҳатларни топиш ва уларга асосланиб интилиш зарур¹⁶⁷.

Кичик ёндашувлардан Марказий Осиё иттифоқига қадар:

Осман Досов (Қозоғистон), Марказий Осиё давлатларининг юксак сиёсий даражадаги кооперациясини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишни бошлаш зарур. Қозоғистон ва Ўзбекистон минтақавий кооперацияда марказга ўхшаш таянч тузган ҳолда, мазкур жараёнда масъулиятни ўз зиммаларига олишлари мумкин.

Фарҳод Толипов (Ўзбекистон), аниқ режани (1990 йиллар, 2000 йилларнинг бошидаги Марказий Осиё ҳамжамиятига ўхшаш) институционал формат ўрнатишни ҳамда халқларни ва фуқаролик жамиятини минтақавий интеграция жараёнига кўшишни таклиф этади. Масалан, минтақавий ривожланишга доир энг муҳим масалаларни референдумга олиб чиқиш, ҳудуддаги сиёсий жараёнда ошкораликка эришиш зарур.

Аиша Султаналиева (Қозоғистон), минтақа муммолари ва уларнинг ечимлари кўриб чиқиладиган минтақавий ахборот майдончалари ва умумий медиа маконини шакллантириш, давлатлараро бўладиган кенг кўламли тадбирлар: фестиваллар, форумлар ва олимпиадаларни изчил равишда ўтказишни таклиф этади. Шунингдек, ёшларнинг ёзги лагерлари ва мактабларини ҳам тез-тез ташкиллаштириш зарур: зеро тенгдошлар билан бўладиган мулоқотлар ва танишувлар чоғида яқинлашиш, умумий мақсад ва вазифаларни топиш ва тушуниб олиш мумкин бўлади.

Раҳматшо Маҳмадшоев (Тожикистон), биринчидан, халқаро ҳуқуққа қатъий амал қилган ҳолда ҳудудий-чегара муаммоларини ҳал этиш ҳамда сув манбаларидан биргаликда фойдаланиш зарур.

¹⁶⁷ В. Парамонов “Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик муаммолари ва истиқболлари”. UzAnalytics <https://www.uzanalytics.com/xalqaromunosabat/3830/>

Шунингдек, визасиз тартибни киритишни, солиқ ва божхона зиддиятларини бартараф этиш, биргаликда ҳарбий ва антитеррорчилик тузилмалари, бўлинмалар, гуруҳлар тузишни бошлаш зарур.

Сердар Ибрагимов (Туркменистон), минтақада миграция, сайёҳлик ва виза тартибларини енгиллаштириш нафақат инсонларни балки капитал, товарларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари аҳолиси учун бир-бирларининг теле ва радио дастурларидан фойдаланиш имкониятини яратишга хизмат қилади.

Лайла Ахметова (Қозоғистон), муаммоларни муҳокама қилиш ёки аниқлашда фуқаролик жамияти, бизнес ва ОАВни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Аниқ бир муаммо муҳокамаси жараёнида барча манфаатдор томонлар фикрини ҳисобга олиш ва ахборий ошкораликни таъминлаш зарур. Бошқа вазифалар мазкур муаммони ҳал қилиш бўйича ҳам ОАВда, ҳам турли ижтимоий тармоқларда мунтазам ёритиб бориш билан боғлиқ бўлиши лозим. Қабул қилинаётган чора-тадбирлар самарадорлиги юзасидан мониторинг ва экспертлар баҳоси олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга.

Қосимшо Искандаров (Тожикистон), Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувлари учун формат ишлаб чиқишни ҳамда минтақанинг етакчи олимлари ва экспертларининг изчил учрашувлари ва доимий алоқаларини таъминлаш учун шароит яратиш зарур. Чунки олим мутахассислар мавжуд муаммога баҳо бера олиши ва минтақа мамлакатлари раҳбарларига мазкур муаммоларни ҳал этиш йўллари бўйича таклифлар бериши мумкин. Минтақадаги бешта мамлакатни бирлаштира оладиган Марказий Осиё минтақавий тузилмасини ташкил қилиш жуда муҳим. Ана шу тузилма Марказий Осиёдаги муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланиши керак.

Таалатбек Масадыков (Қирғизистон), Европа Иттифоқига ўхшаш Марказий Осиё иттифоқини тузишнинг имкони бор ва бу долзарбдир. Давлатлар раҳбарлари XXI асрда глобаллашув

замонида ўзаро мақбул чораларни топиши, келишган ҳолда иш тутиши лозим. Давлатлараро муносабатларда шахсий мақсадлар ёки хафагарчиликлар асосида қарорлар қабул қилишга интилиш барчага зарар етказди. Марказий Осиёдаги икки мамлакат Евроосиё Иқтисодий Иттифоқининг, уч мамлакат Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотининг, тўртта мамлакат ШХТ (Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти), икки мамлакат на Евроосиё Иқтисодий Иттифоқининг, на Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотининг аъзоси ҳисобланади ва битта мамлакат юқорида санаб ўтилган ташкилотларнинг ҳеч бирига крмайди. Айнан Марказий Осиё Иттифоқининг тузилиши минтақадаги муҳим масалаларни биргаликда ва янада самарали ҳал этиш, фақат йирик иттифоқлар кучига ишонмаслик ёки уларнинг салбий таъсирларидан кўркмаслик имконини берган бўларди.

Галим Агелеуов (Қозоғистон), чегара муносабатларини демократлаштириш ва фаол халқ дипломатияси минтақа келажаги учун муҳимдир. Бу меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Марказий Осиё давлатлари ичкарасида фуқаролик жамияти ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, минтақа олимлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчилари, журналистлари, блогерлари, фуқаролик жамияти фаоллари, ижод соҳасининг етакчи вакиллари ўртасида алмашинув ва муҳокама майдончасини ташкил этиш бўйича йирик гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Назокат Қосимова (Ўзбекистон), Марказий Осиё давлатларининг бугунги иқтисодий аҳволи шу қадар хилма-хилки, эътиборни биринчи навбатда, энг паст даражага: саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо корхоналари, банклар ва бошқа хўжалик субъектларининг тўғридан-тўғри ўзаро ҳамкорлик қилишига ва бу жараёнда қўшма корхоналар ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнесни, иқтисодий зоналарни ривожлантиришга қаратиш зарур.

Шунингдек, ички минтақавий иқтисодий ихтисослашувнинг янги шакллари йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, таълим соҳасида ҳам талабалар ва ўқитувчилар

сафарбарлигини кучайтирувчи қўшма дастурлар, илмий-тадқиқот лойиҳалари зарур.

Комрони Ҳидоятзода (Тожикистон), Марказий Осиё давлатлари минтақанинг нисбатан низоли ҳудуди ҳисобланган Фарғона водийсининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишлари зарур. Минтақа давлатлари ўзаро савдони ривожлантиришда Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ва уларнинг қўлами юқори эканини ҳисобга олиши керак. Бу эса, товарлар, капитал ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши кучайтирилганда, минтақадаги бошқа давлатнинг кичик ва ўрта бизнесини бутунлай йўқ қилиши мумкин. Интеграциянинг, жумладан, ишлаб чиқариш қувватларини тақсимлашнинг босқичма-босқич тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Марат Рахматуллаев (Ўзбекистон), маданий, илмий, таълим ва ахборот соҳасидаги алоқаларнинг узилиши чуқурлашиб бормоқда. Барча сиёсий ва бошқа келишмовчиликлар бир-биримиздан узилганлигимиз оқибатидир. Ахборий яққаланиш, наشريётлар, кутубхоналар, ўқув муассасалар ва илмий марказлар ўртасидаги алмашинувнинг мавжуд эмаслиги, тарихий фактларнинг ўз миллатлари ва халқлари фойдасига бузиб ва мағрурлик билан кўрсатиш ва ёш авлодга сингдириш салбий жиҳат саналади. Марказий Осиё давлатлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган умумлоийҳаларни амалга ошириш орқали маданий, илмий, таълим соҳаларида ҳамкорликдаги фаолиятни янада кучайтириш, ахборот-кутубхона муассасаларининг яқин ҳамкорлигини ривожлантириш, илмий ва таълим лойиҳалари, халқаро анжуманлар, семинар ва давра суҳбатларига кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Шерали Ризоён (Тожикистон), Марказий Осиё мамлакатлари томонидан тақлиф этилган минтақавий тадқиқотларнинг йўқ. Бунинг учун минтақадаги барча давлатларнинг миллий манфаатларини яқинлаштириш ва “бирлаштириш” орқали жиддий тадқиқотлар ўтказиш, Марказий Осиёнинг узок муддатли

манфаатлари бўйича матрица тайёрлаш зарур. Шу билан бирга, аҳоли кайфияти ва орзу-умидларини билиш, ривожланиш йўлидаги устувор вазифаларни аниқлаш, тегишли маҳаллий муаммоларни ҳал этиш йўлларини топиш мақсадида минтақа мамлакатларида ҳамкорликда тадқиқотларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Арсен Сарсеков (Қозоғистон), Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича кўп муаммолар уларнинг бир-бирларидан хабарсизликлари билан боғлиқ. Бу ривожланишга бўлган турлича ёндашувларни келтириб чиқармоқда. Марказий Осиё давлатларининг ахборий маконини бирлаштириш зарур. Ягона ахборот майдони шакллантирилса, бу ўз навбатида, интернет ва ОАВ фойдаланувчиларини бирлаштиради: ахборот интеграцияси, амалий интегрпацияга ўтади.

Рафаэль Сатторов (Ўзбекистон), минтақадаги ўзаро муносабатларни “қайтадан бошлаш” учун: “аниқ ғояларга асосланган эгилувчанлик ва прагматизмни ҳаётга тадбиқ этиш, самарасиз сиёсатдан бош тортиш ва келажакка назар ташлаш”ни, шунингдек, ўрта ва кичик лойиҳалар бўйича ишлаш имконини берадиган “вазминлик”сиёсатини юритиш кераклигини тавсия этади.

Комрон Раҳимов (Тожикистон), ўз халқини севувчи, оддий инсонлар, мамлакатлар ва бутун минтақа ҳаётини яхшилашга ҳаракат қиладиган саводли, ақлли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлашдек тўғри кадрлар сиёсатини юритишни тавсия қилади¹⁶⁸.

Марказий Осиё минтақасидаги бугунги геостратегик жараёнларни қуйидаги стратегик жиҳатдан келиб чиқиб таҳлил қилиш мумкин.

Геосиёсий жиҳатдан олиб қаралганда минтақамиз:

Биринчидан, Европа ва Яқин Шарқ, Осиё тинч океани минтақасига Марказий Осиё ва Ўзбекистон орқали ўтиши

¹⁶⁸ В. Парамонов “Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик муаммолари ва истиқболлари”. UzAnalytics <https://www.uzanalytics.com/xalqaromunosabat/3830>

келажакда минтақа ва давлатимизнинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Иккинчидан, ҳозирда ташқи акторлар минтақа давлатларига “рангли инкилоблар” кўринишида хавф солаётган бўлса, баъзи йирик қўшни давлат минтақада сув, энергетика масаласида давлатлар ўртасида норозилик кайфиятини уйғотмоқда.

Геоиқтисодий жиҳатдан: биринчидан, юмшоқ куч катта иқтисодий потенциални талаб этади. Шу сабабли иқтисодий потенциални ошириш мақсадида минтақада сув ва зиддиятли чегара муаммоси хавфини камайтириш зарур.

Иккинчидан, барқарор табиий энергия манбаларидан фойдаланишни кучайтириш иқтисодий потенциални оширади. Шунингдек, Собиқ Иттифоқ даврида шаклланган коммуникацион йўллар, темир йўл тизимидан самарали ва оқилона фойдаланиш муҳим.

Геостратегик жиҳатлар, етакчи давлатлар дипломатиясидаги биринчи масала, дунё мамлакатлари эътиборини жалб этиш, иккинчи масала уларнинг инвестицияларини кириб келишини кафолатлаш, учинчи масала эса ҳамкорлик ва уни мустаҳкамлаб боришдир.

Иккинчидан, амалий дипломатия сифатида БМТнинг асосий кенгаш ва органларида нодоимий аъзолик ва тинчликни сақлаш миссияларида фаол қатнашиш халқаро имиджни янада оширишга хизмат қилади.

Маданий жиҳатлар: биринчидан, бугунги кунда бой тарихий мерос ва улуғ алломаларимизнинг нодир илмий асарлари ва ҳаётий фаолиятини хорижнинг нуфузли университет ва академияларида ўрганилмоқда. Бу эса юмшоқ куч сифатида минтақа ва Ўзбекистон имиджини янада оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, хорижлик талабалар учун таълим грантлар, стипендия дастурларини жорий этиш Ўзбекистон юмшоқ куч фаолияти ва халқ дипломатиясини кучайтиришга ҳам ёрдам беради.

Марказий Осиё давлатларининг халқ дипломатияси тили, дини ва тарихий хусусиятлари, минтақадаги қардош халқларнинг умумминтақа манфаатлари йўлида бирлашишида муҳим стратегик аҳамиятга эга. Буни истиқболли томонга йўналтириш аввало минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган дипломатияга боғлиқдир.

Хулосалар: Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстона ҳамкорликни таъминлаш ва мустаҳкамлашда тинчликка, юмшоқ кучга асосланган халқ дипломатиясидан оқилона фойдаланиш нафақат давлатлар балки халқлар ўртасида алоқаларни ривожлантиришга эришишни таъминлайди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсат конъюктураси ва иқтисодий даражаларининг турлилиги ҳам минтақада муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки, минтақа яқинида миллий этник низоларнинг тобора кенгайиб бораётгани, геосиёсий ва геоиқтисодий манфаатлар тўқнашуви, қардош давлатларнинг ўзаро тинчлик ва барқарор яшаш сиёсатига салбий таъсир ўтказди.

Шунингдек, минтақа давлатларида ўз давлати ва халқини устун қўйиш тенденцияларни мутлақ бартараф этиш минтақа давлатлари ва халқлари ўртасида халқ дипломатиясини ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Марказий Осиё давлатларининг келажаги жаҳон сиёсатининг йирик акторлари ҳамда қўшни йирик Россия, Хитой сингари давлатлар билан музокаралар ва самарали дипломатия олиб боришга боғлиқ.

III БОБ

МИНТАҚАДА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ

РЕЖА

- 1. Ўзбекистонда халқ дипломатияси ва унинг
ривожланиш босқичлари**
- 2. Ўзбекистон халқ дипломатиясининг минтақада
ҳамкорликни мустаҳкамлашда тутган ўрни**

1. Ўзбекистонда халқ дипломатияси ва унинг ривожланиш босқичлари

Бугунги жаҳон сиёсатида Марказий Осиё минтақаси сингари Ўзбекистоннинг ҳам халқаро аҳамияти тобора ортиб бормокда. Юртимизда халқ дипломатия узок тарихга эга бўлиб, хусусан, Буюк Ипак йўли ва ўзбек давлатчилиги асосчиси Амир Темур даврига бориб тақалади. Буюк Ипак йўли даврида халқ дипломатияси маданиятлараро алоқалар кўринишида шаклланган бўлса, Амир Темур даврида эса халқ дипломатияси географияси жадал суратларда кенгайди. Соҳибқирон Қора денгиздан Шарқий Ҳиндистонгача, Урал тоғларидан Форс кўрфазигача бўлган улкан ҳудудда қудратли салтанат барпо этган. Шу сабабли ҳам заминимизда халқаро савдо, сиёсий ва маданий алоқалар шаклланган ва ривожланган.



(Буюк Ипак йўли харитаси)

Ўзбек халқи тарихини Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Миср ва Рим каби шаҳар давлатларга тенглаштириш мумкин. Заминимиздан дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшган олимлар, аломалар ва давлат арбоблари етишиб чиққан. Ўзбекистон нафақат табиий

ресурсларга бой, катта бозор ва сармоя сарфланадиган давлат эмас, балки қадимий тарихга, улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга¹⁶⁹. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий тартибот фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб географик ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта геосиёсий ва геостратегик аҳамият касб этади. Маълумки, Марказий Осиёда туркий тил давлат бошқаруви ва ҳарбий тил, форс тили адабиёт тили, араб тили эса илм-фан тили ҳисобланган.

Ўзбек халқи ўзининг 2,5 минг¹⁷⁰ йиллик қўхна тарихида учта йирик уйғониш (ренессанс) даврини босиб ўтган. Жумладан:

Биринчи ренессанс даври, IX-XII асрларда улуғ алломаларимиз Замаҳшарий, Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Фаробий, Аҳмад Фарғоний кабилар номлари ва жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссалари билан боғлиқ бўлса;

Иккинчи ренессанс даври, XIV-XVI асрларда соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабилар фаолияти билан боғлиқ миллий тикланиш ва миллий тараққиёт даври;

Учинчи ренессанс даври эса, XX асрнинг 1990-2016 йиллар мустақил Ўзбекистон даври бўлса, 2017 йилдан ҳозирги янги Ўзбекистон даврларни ўз ичига олади.


Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, дипломатиямиз негизида, Ўзбекистон халқининг бениҳоя бой ва ранг-баранг маданияти, неча минг йиллик тарихи, ўлкамизнинг бетакрор табиати ва турли маданиятларнинг бир-бирига таъсири натижасида шаклланган тарихий маданий меросимиз ётади¹⁷¹.

¹⁶⁹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 8-б.

¹⁷⁰ Амир Темур. Темур Тузуклари. – Т. 1991. 35-б, Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т. 1994. 58-б.

¹⁷¹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон маданиятининг янги қирралари – дунё эътиборида // «Ўзбекистон маданий мероси» муаллифлик туркуми. – Т. 2019. 5-б.

Ўзбекистон ҳудудида қадимда қудратда ва тараққиётда юксак даражаларга эришган Мирсдан то Буюк Хитой деворигача бўлган ҳудудни эгаллаган Амир Темур давлати мавжуд бўлгани маълум.



(Амир Темур давлати харитаси)

Шу билан бирга, соҳибқирон Амир Темур бошқарув даврида заминимизда халқ дипломатиясининг муҳим тарихий босқичи вужудга келган¹⁷². Хусусан, А.Темур бошқаруви даврида жуда кўп Шарқ ва Ғарб давлатлари Хитой, Ҳиндистон, Миср, Испания, Франция ва бошқа Европа ва Осиё мамлакатлари билан дипломатик ва тижорий алоқалар олиб бориб, мустаҳкам дўстлик ва маданий алоқалар ўрнатилган. “Заминимизда кўп асрлардан бери турли маданият, тил, урф-одатга эга, турли динларга эътиқод қилувчи бир-биридан фарқли кўплаб халқлар яшаб келишган”¹⁷³.

Ўзбекистон ўзининг қадимий бой маданияти, илм-фан бешиклари Самарқанд, Бухоро, Кеш, Шош, Хива, Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи Буюк Ипак йўли давлати бўлганлиги билан ҳам машҳурдир. Яъни бир сўз билан айтганда заминимиз Марказий

¹⁷² Жураев Р. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях. – Т. 1998. С.11.

¹⁷³ Асқаров А. Халқ дипломатияси: тарих, бугун ва келажак. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 14 октябрь, 196-сон.

Осиё турли халқлар ўртасида тижорий ва маданий алоқалар кесишган стратегик муҳим макон саналади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, юртимизда халқ дипломатиясининг ижтимоий ҳаётдаги дастлабки илдизлари қадим ва ўрта асрларда тадбиркор савдогарлар карвон йўллари ва шаҳарлараро алоқаларда шаклланган. Тадбиркор, савдогарлар расмий давлат амалдори эмас, балки улар ўз товарига қаерда катта эҳтиёж бўлса, ўша ерда тожирлик қилишган ва ўзлари билан посбонлар, билимдон олимлар, дин вакиллари, мусиқа намояндалари ва турли спортчиларни ҳам олиб юришган. Айнан мазкур савдо карвон йўллари халқ дипломатиясини кенгайтириб, халқаро алоқаларни ривожлантирган ва маданият, иқтисод, таълим соҳаларини тараққий эттиришга хизмат қилган¹⁷⁴. Шу боис, айнан мана шу йўл орқали турли халқлар ва маданиятлар ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари йўлга қўйилган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон халқ дипломатияси шаклланиши чуқур илдизларга эга бўлиб, тарихчилар уни икки катта даврга бўлган. Биринчи давр Бронза давридан то 1991 йилга қадар бўлган давр бўлиб, унда Ўзбек халқ дипломатияси чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий асосларга эга бўлганлиги таъкидланади¹⁷⁵.

Иккинчи давр эса 1991 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади ва уни ҳам асосан учта босқичга бўлган. Яъни 1991-1997 йилларни ўз ичига олган биринчи босқич Ўзбекистон халқ дипломатияси учун янги даврни бошланганлиги, юртимиздаги турли халқларни бирлаштирувчи Республика Байналминал миллий маданий маркази ташкил этилиши, мустақилликка эришгандан сўнг халқ дипломатияси масаласига ҳам эътибор бериб бошланганлиги натижасида узоқ-яқиндаги

¹⁷⁴ Талапов Б. Халқ дипломатияси янги босқичда. 2018. 5-б.

¹⁷⁵ Алмардонов О. Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрни (1991-2017 йй.). – Т. 2021. 32-б.

мамлакатлар билан алоқаларда кенг жамоатчилик ва халқ вакилларининг иштироки кенгайди¹⁷⁶.

Иккинчи босқич, 1997-2016 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда халқ дипломатиясини фаоллаштириш мақсадида “Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши” таъсис этилиши¹⁷⁷ ва бу Ўзбекистон халқ дипломатиясининг хорижий давлатлар билан алоқаларида янги даврни бошлаб берди.

Бу даврда халқ дипломатиясида миллий ўзига хос институтлар шаклланди ҳамда ўзбек маданияти, санъати, спорт ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланди. Бу даврда, қўшни мамлакатлар билан муносабатларда ҳудуд ва чегара олди, сув муаммоси Ўзбекистон халқ дипломатияси олдида кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Учинчи босқич, 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни қамраб олиб, айтиш мумкин, бу даврни ўзбек халқ дипломатиясининг янги даври дейиш мумкин. Бугунги кунда халқ дипломатиясининг жамиятимиз ва маданиятимизга хос бир қанча янги сиёсий жараёнлари намоён бўлди. Ҳаракатлар Стратегиясида Ўзбекистоннинг халқаро имиджини ошириш, ўзбек халқ дипломатиясининг жуғрофиясини кенгайтириш белгиланганлиги¹⁷⁸ ҳам ижобий жараён эканлигини эътироф этиш мумкин. Ўзбекистон ташқи сиёсатида халқ дипломатияси фаолиятини амалга оширувчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди (*иловага қаранг*).

Мустақилликнинг дастлабки йилларида халқ дипломатияси сифатида Ўзбекистон томонидан “Туркистон – умумий уйимиз” ғояси илгари сурилиб, минтақамиз халқлари ўртасидаги бирлик, ҳамкорлик йўлида хизмат қилишга бағишланганлиги билан

¹⁷⁶ Муртазаева Р.Х. Толерантность как главный фактор в укреплении народной дипломатии между государствами. – Тошкент. 2017. 6-б.

¹⁷⁷ Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по поддержке Совета обществ дружбы и культурнопросветительских связей Узбекистана с зарубежными странами» 1997. УП-1785.

¹⁷⁸ ШХТ халқ дипломатияси маркази ўз фаолиятини бошлади // Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали. №1. 2019. 95-б.

аҳамиятли ҳисобланган¹⁷⁹, аммо минтақага қўшни Россия, Хитой каби йирик давлатларнинг геосиёсий ва геостратегик манфаатларига мос келмаслиги сабабли ҳам амалга ошмай қолди.

Замонавий халқаро муносабатларда халқ дипломатияси давлатнинг дипломатик функциясини амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган фаол инсонлар, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг эркин ижтимоий фаолияти сифатида муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда Республика Байналмилал маданият марказини ва Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши каби тузилмалар ташкил этилди. Аммо бугунги янги талаблар асосида мазкур нодавлат ташкилотларни замон талабларига мослаштириш ва модернизация қилишга катта эҳтиёж сезилди. Бу жараёнлар қуйида ўз ифодасини топган.

1991 йилдан 2017 йилга қадар Ўзбекистонда халқ дипломатияси фаолиятини юритган нодавлат ташкилотлардан бири Республика Байналмилал маданият маркази (РБММ)¹⁸⁰ жамоат ташкилотлари билан бирга юртимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш, ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишга кўмаклашган ҳолда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириб келган. РБММ ўз фаолиятларини тўлақонли амалга ошириши учун етарли молиявий имкониятга эга бўлмаганлиги сабабли имконияти чекланган эди. РБММ миллий маданий марказлар билан биргаликда Мустақиллик, Наврўз каби байрамлар билан бир қаторда турли миллатларнинг миллий байрамлари хусусан, уйғурларнинг “сайил”, бошқирд ва татарларнинг “сабантўй”, корейсларнинг “чусок”, русларнинг “масленица”, грузинларнинг “ртваели”, хитойларнинг “чунце”, қрим татарларнинг “хедерлез”, арманларнинг “вардавар”, яҳудийларнинг

¹⁷⁹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. – Т. 2002.

¹⁸⁰ «Республика Байналмилал маданият маркази тўғрисида»ги 1992 йил 13-январдаги ВМҚ-10-сонли Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/366853>

“рош-а-шана” сингари байрамларини нишонлаб келган ¹⁸¹. Шунингдек, турли миллат вакиллари иштирокида адабий-муסיқий кечалар, фестиваллар, санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлар халқ дипломатиясини ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

Бундан ташқари, миллий маданий марказлар иштирокида Ўзбекистоннинг барча ҳудудидаги турли миллат вакиллари қамраб олган “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, «Ўзбекистон – ягона Ватан» шиори остида анъанавий Республика дўстлик ва маданият фестиваллари ташкил этилган. Маълумотларга кўра, юртимизда яшайдиган 9 та халқ вакиллари (ўзбеклар, руслар, тожиклар, қozoқлар, татарлар, қорақалпоқлар, корейслар, қирғизлар ва туркман)лар Ўзбекистон аҳолисининг 95 фоиздан ортиғини ташкил этади, қолган 120 дан ортиқ миллат вакиллари эса 5 фоизлик салмоққа эга ¹⁸².

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва санъати, миллий урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириш учун шароитлар яратилган. Ўрта ва олий таълим 7 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қozoқ, тожик, туркман ва қирғиз тилида), теле ва радиоканаллар 12 тилда (ўзбек, инглиз, корейс, озарбайжон, рус, уйғур, қрим-татар, тожик, қирғиз, қozoқ, қорақалпоқ, инглиз тилида) олиб борилади ¹⁸³.

Шу билан бир қаторда соҳада ечимини кутаётган қатор муаммолар ҳам мавжуд. Буларга таълим, маданий тадбирларнинг доимий ўтказиб бориш даражаси ва замонавий тенденцияларга ҳамоҳанглигининг сустлигида намоён бўлади. Халқ дипломатияси юмшоқ куч сифатида ички сиёсатда асосан мамлакатда яшовчи турли халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда муҳим рол

¹⁸¹ “Ўзбекистон – умумий уйимиз”. – Тошкент. 2015. 20-б.

¹⁸² Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ҳаётини ўрганиш туркуми. – Т. 2019. 10-б.

¹⁸³ Мусаев О. Ўзбекистонда миллатларо муносабатлар ривожи. – Т. 2016. 104-б.

ўйнайди. Ташқи сиёсатда эса хориждаги ватандошлар ва диаспоралар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда самарали восита саналади.

Ўзбекистон халқ дипломатиясини узоқ вақтлардан буён амалга ошириб келган Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар кенгаши халқ дипломатиясига асосланиб, ўтган асрнинг 20-йилларида Чет давлатлар билан маданий алоқалар жамиятининг Ўрта Осиё бўлими, 1947 йилдан “Ўзбекистон бўлими”, 1953 йилдан бошлаб дўстлик ва маданий алоқалар ташкилоти сифатида корхоналар, ўқув юртлари, илмий муассасаларни қамраб олган нуфузли оммавий ташкилотга айланди. Халқ дипломатиясини расмий давлат дипломатиясини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим механизмлардан бири дейиш мумкин.

Кенгаш дўстлик жамиятлари орқали чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириб¹⁸⁴, халқ дипломатияси воситасида Ўзбекистоннинг тарихи, маданиятини кенг тарғиб этиш, хорижий давлатлар жамоатчилигини халқимизнинг бой тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати билан мунтазам таништириб бориш, чет давлатларда кўргазмалар, декадалар, ҳафталиклар, конференциялар, ярмарка ва конкурслар ўтказиш, хориждаги ватандошлар жамоалари билан алоқаларни кенгайтириш, чет давлатларда белгиланган тартибда Ўзбекистоннинг маданий-маърифий марказларини ташкил қилиш каби фаолиятларни амалга ошириб келган. Дарҳақиқат, “XXI асрда халқ дипломатияси минтақавий конфликтлар, халқаро умуминсоний муаммолар шунингдек, ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг кафолати саналади”¹⁸⁵.

¹⁸⁴ “Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1997 йил 26-майдаги ПФ-1785-сонли Фармон. <https://lex.uz/ru/docs/-216119>

¹⁸⁵ Жураев Р. Халқ дипломатияси – тинчлик кафолати. Мулоқот журнали. – Т. 1998. №3. 27-б.

Янги давр талабларидан келиб чиқиб, Республика Байналмилал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши негизда 2017 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилиши янги Ўзбекистон халқ дипломатиясини янги босқичга олиб чиқди¹⁸⁶.

Айни пайтда, қўмита ҳузурида 150 та миллий маданий марказ (иловага қаранг) ва 38 та дўстлик жамиятлари ва дунёнинг 18 та давлатидаги турдош ҳамкор ташкилотлар билан алоқалар йўлга қўйилган (иловага қаранг). Айниқса, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари раислари жамиятда танилган, таниқли сиёсатчилар, олимлар, журналистлар ва бошқа жамоат арбоблари орасидан сайланиши ҳам халқлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда, қўмита янги талаблар асосида миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларни ривожлантиришни янги босқичларга олиб чиқиш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширмоқда. Жумладан:

□ жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш;

□ дўстлик ва кўп миллатли ягона оила муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

□ дўстона халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, хорижий давлатларнинг фуқаролик ҳамжамиятлари, жумладан, чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан дўстликни мустаҳкамлаш, давлатимизда яшовчи турли миллат ва элат

¹⁸⁶ «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 23-майдаги ПҚ-2993-сон Қарор <https://lex.uz/ru/docs/4925804>

вакиллариинг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

□ хорижий давлатларда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати, барча соҳаларда эришаётган ютуқларини кенг тарғиб қилиш соҳаларига оид илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш¹⁸⁷ кабилар шулар жумласидан.

Шунингдек, хориждаги ватандошлар ва диаспора вакилларига ўқув адабиётлар етказиш, илмий конференциялар ўтказишни кенгайтириш, қўшни республикалардаги маданий марказлар, санъат, адабиётхонлик кунлари, дўстлик кечалари, учрашувлар халқ дипломатияси ривожига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг бугунги жаҳон ҳамжамиятида бир қатор етакчи давлатлар билан мулоқотлари глобал миқёсда маданиятини ва тарихини ижобий таништириш учун муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг 4-бобида Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имиджини ошириш соҳасида «халқ дипломатияси» механизмларидан фойдаланиш орқали хорижий давлатларнинг фуқаролик жамиятлари билан ҳамкорликни ривожлантириш¹⁸⁸ ва дўстликни мустаҳкамлаш, хорижий ташкилотлар ва дипломатик ваколатхоналар билан халқ дипломатияси асосида алоқалар ўрнатиш ва уни изчил ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланишнинг янги даври, янги Ўзбекистон халқ дипломатиясини намоён этиб, минтақада дўстликни кучайтириш имкониятини кенгайтирди. Ўзбекистон минтақада халқ дипломатияси воситасида қардош халқлар ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ва яхши қўшничилик муносабатларини

¹⁸⁷ «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон Фармон <https://lex.uz/ru/docs/3210345>

¹⁸⁸ “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4597662>

мустаҳкамлашда долзарб ўрин тутди. Бу минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан биридир.

2017 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча республикалар билан алоқаларни мустаҳкамлашга эришди ҳамда қардош халқлар ўртасида дўстона муносабатларда ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистондаги Қозоқ, Қирғиз, Тожиқ ва Туркман ҳамда Афғон миллий маданий марказлари ва дўстлик жамиятларида халқ дипломатияси воситасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, хориждаги ватандошлар ва фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришда янги руҳ пайдо бўлди. «Ўзбекистон – юксак мақсадларни кўзлаган салоҳиятли мамлакат. Аввало, у Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган ҳудуди ва аҳолиси бўйича минтақанинг йирик давлати, буюк тарихга, бой маданиятга эга давлат»¹⁸⁹.

Ўзбекистоннинг минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги роли, Марказий Осиё давлатларининг кейинги фаолиятига кучли таъсир қилиши дунёнинг етакчи сиёсатшунослари томонидан ҳам эътироф этилган. Хусусан, З.Бжезинскийга кўра, “Ўзбекистон мустақиллиги Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб қолишида муҳим рол ўйнайди, ундан ташқари Россияни минтақада ҳукмронлик ўрнатиш учун олиб бориши мумкин бўлган сиёсатига асосий қарши турадиган куч бўлиши мумкин”¹⁹⁰.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва минтақавий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши, олий ва юқори даражада ўзаро таширлар, халқ дипломатияси механизмларидан самарали фойдаланиш орқали яхши қўшничилик муносабатларини

¹⁸⁹ Каримов И. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т. Ўзбекистон, 2005. 86-б.

¹⁹⁰ Бжезинский З. Великая шахматная доска. «Международное отношение». – М. 2002. С.147.

мустаҳкамлаш йўлидаги мавжуд муаммоларни биргаликда дўстона бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистоннинг янги очик ташқи сиёсати туфайли ўзаро ишонч сезиларли даражада ошди. Бу эса минтақада йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни ҳам осон ҳал этишга хизмат қилади. Масалан, Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил сентябрда Қирғизистонга давлат ташрифи натижасида қардош халқлар ўртасида дўстлик чегараларнинг очилиши, халқлар ўртасида алоқаларни кенгайтириш учун тарихий аҳамият касб этиб, қатор муаммоларни ҳал этишга олиб келди¹⁹¹.

Марказий Осиё Ўзбекистон учун ҳар томонлама энг устувор минтақа саналади. Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг дастлабки хорижий сафари ҳам айнан минтақадан бошланганлиги бунга бир далилдир. Жумладан, 2017 йилда Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Туркия, Қирғизистон, кейинчалик Хитой, Саудия Арабистони, Тожикистон, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Германия ва бошқа давлатларга ташриф буюрди¹⁹². Жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Корея Республикасига давлат ташрифлари давомида ватандошлар ва ўзбек диаспора вакиллари билан учрашувлар ташкил этилганлиги ҳам халқ дипломатиясининг янги истиқболли қирраларини намоён этади.

Ўзбекистоннинг ташқи дунё учун очилиши минтақада янги истиқболли имкониятларни олиб келди. Жумладан, ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистоннинг минтақада ҳамкорликни ривожлантиришда эришган катта ютуғи қуйидагиларда ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ҳамда Афғонистон ўртасида алоқалар янги босқичга кўтарилиб, янги сиёсий муҳит яратилди. Бу ўз навбатида қатор муаммоларни ҳам осонроқ ечишга замин яратди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал

¹⁹¹ Фредерик Старр: Ўзбекистон глобал миқёсдаги ислохотлар марказига айланмоқда (мақола). 2018.

¹⁹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти. 2017. <https://president.uz/ru>

ва минтақадаги долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида ташаббуслари ҳам дунё ҳамжамияти, хусусан, БМТ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганлиги, Ўзбекистон ташқи сиёсати чет элдаги фуқароларимиз манфаатларини ҳимоялашга қаратилган устуворликни ортиши хориждаги ватандош ўзбеклар ва ўзбекистонликлар учун ҳам янги мотивация бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “бизнинг бош мақсадимиз умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат”¹⁹³. Шу мақсадда, 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси асосида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Биринчи учрашув 2018 йил март ойида Нурсултон шаҳри (Қозоғистонда), иккинчи учрашув 2019 йил ноябр Тошкент шаҳри (Ўзбекистонда), учинчи учрашув 2021 йил Аваза шаҳри (Туркменистонда), тўртинчи учрашув 2022 йил Чўлпонота шаҳри (Қирғизистонда) бўлиб, унда қардош халқларнинг кўп асрлик яхши қўшничилик тарихида янги саҳифа очганлиги билан ҳам баҳоланади. Мазкур учрашув нафақат давлатлараро алоқаларни балки халқ вакиллари ўртасидаги алоқаларни ҳам ривожлантиришга ҳисса қўшди.



(Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви, Аваза, Туркменистон)

¹⁹³ Мирзиёев Ш. «Центральная Азия: одно прошлое и общее будущее, сотрудничество ради устойчивого развития и взаимного процветания» 2020.

Бошқа томондан эса, шу форматда минтақа давлатлари қўшни етакчи давлатларнинг аралашувисиз ўз стратегик режаларини муҳокама қилиши ҳам минтақада янги интеграциянинг бошланиши дейиш мумкин.

Мазкур Маслаҳат учрашув форматининг стратегик муҳимлиги:

Биринчидан, ўзбек дипломатиясининг минтақа ва халқаро мувофақияти бўлса;

Иккинчидан, учрашув формати барча давлатлар учун манфаатли эканлигини кўрсатди;

Учинчидан, ташқи акторларсиз ва уларнинг иштирокисиз ташкил этилиши ҳам янги истиқболдан дарак беради;

Тўртинчидан, ташқи сиёсатда ўзаро муаммолар норасмий учрашувларда, ўзаро мулоқотларда ҳал этилаётганлигида;

Бешинчидан, бешта давлат раҳбарлари доимий кўришиб туриши минтақа халқлари учун ҳам истиқболли натижалар бераётганида намоён бўлади¹⁹⁴.

Бугунги кунда сиёсий жараёнларни таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳонда маданиятлар ўртасида тўқнашувларнинг салбий оқибатлари цивилизациялар ўртасида қарама-қаршиликни келтириб чиқараётган бир даврда, бу жараёнлар Ўзбекистонда миллий ва минтақавий манфаатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ислом цивилизацияси доирасида амалга оширилиши билан намоён бўлади.

Дарҳақиқат, минтақа давлатлари ичида Ўзбекистонда турли миллатлар ўртасида муносабатлар тинчлик ва барқарорлиги билан ажралиб туради, бу эса бир томондан объектив ёки тарихий, иккинчи томондан эса, субъектив ёки сиёсий сабабларга боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида кўп асрлик ўзига хос хусусиятлар, турли маданият ва анъаналар шаклланганлигини уруш даврида 15 нафар турли миллатга мансуб етим болаларни боқиб олган темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи ҳаёти; 40-йилларда депортация

¹⁹⁴ Ўша манбада.

қилинган минглаб корейс, қрим-татар, месхети турклар, курд, болқор, чечен, ингуш, қалмиқ ва немислар ҳаёти; 1966 йили Тошкентдаги зилзила оқибатларини бартараф этиш учун собиқ иттифокдан юборилган мутахассисларнинг шу заминда доимий яшаб қолгани ҳам ўзбек халқининг бағрикенглиги далили саналади. Зеро Ўзбекистон конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар»¹⁹⁵ деб белгиланиши халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларда муҳим ўрин тутати.

Дарҳақиқат, бир давлатда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик шу давлат учун муҳим ҳаётий вазифалардан саналади. Чунки, ХХІ асрга келиб, баъзи давлатларда миллий этник муносабатларда зиддиятларнинг юзага келиши оғир оқибатларга олиб келаётганини яққол кўриб турибмиз. Ўзбекистонда халқлар ўртасида тинчлик ва барқарорлик хорижликлар томонидан ҳам юксак баҳоланади. Масалан, Афғаб Қазига кўра, «мен катта ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон жаҳондаги энг бағрикенг давлатдир». Шунингдек, ЕХХТ Кам сонли миллатлар бўйича собиқ Олий Комиссари Кнут Воллебек «Ўзбекистонда турли миллат вакилларига ўқиш, ўз маданиятларини ривожлантириш борасида яратилган шароитларни кўриб, бу тажрибани бошқа давлатларга ҳам ёйиш керак» деган эди¹⁹⁶.

Албатта, дунёда миллий-этник муносабатлар тобора мураккаблашган, ҳатто энг илғор давлатларда ҳам оз сонли миллат вакиллари камситиш ҳолатлари кузатилаётган даврда турли миллат вакиллари ягона оиладек яшаётган Ўзбекистон ҳақиқатдан ҳам бошқаларга намуна бўлади. Ўзбекистонда халқ дипломатияси халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро бир-бирини тушунишга

¹⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2014. 9-б. Назаров Р. Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы. – Т. 2004. С. 44.

¹⁹⁶ Мухаммадиев Н. Ўзбекистон бағрикенглик диёри. – Т. 2017. 4-б.

йўналтирилган миллий маданият марказлари ва дўстлик жамиятлари фаолияти доирасида амалга оширилади.

Бугунги Ўзбекистонда халқ дипломатияси янгича ракурсларда намоён бўлади. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида янги давр бошланиб, 2017–2021 йилларга мўлжалланган ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши халқ дипломатиясини янги босқичга олиб чиқди¹⁹⁷. Ички ва ташқи сиёсатдаги қатор ислохотлар натижасида минтақамизнинг қўшни ва қардош халқлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланиб бормоқда. Қатор янги тузилмалар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Оммавий ахборот ва коммуникациялар агентлиги, Ёшлар иттифоқи ва унинг ҳузуридаги Бутунжаҳон Ёшлар ассоциацияси, Ташқи ишлар вазирлигида алоҳида хориждаги ватандошлар билан ишлаш бўлими, Ўзбекистонда ШХТ халқ дипломатияси маркази, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” маркази, “Эл-юрт умиди жамғармаси”, Марказий Осиё халқаро институти, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти, “Ватандошлар” жамғармаси кабиларнинг ташкил этилиши ҳам халқ дипломатиясини ривожлантиришга ва халқ вакиллари халқаро муносабатларда фаол иштирок этишига хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлининг учинчи ўн йиллик даврида янги марраларни эгаллаш ва халқаро майдонда юз бераётган ўзгаришлар ва сиёсий жараёнларни инобатга олган ҳолда кенг кўламли ислохотларни амалга оширишга киришди. Ўзбекистонда халқ дипломатиясини ривожлантириш учун миллий кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистон маданият ва таълим марказлари тармоғини ташкил этиш, чет элда яшаётган ватандошларимиз

¹⁹⁷ “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

билан халқ дипломатияси воситасида ишлашни янги поғонага кўтариш зарур.

Шу билан бирга, давлат дипломатияси соҳасидаги муаммоларни олдини олиш учун мамлакатдаги халқ вакиллари нодавлат ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзбек тилида онлайн ресурслардан фойдаланишни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон халқ дипломатияси доирасида фильмлар, мусиқа ва театр маҳсулотлари яратиш, фестивал ва кўргазмаларни онлайн кўринишда ҳам кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқ дипломатияси учун муҳим атрибудлардан бири бу хориждаги ватандошлар саналади¹⁹⁸. Маълумки, ватандошлар – Ўзбекистондан бўлган, хорижий давлат фуқаролигини қабул қилган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини олган, тарихий ватанига маънавий ва маданий нуқтаи-назардан мансубликни ҳис қилган ҳамда этник ва тил нуқтаи назаридан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган ҳамда Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқа қилиш истагида бўлган хорижда истиқомат қилаётган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардир.

Ватандошлар ташкилотлари эса ўз ташаббуслари билан ташкил этилган ва уларнинг манфаатларини ифода этадиган ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига, истиқомат қилаётган давлат ва Ўзбекистон қонунчилигига асосан фаолият олиб борадиган¹⁹⁹ ташкилотдир. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар, диаспоралар билан самарали ҳамкорликни ўрнатиш мамлакатимизнинг келгуси ривожланишига хизмат қилади.

Тадқиқотчилар Норвуд Стефен ва Эйник Поллакга кўра, хориждаги ватандошлар билан алоқаларнинг истиқболи борасида

¹⁹⁸ “Хорижда яшовчилар ватандошлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 22 январдаги ПҚ-5308-сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/3516847>

¹⁹⁹ “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чоратadbirlari тўғрисида”ги 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3982-сон Қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4022649>

АҚШдаги яҳудий диаспоралари намуна бўлиши мумкин. Жумладан, Исроил давлати кам сонли кичик давлат бўлишига қарамасдан, давлат раҳбарлигида (Диаспора вазирлиги) хориждаги яҳудий миллати ва диаспора вакилларида ўзига хос “ақлли” халқ дипломатияси воситасида самарали фойдаланиши сабабли бугунги катта ютуқларга эришди²⁰⁰.

Шунингдек, Хитой тажрибасида кўринадикки, иқтисодий тараққиёт билан маданий имиджни янада кенгайтириш мумкин. Ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар халқаро ҳуқуқда тенгдир, аммо ривожланган давлатнинг иқтисодий ва сиёсий устунлиги ривожланаётган давлатларга таъсир ўтказиб туради.

Халқ дипломатияси ривожига муҳим қадамлар сифатида Ташқи ишлар вазирлиги тизими кенг ислоҳ қилиниши, хориждаги ватандошлар билан алоқалар бўлими ташкил этилиши, халқаро муносабатлар соҳасида дипломатик, кадрларни ва мутахассисларни танлаш, уларни малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Олий дипломатия мактаби ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий давлатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ватандошлар билан яқин алоқаларни йўлга қўйиб, қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, Россиянинг Кисловодск шаҳрида «Ёш ватандошлар» фестивали ва «Шиоримиз – тинчлик ва дўстлик» ёшлар фестивали, Қозоғистоннинг Чимкент шаҳри, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод вилоятлари, Туркменистоннинг Ашҳобод, Тошовуз шаҳарлари, Тожикистоннинг Душанбе, Хўжанд шаҳарларида «Биз бир замин ва бир замон фарзандларимиз» шиори остида ёшлар форуми ва дўстлик учрашувлари, Туркиянинг Истанбул шаҳрида «Дўстлик лойиҳаси» каби тадбирлар ўтказилаётганлиги шунингдек, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида хорижлик ватандошлар иштирокида

²⁰⁰ Maisel Sandy. Jews in American Politics (2001). University Press: New York. P. 153

«Ватан равнақи йўлида бирлашайлик» шиори остида ёшлар форуми, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тегишли ташкилотлар билан «телемост» кўрсатуви амалга оширилмоқда²⁰¹.

2020 йил декабрда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатида Ўзбекистонда халқ дипломатияси ривожланиб бораётганлиги, нодавлат ташкилотларнинг халқ вакиллари етакчиларини Олий Мажлис қонунчилик палатасининг мажлисида қатнашишлари ва таклиф киритиш имконияти берилиши, ҳар йили 30 июл «Халқлар дўстлиги» куни сифатида нишонланиши ҳам янги ўзгаришлардан дарак беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлаш, давлатнинг миллий манфаатларини хорижда илгари суриш, ватандошлар билан мулоқот ва ҳамкорлик ўрнатиш орқали хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутди. “Ҳозирги халқаро муносабатлардаги мураккаб бир даврда давлатимиз ташқи сиёсати олдида турган муҳим вазифалардан бири жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни янада кенгайтиришдир”²⁰².

Ўзбекистон халқ дипломатияси воситасида қўшни Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга мактаблар, касалхоналар қуриб берганлиги ҳам чет элда яшовчи ўзбек диаспора вакилларида миллий маданият ва қадриятларни сақлаш, хориждаги ватандошлар билан алоқалар мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда Ўзбекистонлик бўлмаган дунё ўзбеклари ҳам Ўзбекистонга интилмоқда. Хусусан, 1996 йили Ўзбекистонда лотин ёзуви расман қабул қилиниши дунё ўзбекларининг яқинлашишига ҳам замин яратди. Жумладан, биргина Афғонистондаги 3 млнга

²⁰¹ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси. 2020. <http://interkomitet.uz>

²⁰² Жўраев Қ. Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти концепциясининг мамлакатимиз теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишдаги аҳамияти. – Т. 2012. 21-б.

яқин ўзбеклар тили, ўзлигини тиклашга, айнан лотин алифбоси орқали ўзбек тилидаги онлайн кутубхона ва порталлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ўзбек лотин алифбоси Ўзбекистонликлар ва бутун дунё ўзбеклари ўртасидаги алоқалар учун муҳим қадамлардан бўлди²⁰³.

Бугунги XXI аср жаҳонда кечаётган глобаллашув турли мураккаб ва зиддиятли жараёнларда халқ дипломатияси ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик, бағрикенглик, тотувлик каби умуминсоний қадриятларни олға сурувчи куч саналади. “Халқ дипломатияси орқали ўзаро таҳдидларнинг олдини олиш, ёш авлодни ўзаро ҳамкорлик ва бағрикенглик, ўзга халқларга ҳурмат руҳида тарбиялашда самарали йўл ҳисобланади”²⁰⁴.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек халқ дипломатияси мактабининг ғоявий илдизлари халқимизнинг кўп минг йиллик давлатчилик тарихига бориб тақалади. Заминимиздан етишиб чиққан сиёсий мактаб намоёндалари Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Фаробийнинг «Фозил кишилар шаҳри», Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулк» асари, Абу Райҳон Берунийнинг жуғрофий қўлланмалари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асари, «Темур тузуклари», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» каби асарлари ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида ўзига хос фундаментал асос саналади²⁰⁵. Мазкур асарларда узоқ ва яқин қўшнилар билан алоқалар, халқаро савдо, давлат бошқарувининг аҳамияти жумладан, элчилар, таржимонларнинг асосий вазифалари ва уларни тайинлаш бўйича қатор қимматли

²⁰³ Ўзбекистонлик бўлмаган ўзбек ёшларининг Президент Шавкат Мирзиёевга очик хати (мақола). 2017.

²⁰⁴ «Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг тутган ўрни» 2019. www.presscenter.uz

²⁰⁵ «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил апрелдаги ПФ-5400-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/3611072>

билимлар олиш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, аждодларимиз орасидан машҳур ва моҳир дипломатлар, элчилар етишиб чиққан. Дунёдаги дипломатияга оид энг яхши китоблар ҳам аслида Шарқда жумладан, заминимизда яратилган. Дипломатия, дипломатлик оддий касб эмас, балки инсондан жуда кўп фазилатларни талаб этадиган ноёб санъатдир²⁰⁶.

Хулоса қилиб айтганда, минтақа давлатлари сингари Ўзбекистонда ҳам халқ дипломатиясини ривожлантиришда олимлар ва тадбиркорлар фаолиятини кенгаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда, халқ дипломатияси воситасида халқлар ўртасида дўстона алоқаларга берилаётган катта эътибор кўпмиллатли давлатлар қатори Ўзбекистон учун ҳам тинчлик ва тараққиётга эришиш, халқаро майдонда унинг нуфузини ошириш учун долзарб рол ўйнайди. “Марказий Осиё катта ҳисобда Евроосиё геополитик маданий цивилизациянинг юраги”га²⁰⁷ айланиб бормоқда. Бугунги сиёсий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий Ўзбекистон дипломатияси бир қанча халқаро аҳамиятга эга фаолиятларни амалга оширишга улгурди.

²⁰⁶ Мирзиёев Ш. Самарали ташқи сиёсат ислохотлар ва янгиланишларни амалга оширишнинг муҳим шарти. – Т. Халқ сўзи. 2018, №8, 1-б.

²⁰⁷ Бўронов Ю. Сафарлар дипломатияси ёки Вашингтоннинг Марказий Осиёга нигоҳи. – Т. XXI аср. 2015. №4. 3-б.

2. Ўзбекистон халқ дипломатиясининг минтақада ҳамкорликни мустаҳкамлашда тутган ўрни

Бугунги замонавий халқаро муносабатларда миллий хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларнинг ортиб бораётганлиги халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳаётий муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси марказида жойлашган стратегик давлат сифатида қардош халқлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Чунки минтақа давлатларининг барчасида ўзбек диаспора вакиллари яшаши давлатимиз аҳамиятини янада оширади.

Халқ дипломатияси миллий манфаатларни илгари суришнинг стратегик омили саналиши билан ҳам катта аҳамиятга эга. А.Асқаровга кўра, халқ дипломатиясининг тараққиёт босқичлари юртимизда азалдан мавжуд бўлган ушбу муносабатларни қайта жонлантириш аynи пайтда муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий манфаат келтиради²⁰⁸.

Ҳар бир давлатнинг асосини халқ ташкил этади. Марказий Осиё минтақасидаги қўшни мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишга эришди.

Сиёсий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантиришда халқ дипломатиясининг муҳим йўналишларидан бири парламент ва парадипломатиялардир. Давлатлараро муносабатларда муҳим ўрин тутган парламентлараро ва ҳудудлараро муносабатларнинг фаоллашуви ҳар бир халқ манфаатларини инобатга олиниши халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, миллий маданият марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти доирасида олиб борилаётган саъй-

²⁰⁸ Асқаров А. Халқ дипломатияси: тарих, бугун ва келажак. – Т. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020. 196-сон.

ҳаракатлар яхши қўшничилик муносабатлари ва халқ дипломатиясини ривожлантиришга хизмат қилади²⁰⁹.

Ўзбекистоннинг бугунги Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги ўрни ва нуфузи ошганлиги, дунёда янги Ўзбекистонга нисбатан янгича ишонч руҳи, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш кучайганлиги, жаҳон сиёсатшунослигида «Марказий Осиё руҳи»²¹⁰ ибораси пайдо бўлганлиги ҳам минтақадаги янги интеграция сари янги қадамлар ташланганлигини кўрсатади:

Биринчидан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувлари ва минтақада давлат чегаралари, логистика, сув, энергетика, фуқароларнинг ўзаро қатнови каби кўп йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар бўйича ўзаро келишувга эришилди;

Иккинчидан, Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини фаоллаштиришда тобора муҳим аҳамиятли давлатга айланаётганлиги;

Учинчидан, Марказий Осиёда барча давлатлар минтақа барқарорлиги ва равнақини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги, минтақавий ва глобал муаммоларга умумий позициядан фикр билдираётгани бунинг яққол далилидир.

Янги давр талабларидан келиб чиқиб, “2022–2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналишдан иборат “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва унинг (6) миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш (7) мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини

²⁰⁹ Хонназаров Ғ. Халқ дипломатияси миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг қулай воситаси. – Т. ЎзА. 2019. 4-б. <https://uza.uz/khal-diplomatiyasi>

²¹⁰ Ғойибназаров Ш. Янгиланаётган Марказий Осиё тамаддунининг янги йўли пайдо бўлмоқда. –Т. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 21 август, 169-сон, 1-б.

кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш вазифалари муҳим ўрин тутди²¹¹.

Ўзбекистонда айна пайтда халқ дипломатияси воситасида хориждаги ватандошлар билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, она тили, маданияти ва тарихини ҳам унутмасликларига кўмак бериш, ватандошларимиз орқали улар истиқомат қилаётган мамлакатлар аҳолиси ўртасида истиқболли алоқаларни ривожлантириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бугунги жаҳон сиёсатида кечаётган жараёнлар ҳар бир давлат олдида халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлишни тақозо этмоқда.

Янги Ўзбекистон халқ дипломатияси Марказий Осиё халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва дўстона алоқаларни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Халқ дипломатияси ҳар бир давлатнинг халқаро жамоатчилик билан тинчлик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришда муҳим механизм саналади. Масалан, биродарлашган шаҳарлар, жамоатчилик ташкилотлар, халқаро ноҳукумат муассасалар шулар жумласидандир. Таълим ва маданият халқ дипломатиясининг муҳим воситаси саналади²¹².

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистоннинг 2016 йилга қадар қўшни давлатлар билан олиб борган муносабатлар ўзаро қарама-қаршилик, муросанинг йўқлигини кўрсатади. Сўнгги йиларда Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасининг барча мамлакатлари билан юқори даражадаги алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги, Марказий Осиё мамлакатлари учун ўзаро манфаатли бўлган глобал масалалар бўйича самарали қарорлар қабул қилиниши, турли соҳаларда намоён бўлмоқда.

Тарихан қисқа вақт ичида минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасида сиёсий мулоқот яхшиланиб, давлат раҳбарлари ўртасида шахсий ишонч мустаҳкамланди. Бу истиқболли натижалар ҳам

²¹¹ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/pdfs/5841063>

²¹² Муртазаева Р. Толерантность как главный фактор в укреплении народной дипломатии между государствами. – Т.: 2017. 3-б.

бермоқда масалан, 2020 йилда Қирғизистондаги сиёсий вазият бўйича Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бирдамлиги, 2022 йил Қозоғистон ва Ўзбекистондаги тартибсизликларда ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаганлиги стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси нафақат давлатлар балки халқлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириб, минтақада халқ дипломатиясини кенгайтиришга ҳамда унинг келгуси истиқболига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан очик, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида сувдан фойдаланиш, Ўзбекистон ва қўшни давлатлар ўртасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш, давлат чегараларини кесиб ўтиш каби мураккаб муаммолар ечилди.

2017 йилда Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга илк давлат ташрифида чегара шартномаси имзоланиши натижасида бугунги кунда кунига 30 мингдан ортиқ фуқаролар ўтиб қайтмоқда. Тожикистон билан ҳам шу каби келишув илгари ёпиқ бўлган 17 та чегара пункти тўлиқ ишга туширилиб, кунига 20 минг фуқаро ўтиб қайтмоқда²¹³. Буни қўшни давлатлар ўртасидаги муносабатлардаги ижобий ўзгаришлар дейиш мумкин. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, ўзаро фойда ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олинган ҳолда ривожланмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин Марказий Осиёда турли ташкилотлар ташкил этилди. Аммо 1993 йилда 2002 йилгача фаолият кўрсатган илк ташкилот Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон иштирокидаги Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти бўлиб, у минтақада сиёсий, иқтисодий, экологик, транспорт ва хавфсизлик масалалари каби кўпгина муаммолар сабабли фақатгина иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш билан чекланиб қолган эди.

²¹³ Марказий Осиёда минтақавий ривожланиш динамикаси. – Т. 2021. www.strategy.uz

Натижада 2014 йил ЕвроОсиё иқтисодий иттифоқи тузилганлиги учун тугатилди. Бошқа томондан эса, ушбу минтақавий ташкилотларнинг истиқболи йўқлигига асосий сабаблардан бири минтақадаги барча мамлакатларнинг иштирок этмаслиги ҳам эди. Мисол учун, агар Ўзбекистон бирор бир минтақавий ташкилот таркибида бўлмаса хоҳ у сиёсий, хоҳ у иқтисодий ёки гуманитар характерга эга бўлсин, самарали натижа бермайди.



*(Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви,
21 июл 2022 йил. Чўлпонота, Қирғизистон)*

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг минтақа бўйича 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувини ўтказиш” таклифи минтақада янги ҳамкорликни шакллантирди. Бу эса давлатлар ўзаро долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва минтақанинг барқарор ривожланиши учун янги имкониятлар учун муҳим майдон бўлди. Бу маслаҳат учрашуви катта истиқболга эга, чунки ушбу учрашувда Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари иштирок этади.

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилашда халқ дипломатиясининг ўрни жуда муҳим. Минтақанинг қардош халқлари маданияти бир-бирини тўлдиради. Тожикистон билан эса икки тилда сўзлашувчи аммо маданияти, тарихи, илдизи, урф-одатлари бирдир.

2020 йилдан бошлаб, ЕИнинг Shengen визаси каби Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ягона Silk Road визаси тартибини жорий этиш бўйича амалий ишларни бошлаб юборган.

Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази



Ўзбекистон Президентининг Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида илгари сурилган “ШХТ халқ дипломатияси маркази”ни ташкил этиш таклифи асосида 2018 йилда “Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази” тузилди²¹⁴. Дарҳақиқат, бугунги кунда халқаро муаммоларни ҳал этишда халқ дипломатияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу дипломатия асосан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш имкониятига эга жамоат ташкилотларига қаратилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Халқ дипломатияси – маданият ва анъаналарни яхшироқ тушуниш, халқлар ўртасида муносабатларни чуқурлаштиришга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган турли халқлар ва ташкилотларнинг оддий ва бевосита мулоқотидир.

²¹⁴ “Ўзбекистонда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг халқ дипломатияси маркази ташкил этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3807-Қарори, www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/sozdan_centra, ШХТ халқ дипломатияси маркази ўз фаолиятини бошлади // “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнали. – Т. №.1/2019. 956.

Бундай дипломатия давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларни эмас, балки сиёсатга боғлиқ бўлмаган халқ вакиллари олимлар ва санъаткорлар, маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар ва ёшлар, туризм ва спорт ташкилотлари, оддий одамларни қамраб олиши унинг аҳамиятини янада оширади. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг мустақил ва норасмий вакиллари сифатида, улар халқаро миқёсдаги турли форумларда, ҳатто низоларни ҳал этиш бўйича музокараларда ҳам давлат номидан воситачи сифатида иштирок этиши катта самара беради.

ШХТнинг Тошкентдаги халқ дипломатияси маркази ана шундай ташкилот саналиб, янги Ўзбекистон ташаббуси билан аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш мақсадини ҳам ўзида мужассам этган. Шу билан бирга, марказнинг ташкил этилиши бир неча сабабларга ҳам боғлиқ бўлиб, ШХТ қисқа давр ичида халқаро муносабатларда муҳим рол ўйнаётган нуфузли ташкилотга айланиб, ҳозирда 18 мамлакатни бирлаштирганлиги, аҳамияти ва қамрови тобора кенгайиб бораётганлигида намоён бўлади. Шунингдек, ШХТ аъзо давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга кўмаклашмоқда.

Марказнинг асосий мақсади мулоқотни янада чуқурлаштириш, ШХТ мамлакатлари ва уларнинг халқларини бир-бирига янада яқинлаштиришга кўмаклашишдан иборат. Бу мақсадга эришиш йўлида қўшма лойиҳалар ва турли тадбирларни амалга ошириш орқали ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг бой тарихий-маданий мероси, кўп асрлик анъаналарини ўзаро билишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ШХТ халқ дипломатияси маркази яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга кўмаклашиш, мамлакатлар ўртасида маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш, мамлакатларнинг фуқаролик жамияти институтлари

Ўртасида алоқаларини кенгайтириш учун муҳим ўрин тутди. Давлатлар ўртасида яхши кўшничлик, ўзаро ҳурмат муҳити кучаймоқда, маданият, таълим, спорт, туризм соҳасида алоқалар кенгаётганлиги халқ дипломатияси ривожидан дарак беради.

Экспертлар фикрига кўра, ШХТ давлатларида халқ дипломатиясини ривожлантириш, унинг ҳудудидаги халқлар учун бир-бирининг маданияти ва турмуш тарзини ўрганиш, халқлар ўртасида алоқаларни кенгайтириш эҳтиёжидан келиб чиққан. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда халқ дипломатияси марказининг ташкил этилиши муҳим қадамлардан саналади. «Шанхай руҳи» тамойиллар бўлган ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, ўзаро маслаҳатлашув, маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат, биргаликда ривожланишга интилиш каби тушунчаларни ўзида қамраб олган. Бошқа томондан эса, бу ташкилотга аъзо давлатларнинг жамоавий позициясини ҳам акс эттиради²¹⁵.

Бугунги рақамли технологиялар асрида, халқ дипломатиясини амалга оширишда телевидение ва радиони энг самарали тузилма сифатида санаб ўтиш жоиз. Халқ дипломатияси орқали турли миллатлар ва халқлар ўртасида дўстона алоқалар ривожланиши, тил, маданият ва қадриятларнинг келгуси авлодларга етказилишида хизмат қилади. “Умумий қадриятимиз, биргаликда ривожланишга интилишимиз, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурматимиз ифодаси бўлган кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибаси «Шанхай руҳини» мустаҳкамлаш бугун ҳар қачонгидан муҳим”²¹⁶.

Ўзбекистондаги халқ дипломатия маркази томонидан мунтазам тадбирлар жумладан, Буюк ҳинд арбоби Маҳатма Ганди ижодига бағишланган давра суҳбати, Навоий кутубхонасида «ШХТ билим зали» яратилганлиги, Душанбе шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар ўртасида, Ухан шаҳрида «Гуманитар ҳамжамият, тараққиётнинг янги драйверлари ҳамжиҳатлиги» мавзусида форум, Тошкент

²¹⁵ Халқ дипломатияси – ҳайрли ҳаракатлар сиёсати (мақола). – Т. 2021. 5 б.

²¹⁶ Мирзиёев Ш. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитидаги нутқи. 2020. Халқ дипломатияси сайёрада тинчлик сари йўл (мақола). – Т. 2019. <https://yuz.uz/news/xalq-diplomatiyasi>

шаҳрида “Халқ дипломатияси – тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” биринчи ШХТ халқ дипломатияси форумини келтириш мумкин²¹⁷.



(ШХТ халқ дипломатияси форуми, 11 май 2022 й. Тошкент)

2022 йил Тошкент шаҳрида “Халқ дипломатияси – тараққиёт сари ўзаро ҳамжиҳатлик” биринчи ШХТ халқ дипломатияси форуми ташкил этилиб, мазкур сиёсий маданий тадбир Ўзбекистоннинг халқаро имиджи ва халқ дипломатияси ривожига муҳим ўрин тутиш билан бирга, маданият, таълим, туризм, ёшлар ҳамкорлик механизми, ШХТ халқаро марафони, ШХТнинг саккиз мўжизаси кўргазмаси кабилар мамлакатларимиз тарихий ва маданий қадриятларини очиб бериш, тарғиб этишга самарали хизмат қилмоқда.



²¹⁷ Султонова Э. Халқ дипломатияси ҳамкорлигининг муҳим воситаси (мақола). – Т. 2022.

Марказий Осиё Шанхай ҳамкорлик ташкилотида беқиёс ўрин тутди. Халқ дипломатияси воситасида туризм, ёшлар, аёллар, “ақлли шаҳарлар” форумлари, ёшлар кенгаши йиғилиши, ёшлар ўртасида «старт-ап» лойиҳалар танлови, спорт мусобақалари ҳам маданиятлараро алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади. Ҳар йили ШХТ маданий ва сайёҳлик пойтахти мақомини бериш амалиётини жорий этиш, “ШХТ эзгу ният элчиси” институтини ташкил этиш сингари ҳаракатлар эса халқ дипломатияси равнақиға хизмат қилиши билан а ҳамиятлидир²¹⁸.

ШХТ тамаддунлар ўртасида мулоқотни фаол ривожлантиришға кўмаклашиб, турли маданият ва анъаналарға эға халқлар ўртасида кўприк барпо этмокда. Шунингдек, ташкилот Буюк Ипак йўлида шаклланган, асрлар давомида минтақанинг асосий иқтисодий ва маънавий қон томири бўлган, халқлар фаровонлигини юксалтиришға, ҳудудларнинг бир-бириға яқинлашишиға, алоқа орқали янада бойитишға самарали хизмат қилмокда. Жумладан, “Халқ дипломатиясини мустаҳкамлашда парламент ва жамоат ташкилотларининг роли”, “Халқ дипломатияси замонавий давлатлараро алоқанинг муҳим элементи, ШХТ давлатлари тажрибаси мисолида” тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. ШХТ Халқ дипломатияси “Тошкент коммюникеси” қабул қилиниши эса муҳим воқеълик саналади.

Т.Нарбаеваға кўра, бугунги кунда халқ дипломатияси мураккаб халқаро вазиятда халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш орқали умумий муаммоларни ҳал этишда самарали восита саналади²¹⁹. Халқ дипломатияси халқаро терроризм, радикализм ва ирқчиликни олдини олишда ҳам хизмат қилади.

Таҳлилларға кўра, янги Ўзбекистон ҳозирда иккинчи тараққиёт босқичида, яъни биринчи босқич сифатида 1990-2016 йилларни келтириш ва иккинчи босқични 2017 йилдан бошлаб янги ислохотлар билан бошланганлигини таъкидлаш мумкин.

²¹⁸ Тошкентда ШХТ Халқ дипломатияси форуми - муҳим одим (мақола). – Т. 2022.

²¹⁹ Халқ дипломатияси – умуминсоний муаммоларни ҳал қилишға қодир. – Т. 2022.

Юртимизда халқ дипломатиясини кенгайтириш орқали миллий манфаатларни илгари суриш халқаро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Кейинги вақтда халқ дипломатияси халқаро муносабатларни яхшилашнинг муҳим омилларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, халқ дипломатияси фаолиятининг қамрови кенг бўлиб, унга парламентлар ҳамкорлиги, ҳудудлар, ватандошлар, диаспоралар, миллатлараро муносабатлар, ёшлар ташкилотлари, маданий дипломатия, таълим сингари турларини санаш мумкин. Давлатлараро муносабатларда муҳим ўрин тутувчи халқ дипломатияси дўстона алоқалар фаоллашувида, ҳар бир халқ манфаатини инобатга олиниши ортидан халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш шаклланишига хизмат қилади. “Миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг муҳим ва қулай воситаси сифатида халқ дипломатиясини янада ривожлантириш зарур аҳамият касб этади”²²⁰.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган турли сиёсий воқеа ва ходисалар халқларнинг бир-бирига яқинлашишини тобора тақозо этмоқда. Бунга маданий-гуманитар алоқаларни, олимлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва оддий шахслар ўртасида мулоқот ўрнатмай туриб эришиб бўлмайди. Бунинг учун турли фестиваллар, ярмаркалар, кўргазмалар, таҳлилий марказлар ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Президенти ШХТ фаолиятидаги муваффақиятларнинг асосий кафолати халқлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасидаги ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, тенглик асосида ўзаро манфаатларни инобатга олишда самарали йўл бу халқ иродасидан келиб чиқувчи халқ дипломатиясидир.

Р. Жураевга кўра, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсати ва халқаро алоқаларида умуминсоний ва ўзаро манфаатли

²²⁰ Хонназаров Ғ. Халқ дипломатияси миллий манфаатларни тарғиб қилишнинг қулай воситаси. – Т. ЎЗА. 2019. 4-б.

муносабатларни ўрнатиш тарафдори эканлиги, халқ дипломатиясини кучайтиришда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб борар экан халқ дипломатиясини янада ривожлантириш муҳим бўлиб бораверади. Ҳар қандай давлат ўзининг ташқи сиёсатида ўз халқининг хоҳиш иродаси ва манфаатини ифода этади²²¹.

Таҳлилларга кўра, бугунги ШХТ доирасидаги ҳамкорлик асосан хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик йўналишларида ривожланган аммо ўзаро алоқаларни таълим, маданият, туризм, биродар шаҳарлар сингари йўналишлар билан кенгайтириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ташкилот мазкур соҳаларсиз кенг кўламли фаолият юрита олмайди. Ўзбекистонда халқ дипломатияси марказларини ташкил этилиши халқаро муносабатларда янги воқеълик саналади ва у бугунги замонавий дунёда халқларни бирлаштирувчи стратегик механизм бўлаолади дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг бош мақсади – давлат мустақиллиги ва суверенитетини, халқаро майдондаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, иқтисодий манфаатларни фаол тарзда илгари суриш, дипломатик алоқаларни яхшилашдир. Халқ дипломатияси сайёрада тинчлик сари йўлдир. Халқ дипломатиясини яхшилаш нафақат мамлакатда, балки жаҳонда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади²²². Марказий Осиёда истиқболли ҳамкорликка эришишда, аввало тинчлик ва ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Халқ дипломатиясининг самарали фаолияти нафақат давлатлар балки халқлар ўртасида ўзаро ишончини янада чуқурлаштиришга,

²²¹ Жураев Р. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях. – Т. 1998. С.10.

²²² Халқ дипломатияси – сайёрада тинчлик сари йўл (мақола). – Т. 2020. <https://yuz.uz/xalq-diplomatiyasi>

ҳамкорликнинг янада мустаҳкамлашга ёрдам бериши билан ҳам истиқболлидир. Шу билан бирга, дипломатиянинг бу шаклини инсонларни яқинлаштирувчи, бир-бирларини яхши тушуна оладиган восита ҳам дейиш мумкин. 2019 йилда ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлар ўртасида ҳамкорликда қўшма тадбирлар, фестиваллар, фольклор, халқ ҳунармандчилиги ва ижодиёти кўргазмалари ташкил этилган.

Р. Назаровга кўра, бутун дунёда глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучайиб бораётган айни бир вақтда халқ дипломатияси халқаро муносабатларнинг асосий элементларидан бирига айланмоқда. Жамоат ташкилотлари фаолияти, қардош шаҳарлар даражасидаги алоқалар давлатлар ва халқларнинг янада яқинлашишига мамлакатлар ўртасида муносабатларни мустаҳкамлашга кўмаклашади²²³.

2020 йил – «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастури доирасида фаолиятлар Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатлар сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга чиқди.

Сиёсий жараёнлар таҳлилига кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ташкилий-институционал ривожига амалий ишлар И.Каримов раҳбарлик қилган даврда реалистик ёндашув сифатида, бугунги янги Ш.Мирзиёев даврига келиб эса либералистик ёндашувни кўриш мумкин²²⁴.

2021 йилги «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» давлат дастурида Марказий Осиё давлатлари билан яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Хусусан,

²²³ Назаров Р. Национально-культурные центры как фактор развития полиэтнического гражданского общества (на примере Республики Узбекистан) // Журнал ЕвроАзия. Россия – Узбекистан: история и современность. №7. М.: 2016. С. 56.

²²⁴ Сайфуллаев Д. Ўзбекистоннинг маданий дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. – Т. 2020. 26-б.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва минтақавий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, халқ дипломатияси механизмларидан самарали фойдаланиш, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги мавжуд тўсиқларни биргаликда ҳал этиш, Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудудлари ўртасида ҳамкорликни фаоллаштириш²²⁵ кабилар катта аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини изчил давом эттиришида қуйидагилар муҳим саналади. Жумладан:

- Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама ва минтақавий алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

- олий ва юқори даражада ўзаро ташрифларни ташкил этиш;
- халқ дипломатияси механизмларидан самарали фойдаланиш;
- яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги мавжуд тўсиқларни биргаликда ҳал этиш;

- савдо иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмининг ўсиши ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

- минтақанинг транзит ва логистика салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш;

- Марказий Осиё минтақаси ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш кўзда тутилган²²⁶.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Туркий давлатлар

²²⁵ Кобзева П., Закирова М. Развитие шелкового пути в XXI веке и его роль в народной дипломатии. – Т.: “ЎзМУ”, 2017. 66-б.

²²⁶ Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 2022. <https://www.strategy.uz/>

ташкilotи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкilotи ва бошқа тузилмалар доирасида ривожлантириши нафақат сиёсий-дипломатик муносабатлар, балки иқтисодий дипломатия, парламент дипломатия ва халқ дипломатиясини кучайтиришда намоён бўлмоқда.

2022 йилги “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастурининг 94-мақсадида ҳам Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш, Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш, (98-мақсадида) хорижий давлатларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналарини кенг оммалаштириш, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш учун Навоий халқаро институтини ташкил этиш, хорижда кенг мақсадли тарғибот тадбирларини кенгайтириш, “Ўзбекистон маданият кунлари”, давра суҳбатлари, кўргазмалар ўтказиш, (99-мақсадида) Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятини тартибга солишнинг замонавий механизмларини жорий этиш²²⁷ кабилар Ўзбекистон халқ дипломатияси ривожига муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатларига алоҳида урғу беришининг муҳимлиги шундан иборатки, аввало, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши бу Марказий Осиё минтақаси²²⁸ эканлигидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон минтақанинг барча давлатлари билан чегарадошлиги, мамлакатдаги ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ўзгаришлар минтақага у ёки бу жиҳатлардан таъсир этади.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи сиёсати, хусусан, яхши қўшничилик ва прагматик минтақавий сиёсати

²²⁷ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармон. <https://lex.uz/pdfs/584>

²²⁸ Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 2021. <https://strategy.uz/index>

давлатимизнинг халқаро нуфузини оширибгина қолмай, Марказий Осиёнинг барқарор ва янги интеграцион маконга айланишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини кучайтириш, минтақанинг ажралмас қисми бўлган қўшни Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, оғир иқтисодий ва гуманитар инқирозга йўл қўймаслик учун афғон халқига ёрдам кўрсатиш, йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, ўзаро манфаатли ва кўпқиррали алоқаларни кенгайтириш муҳим ҳаётий масала ҳисоблайди²²⁹. Дарҳақиқат, Афғонистон муаммосининг асосий сабаблари сифатида афғон давлат бошқарувининг заифлиги, Покистон билан чегаралар деярли очиклиги ва қурол аслаҳаларнинг тўсиқсиз ўтиши, ҳукумат ва давлат арбоблари (ҳатто полиция ва армия вакиллари)ни коррупцияга аралашиб қолаётганлиги, инсонпарварлик ёрдамлари ўз вақтида белгиланган жойга етиб бормаслиги, тинч аҳоли қашшоқлашувини кучайтирмоқда.

Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистонга чегарадош вилоятлар жамоатчилиги иштирокида халқ дипломатияси кўринишида сафарлар уюштириши ҳам минтақа халқлари ўртасида ўзаро яқинлашишга туртки бўлди. Натижада Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида авто, темир йўл, авиақатнов, Қозоғистон билан эса тезюрар поезд қатнови, авиақатновлар сонини оширилиши, Қирғизистон билан чегара муаммосининг 85 фоизи ҳал қилинди.

Бугунги халқаро сиёсий жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги халқаро майдонда мустақил давлатлардаги шаклланган ижтимоий-иқтисодий ва маданий, маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст халқлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларини келтириб чиқариш учун турли мафкуравий воситалар ишга

²²⁹ Иноятова М. Народная дипломатия – важный инструмент в развитии международного гуманитарного. – Т. 2017. 163-б.

солинмоқда. Ўзбекистон дунё давлатларидаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. «Биз Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак»²³⁰.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият учун очиклиги, барча ҳамкорлар билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида дўстона алоқалар жадал кенгаймоқда. Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало қўшни Марказий Осиё давлатлари билан дўстликка асосланган ўзаро манфаатли муносабатларни фаоллаштирди. Ўзбекистон ташқи дунё учун очилиши чегара муаммоларини ҳал этиш йўлида амалий ишлар, Марказий Осиёнинг янги қирраларини кашф этиб, янгича ҳамкорликка қадам қўйилганида намоён бўлади²³¹.

Шу билан бир қаторда, бу соҳада муаммолардан бўлиб турган жиҳат бу халқ дипломатияси воситасида ёш ватандошлар учун Ўзбекистонга сафарлар ташкил этиш, хориждаги ватандошларнинг фарзандларини имтиёзли Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилишни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, хориждаги миллий маданий марказлар билан мамлакатимиздаги миллий маданий марказларни ўзаро боғлаш дўстона алоқаларни кенгайтишига хизмат қилади. Бунга хориждаги ватандошлар ва минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, Ўзбекистонда халқ дипломатияси кўринишида доимий «дўстлик ҳафталиги», маданий, илмий-амалий ва сиёсий тадбирлар ўтказилиши муҳим аҳамият касб этади. «Халқлараро муаммоларни сиёсийлаштирмаслик, этномаданий, тиллар, анъаналарни ривожлантириш зарур аҳамият касб этади»²³².

Айни пайтда, Ўзбекистон томонидан қатор истиқболли ишлар амалга оширилмоқда. Халқ дипломатияси давлат дипломатияси

²³⁰ Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик дасури. – Т. Ўзбекистон, 2016.

²³¹ Талапов Б. Халқ дипломатияси янги босқичда. – Т. 2018. 4-б

²³² Назаров Р. Национально-культурные центры как фактор развития полиэтнического гражданского общества (на примере Республики Узбекистан) // Журнал Евразия. Россия – Узбекистан: история и современность. № 7. – М.: 2016.

билан бирга ривожланиш имкониятига эга бўлиб, у доимо расмий дипломатияга таянади. Ўзбекистонда халқ дипломатияси кўринишида 2018 йилда Шаҳрисабзда «халқаро мақом фестивали», Термизда «халқаро баҳшилар фестивали», 2019 йил июнда Марғилонда «Буюк Ипак йўли халқаро фольклор мусиқа фестивали» ташкил этилиши ва унда кўшни ва хориждан сайёҳлар, санъаткорлар, ҳунармандлар каби халқ вакиллари кенг иштирок этиши²³³ муҳим аҳамият касб этади.

Профессор Сиддхарт Саксана, Марказий Осиё бўйича Кембридж университети форуми раиси (Б.Британия), “Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёдаги етакчи давлатлардан бири балки жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга, ўз фуқаролари учун ҳам, дунё халқлари учун ҳам бирдек муҳим бўлган тинчлик ва хавфсизлик ишига содиқлигини намоён этаётган давлат экани тўғрисидаги фикрлар ҳаммада кучли таъсурот қолдирди”²³⁴.

Юқоридаги омиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон юмшоқ куч ва тинчликка асосланиб, халқ дипломатиясини минтақа доирасида кенг амалга ошириш вазифаси давлатимиз зиммасига тушади.

Бу биринчидан, минтақада барқарорликни таъминлаш кўпмиллатли Ўзбекистон учун ва минтақанинг кўшни давлатларида ҳам яшаётган ўзбек диаспораларини ҳисобга олганда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, халқ дипломатияси орқали ташқи кучлар таҳдидли ҳаракатларига нисбатан дипломатик воситалар билан ҳимояланиш ҳам мумкин.

Учинчидан, минтақадаги барқарорлик давлатимиз учун кўпроқ фойдалидир, чунки бугун Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларининг ошиши маълум жиҳатдан минтақадаги барқарорликка боғлиқ бўлиб турибди.

²³³ Шукурзода М. Народная дипломатия: Узбекистан-Бухарские евреи-США. – Т. Baktria press, 2019.

²³⁴ Каримов И. БМТ Бош Ассамблеяси Мингйиллик Ривожланиш Мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Хорижий ижтимоий сиёсий доиралар вакиллари кенг муносабатлари ва шарҳи. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 27-б.

Ўзбекистон минтақа давлатлари ичида қадимий бой тарих ва маданиятга эга давлат бўлиб, агар халқаро майдондаги бир қатор етакчи давлатларни қиёсласак хатто улар Ўзбекистон каби қадимий бой тарихга ва маданиятга эга эмаслиги намоён бўлади. Заминимиздан жаҳон илм-фани ва инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган етук шахслар математик Хоразмий, ҳадисшунос Бухорий, Термизий, табиб Ибн Сино, моҳир саркарда ва давлат арбоби Амир Темур, фалакиётшунос Мирзо Улуғбек, шоҳ ва шоир Заҳриддин Бобур, шоир Алишер Навоий қабилар ҳаёти чет элнинг нуфузли академияларида ҳам ўрганилади.

Марказий Осиё халқлари узок йиллар давомида бир муҳитда, бир динда яхши қўшничилик асосида қардош бўлиб яшаб келган. Бу омиллар минтақамиз давлатлари ва халқларини бирлаштириб турувчи асосий жиҳатлардир.

Юртимизда халқ дипломатияси тарихи Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалиши, Ўзбекистон қадимдан халқаро савдо, сиёсий, маданий алоқалар қарвон йўлларида жойлашганлиги турли халқлар ва давлатлар ўртасида дипломатик алоқалар шакллانганлигини кўрсатади.

Хулосалар: Бугунги тезкор даврда ривожланган давлатлар қатори кучли сиёсий, қудратли иқтисодий мавқеёга эришишда улар сингари юмшоқ кучга асосланиш, халқ дипломатияни кучайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон минтақа давлатлари ичида қадимий бой тарих ва маданиятга эга давлат саналади. Ўзбекистон ўз жуғрофий имкониятлари геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик жойлашуви, аҳолиси ва тарихий маданияти жиҳатидан минтақанинг ҳар томонлама салоҳиятга эга давлати ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ дипломатияси ва унинг давлат тараққиётидаги ўрни барқарор ривожланиш, тинчлик ҳавфсизликни таъминлашда намоён бўлади. Бугунги ўзбек дипломатияси истиқболлари минтақа тараққиётида муҳим ўрин тутиб, ўзаро дўстона алоқаларни жадал ривожлантиради. 2017 йилдан

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига янги нигоҳ ва мақсадлар билан намоён бўлиши, бу халқлараро алоқаларни кенгайтиришда халқ дипломатиясининг янги даври бошланганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, халқ дипломатияси воситасида хориждаги ватандошлар билан самарали мулоқот платформасини йўлга қўйиш, маданият, таълим соҳаларида ҳамкорликни доимий кучайтириб бориш, диаспора вазирлиги каби тузилма ташкил этиш, фуқаролар ва ўзбек диаспоралари ўртасида давлат тилини яхши билишни рағбатлантириш стратегик муҳим аҳамият касб этади.

Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш қардош халқлар ўртасида мунтазам илмий, маданий тадбирларни кўпайтириш, бугун ва келгусида яхши қўшничилик алоқаларни янада кенгайтиришда ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Халқаро экспертлар, тадқиқотчи ва сиёсатшунос олимлар томонидан кўпмиллатли ва геостратегик аҳамиятга эга Марказий Осиёнинг долзарб масалаларини кенг ўрганиб боришни рағбатлантириш, минтақа хавфсизлиги ва халқлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг тинчликка, яхши қўшничилик ва халқ дипломатияси фаолияти давлатимизни дунёга танитишга хизмат қилади аммо жаҳон ҳамжамиятида жумладан, халқаро рейтинглардаги давлат ўрнини ҳам ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги бир давлат билан яқинлашиш эвазига бошқасидан узоқлашмаслик тамойилидан оғинмаслик давлатимизнинг бугунги ва келгуси дипломатиясини истиқболли таъминлайди.

ХУЛОСА

Бугунги халқаро сиёсатда тобора тез ўзгариб бораётган сиёсий жараёнлар конъюктураси, замонавий геостратегик аҳамиятга эга, табиий ресурсларга бой, кўпмиллатли минтақаларда барқарорлик, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш каби масалаларни жиддий муаммога айлантирмоқда. Бу ўз навбатида, Марказий Осиё минтақасини ҳам катта ташвишга солади. Чунки Марказий Осиёда қатор йирик давлатлар мақсадлари ва манфаатлари кесишмоқда. Шу сабабли минтақа давлатлари ва халқлари ўртасида миллий этник муносабатлар ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда халқ дипломатиясини кенгайтириш муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Юртимизда халқ дипломатияси тарихи Буюк Ипак йўли ва Амир Темур даврига бориб тақалиши, Ўзбекистон қадимдан халқаро савдо, сиёсий, маданий алоқалар қарвон йўлларида жойлашганлиги турли халқлар ва давлатлар ўртасида дипломатик алоқалар шаклланганлигини кўрсатади. Шунингдек, минтақамиз халқлари узоқ йиллар давомида бир муҳитда, бир динда, маданияти, тили, тарихи бир бўлган ҳолда яшаб келган. Бу омиллар минтақа давлатлари ва халқларини доим бирлаштириб туради. Шу сабабли, халқлараро дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлаб боришимиз умумминтақа хавфсизлигини барқарор таъминлайди.

Чет элдаги ватандошлар давлатлари билан Ўзбекистон ўртасида муносабатларни кучайтиришда хориждаги ўзбек диаспора ташкилотларининг имкониятларидан мақсадли фойдаланиш амалиётини жорий этиш, маданий, гуманитар, таълим, ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун механизмлар ишлаб чиқиш зарур. Чунки чет элда яшаётган ватандошлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш тизими, ўз давлатлари билан алоқаларни ривожлантиришда янги имкониятлар яратади.

Ҳозирги кунда халқ дипломатияси соҳасида мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли уларнинг сонини кўпайтириш мақсадида тегишли олий ўқув юртларида халқ дипломатиясини алоҳида фан ва таълим йўналиши сифатида киритиш ҳамда бугунги стратегик дипломатияларни (биринчи бобга қаранг) чуқур ўрганиш, тадқиқ этишни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон ҳам тил, маданият, санъат ва миллий таом дипломатияси асосида хориждаги ўзбеклар ва ўзбек диаспора вакиллари ва хорижликларга махсус курсларни ташкил этиш, оммалаштириш, Марказий Осиё халқ дипломатияси илмий ва маданий диалог гуруҳини яратиш мақсадга мувофиқ.

Халқ дипломатиясини жадал ривожлантириш ва халқаро имиджни янада оширишдаги тўсиқлардан бири бу ҳар бир халқаро индексда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Бу орқали халқ дипломатиясини мустаҳкамлаш ва кенг қўламли тараққиётни таъминлаш мумкин.

Халқ дипломатияси илк бор Ўзбекистон сиёсатшунослик фанида алоҳида Марказий Осиё ва Ўзбекистон контекстида сиёсий тадқиқ этилди ҳамда муаллифлик талқини ҳам тақдим этилди. Халқ дипломатияси, оммавий дипломатия, фуқаро дипломатияси, жамоат дипломатияси, этник дипломатия, маҳаллий дипломатия, диаспора дипломатияси, халққа-халқ дипломатияси каби атамаларни ўзбек тилида умумий таснифда бирлаштириб «Стратегик дипломатиялар» деб ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, халқаро муносабатлар фанига янги терминлар сифатида қуйидагиларни киритиш ҳам тавсия этилади. (1) «Ақлли халқ дипломатияси» – халқ ва давлат вакилларининг биргаликда мамлакат ички ва ташқи сиёсатида фаол ҳамкорлигини таъминлаш механизми. (2) «Адолатли дипломатия» – ҳар бир ички ва ташқи фаолиятни амалга оширишда тенгликка асосланиш, тинчлик устувор бўлиши. (3) «Адолатсиз дипломатия» – ҳар бир ички ва ташқи фаолиятни амалга оширишда нотенглик устувор бўлишини ифодалайди.

Шунингдек, тадқиқотга доир қуйидаги назарий-концептуал ва стратегик аҳамиятга эга тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди:

Марказий Осиё давлатлари ва халқлариаро илмий маданий ойлар, ҳафталикларни мунтазам ўтказиш, илмий, маданий ва маърифий тадбирлар (халқаро фестивал, конференция, концерт ва кўргазмалар) ўтказилиш минтақасини янада кенгайтириб бориш тавсия этилади.

Марказий Осиё давлатлари ҳам туркий, ҳам форсий давлатлар бўлиб, уларни ягона интеграцион бирлашмага айлантириш зарур ва бунинг учун Турон халқлари оқсақоллар кенгаши (олимлар, экспертлар, маданият ва санъат арбоблари, машҳур шахслардан иборат) ёхуд Марказий Осиё халқ дипломатияси академиясини ташкил этиш тавсия этилади.

Халқ дипломатияси воситасида қўшни давлат вакиллари иштирокида ҳар ойни бир миллат маданий ва тижорий ойлиги сифатида эълон қилиб, ўша миллат вакиллари иштирокида маданий кечалар, кино кунлари ва бизнес ярмаркаларни мунтазам ўтказиб бориш зарур аҳамиятга эга.

Марказий Осиё биродар шаҳарлар минтақавий концепциясини ишлаб чиқиш ва қўшни давлатлар шаҳарлариаро ҳамкорликни йўлга қўйиш дастурини амалиётга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Марказий Осиёда яшовчи 100 дан ортиқ миллатларнинг миллий маданияти, миллий эртаклари асосида «Марказий Осиё – умумий уйимиз» номли кинофилм ва ёш авлод учун мультфилм тўплами яратиш шу каби, юртимизда ҳам яшовчи 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг миллий маданияти, миллий эртаклари асосида «Ўзбекистон – умумий уйимиз» номли кинофилм ва мультфилм тўплами яратиш халқлар ўртасида бағрикенгликни кучайтиришга ва халқ дипломатиясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Хориждаги элчихоналаримиз халқ дипломатияси воситасида ўзбек ва минтақа ҳамда хориждаги халқ арбоблари ижоди,

фаолияти бўйича анжуманлар, ўтказиб боришни кўпайтириш, халқаро маданий тадбирларда фаол бўлиш, таълим, маданият, миллий санъат, спорт, таом дипломатияси тарғиботларини кучайтириш ҳамда ўзбекистонликлар ва ўзбек диаспораларини мамлакатимиз нуфузини оширишга қўшган ҳиссаси учун “халқ дипломатлари” сифатида рағбатлантириб боришни йўлга қўйиш зарур. Қисқа қилиб айтганда, хориждаги ўзбекистонликлар ва ўзбек диаспораларини ҳамда мамлакатимиздаги турли миллатга мансуб диаспораларни Ўзбекистон нуфузини оширишга қўшган ҳиссаси учун “Халқ дипломатлари” кўкрак нишони билан тақдирлаш айна мақсадга мувофиқдир.

Хориждаги ваколатхоналар ва тегишли вазирликлар томонидан хориждаги ватандошлар ва ўзбек диаспора вакиллари орасида ўзбек тили ва маданиятни доимий тарғиб қилиб бориш, ўзбек миллий маданий марказлари ва дўстлик жамиятлари имкониятларидан аниқ режалар асосида кенг фойдаланган ҳолда хориждаги мавжуд ўзбек миллий маданий марказлари қошида ўзбек тили ва маданияти курсларини очиш, доимий равишда ўзбек тилини бепул ўқитиш дастурлари ва мактаблар фаолиятини кенгайтириш тавсия этилади.

Ўзбекистон халқ дипломатиясини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи давлат тили нуфузини ошириш мақсадида Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакилларига ўз она тилларини инкон этмаган ҳолда ўзбек тилини билишга маълум талаблар (масалан, мактабни битирганда 1000 та, олийгоҳни тамомлаганда эса 5000 та сўз билиши) жорий этиш стратегик муҳим аҳамият касб этади.

Келгусида Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги номли халқаро ташкилот ташкил этиш, халқаро ўзбек тили ва маданиятини мустаҳкамлашга, хорижликлар билан бирга, хориждаги ватандошларни ҳам Ўзбекистонга кенг жалб этишга ёрдам беради. Бу қолаверса янги Ўзбекистон халқ дипломатиясини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Сиёсий методологик адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи (Нью-Йорк) // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи. 2017 йил 11 ноябрь.
6. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. // Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабрь.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга муурожаатномаси. Халқ сўзи. 2017 йил 22 декабрь.
8. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш – дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир. // Халқ сўзи. 2017 йил 11 январь.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
10. Мирзиёев Ш.М. Самарали ташқи сиёсат ислохотлар ва янгилашниларни амалга оширишнинг муҳим шарти. Халқ сўзи. 01.2018, №8.

11. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон маданиятининг янги қирралари – дунё эътиборида // «Ўзбекистон маданий мероси» муаллифлик туркуми. – Т. 2019

12. Мирзиёев Ш. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 23.09.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/3851>

13. Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистон Стратегияси». – Тошкент: Ўзбекистон. 2021.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон. 1997. 6-б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2012.

2. “Республика Байналмилал маданият маркази тўғрисида”ги 1992 йил 13-январдаги 10-сонли Қарор. <https://lex.uz/ru/docs/366853>

3. “Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1997 йил 26-майдаги ПФ-1785-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/-216119>,

4. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/3107036>

